

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
БАДИИИ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ
Т О Ш К Е Н Т — 1968



**МУҲАММАД
ФУЗУЛИЙ**

асарлар

икки жилдлик
биринчи жилд
девои

Озарбайжончадан нашрга тайёрловчи:
ХОЛИД РАСУЛ

Фузулий Мухаммад.
Асарлар, 2 ж. Ж. 1 Т., Рафур Буом номидаги бадиий адабиёт нашр., 1968.
Ж. 1. Девон 384 бет. Тиражи 10000

Фузулий. Сочинения. Т. I
№ 752-67
Навий номидаги ЎзССР Давлат
кутубхонаси.
Индекс 7-4-3

Уз 1

МУҲАММАД ФУЗУЛИЙ

Озарбайжон халқининг асл фарзанди Муҳаммад Фузулийнинг жаҳон адабиёти хазинасига қимматбахо дурдона бўлиб қўшилган шоҳона асарлари фақат озарбайжон халқининггина эмас, балки Урта Осиё халқларининг, шу жумладан ўзбек халқининг ҳам юрак садолари сифатида янграб келади; шоирнинг шеърлари, дostonлари ўзбек адабиётининг қуёши Алишер Навоий асарлари каби кўз қорачиғидай сақланиб, севиб ўқилади.

Фузулий озарбайжон адабиётининг буюк сиймолари — Хоқоний, Низомий, Насимий, шунингдек ўзбек адабиётининг Лутфий, Атоий, айниқса Алишер Навоий сингари улуғ адиблар ижодидан илҳомланиб, оригинал асарлар яратди ва озарбайжон адабиётида ғазалчилик соҳасида ўзигача бўлган шоирлардан ўзиб кетиб, юксак чўққини ёғаллади. У буюк Навоий ғазалиётининг энг яхши анъаналарини давом эттириб, нафис ва гўзал шеърлар яратди. Фузулий ўз ижодининг олижаноб фазилатлари билан ўзбек шеърятининг ривожланишига ҳам баракали ҳисса қўшди. Унинг асарлари кўчирилиб, кўпайтирилиб қўлёзма ҳолида қўлдан қўлга ўтиб келди ва 400 йил мобайнида етишган деярли ҳамма ўзбек шоирларининг устози ва энг яқин ҳамроҳи бўлди.

Фузулий шеърлари кўп асрлардан берли ўзбек халқи томонидан севиб ўқилади, куйга солиб ашула қилинади. Ўзбек халқи буюк оташин шоир Фузулийни ўз шоирдек билиб ардоқлайди.

Фузулий озарбайжон тилида бадий ижоднинг юксак намуналарини яратиб, туркий адабий тилнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Шоир ўз ижоди билан озарбайжон адабий тилига сайқал берди, ўзи айтганича қийинчиликларни бартираф қилиб, озарбайжон адабий тилига баҳор келтирди ва унинг гулистонида ранг-баранг гуллар яратишга муваффақ бўлди:

Ул сабадан форси лафзила чўхдур назмиким,
Назми нозик турк лафзила экан душвор ўлур.
Лаҳжаи туркий қабули назм таркиб айлаюб,
Аксаран алфози номарбуту ноҳамвор ўлур.
Манда тавфиқ ўлса бу душвори осон айларам
Навбахор ўлғач тикандан барги гул изҳор ўлур.

Фузулий буюк лирик шоир сифатида ўз ўтмишдошларининг энг яхши анъаналарини ривожлантириш билан бирга шеърятга янги ижтимоий-фалсафий мазмун, янги бадий кайфият бағишлади. У халқнинг ғам-ғуссаларини, орзу-умидларини, интилишларини қуйлади ва том маънодаги халқ шоири сифатида танилди.

Фузулий бадий меросининг ўрганилиш тарихи ўз асридан бошланган. Яқин Шарқда, айниқса Озарбайжонда, Урта Осиёда, Туркияда шоирнинг ҳаёти ва асарлари тўғрисида маълумот берувчи юзлаб таъкиралар, мажмуалар, рисоалар бор.

Европа ва Россияда XIX асрдан бошлаб Фузулий меросини ўрганишга киришилди. Шарқшунос олимлар Фузулийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида анчагина асарлар ёздилар. Улуғ Октябрь революциясига қадар Озарбайжоннинг тараққийпарвар ёзувчи ва зиёдилари Фузулийнинг бадий меросини ўрганиш соҳасида анчагина қимматли асарлар яратганлар.

Фузулийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихидаги энг маҳсулдор давр Совет ҳокимияти йилларида бошланди. Кўпгина адабиётшунос олимлар, шу жумладан филология фанлари докторлари Мир Жалола, Ҳ. Орасли, М. Гулизода каби кўплаб ёзувчи ва олимларнинг олиб борган илмий тадқиқотлари буюк шоир Фузулий шарафига муносиб илмий тадқиқотлардандир.

Фузулийнинг куллиёти, девони Ўзбекистонда Октябрь революциясига қадар қўлёзма ҳолда бир неча бор кўчирилиб, қўлдан-қўлга ўтиб келган. 1891 йилда тошкентлик Шоҳ Мурод Шоҳ Неймат Охун ўғли томонидан кўчирилган нусха «Девони Мавлоно Фузулий Маъ Лайли Мажнун» номи билан тош босмада бир неча марта нашр этилган.

Фузулий асарларининг қўлёзмалари жуда кўп. Улар ҳар бир йирик кутубхонада бир неча нусхадан сақланади. Европада Фузулийнинг етти асаридан 41 қўлёзма мавжуд. Профессор Ҳамид Ораслининг айтишича бу қўлёзмаларнинг учтаси XVI асрга, бири XVIII асрга, иккитаси XIX асрга оиддир.

Шоирнинг деярли ҳамма машҳур асарларини ўз ичига олган мукаммал куллиёти қадимий қўлёзмасининг ягона нусхаси Ленинграддаги Шарқшунослик институтида сақланади. Шоирнинг вафотидан 34 йил кейин кўчирилган бу қимматли куллиёт Фузулий меросини ўрганишда янги давр очди.

Фузулий девонининг энг қадимий ва мукаммал нусхаларидан бири Озарбайжон Фанлар Академиясининг республика қўлёзмалари фондида сақланади. Бу китоб 1569 йилда кўчирила бошланган бўлиб, 1572 йилда тамомланган. Бу нусха илм аҳлига маълум бўлган Фузулий девонларининг энг қадимийси бўлиб, шоирнинг ва-аҳлига маълум бўлган Фузулий девонларининг энг қадимийлиги билангина фотидан ўн олти йил кейин кўчирилгандир. Бу китоб фақат қадимийлиги билангина эмас, мукаммаллиги, тўғри кўчирилганлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Фузулий асарлари қўлёзмасининг яна бир мўътабар нусхаси Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида сақланади. Бу девон 1581 йилда кўчирилган бўлиб, шоирнинг «Бангу Бода» ва «Шикоятнома» асарларини ҳам ўз ичига олгандир. Бу нусха профессор Ҳ. Орасли томонидан Фузулий асарларининг илмий-танқидий тўғриси тэйёрлашда асосий нусхалардан бири бўлиб хизмат қилди. Бу қўлёзма Фотежстини тэйёрлашда асосий нусхалардан бири бўлиб хизмат қилди. Бу қўлёзма Фузулий қўлёзмалари орасида тарихий жиҳатдан Боку нусхасидан кейин иккинчи ўрин тутати. Тошкент қўлёзмаси Боку нусхасидан 8 йил кейин ёзилган бўлса, Ленинград нусхасидан 8 йил илгари қаламга олингандир. Шу билан бирга унда Фузулийнинг нашр этилган девонларига киритилмаган, ҳатто кенг тадқиқот ишлари олиб борган кишиларга ҳам тўла маълум бўлмаган бир неча ғазал ва баъзи ғазалларнинг илова байтлари ҳам бор.

Озарбайжон ССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Орасли бу қўлёзмалар билан бирга Ленинград, Истамбул, Тошкент, Табриз нусхаларини ҳам тадқиқ этиб, Фузулий асарларини мукаммал нашр эттирди. Озарбайжон Фанлар Академияси Низомий номидаги тил-адабиёт институти томонидан 1958 йилда нашр этилган Фузулий асарларининг I, II, III томлари шоирнинг ижодий ҳазинасини тўлаллиги билан намойиш қилади. Бундан ташқари, озарбайжон, рус ва форс тилларида Фузулийнинг танланган асарлари ва «Лайли ва Мажнун» достони нашр қилинди.

Фузулийнинг ўзбек китобхоналарига тақдим этилаётган мазкур асарлари икки томдан иборат бўлиб, профессор Ҳамид Ораслининг 1958 йилда нашр эттирган «Муҳаммад Фузулий асарлари» китоби асосида нашрга тэйёрланди.

Шунингдек, шоирнинг 1569/72 йилда кўчирилган девонининг фото нусхаси ва Шоҳ Мурод Неймат Охун ўғли томонидан кўчирилиб, Тошкентда 1891 йил тош босмада чоп қилинган «Девони Фузулий Маъ Лайли Мажнун» китобидан фойдаланилди.

Биз Фузулий асарларини нашрга тэйёрлашда ўтган асрдаги ўзбек ноширларининг Фузулий асарларини кенг китобхоналар орасида оммалаштиришдек хайрли миъннинг Фузулий асарларини ҳам назарда тутдик. Бу котиб ва ноширлар ҳам шоирнинг орттирган тажрибаларини ҳам назарда тутдик. Лекин озарбайжон нашрида асл нусхаларнинг асл услубини сақлашга интиланлар. Лекин озарбайжон нашрида асл нусхалардаги баъзи сўзларни ҳозирги озарбайжон адабий тилига риоя қилиб мувофиқлаштирилган ҳолда нашр этилган бўлса, биз ўз ҳолича ёки ўз тилимизда бўлганича олдик ва шундай ёздик. Зотан энг эътиборли ҳисобланган, 1569/72 йилда кўчирилган қўлёзманинг Боку нусхасида айрим сўзлар ўзбек шеvasи талаффузига яқин бўлгани, лекин озарбайжон нашрида озарбайжон тилига уйғунлаштириб олингани учун биз аслида қандай бўлса шундай олдик. Масалан: дош—тош, дут—тут, ўх—ўқ, чиқ—чиқ.

сохламоқ—сақламоқ, дутор-тутар, этайин—этагин, ёҳдим-ёқдим, дурпоқ-тупроқ мана—манга, сана—санга, аксик—ўксик, чизкинур—чиркинур сингари. Бундан кузатилиб мақсад Фузулий асарлари ота-боболаримиз томонидан қандай ўқилиб, тингиланиб келган бўлса, ўша анъанани сақлашдан иборат бўлди.

Фузулий асарлари совет ҳокимияти йилларида бундан илгари ҳам кичикроқ китоб ҳолида ҳозирги алфавитда ўзбек китобхонлари учун нашр этилган. Лекин шоирнинг бу икки томлик асарлари тўплами бадиий асарларга иштиғи зўр бўлган ва Фузулий асарларини севган китобхонлар учун яхшигина тўхфа бўлади, деган умиддамиз.

* * *

Буюк истеъдоди ва порлоқ даҳоси билан озарбайжон маданияти тарихида янги бир давр очган, адабий тилни юксак босқичга кўтарган шоир Фузулий ўз халқининг дунёқарашини, фалсафий ахлоқий тушунчаларини, тасаввур ва орзу-умидларини зўр санъаткорга хос бадиий бўёқларда тараннум этди. У ўз замонининг чуқур билимга эга бўлган илғор мутафаккири, ўз даврида содир бўлаётган воқеаларга тўғри баҳо бера олувчи, адолатсизликка, зулмга нафрат билан қаровчи шоир эди.

Фузулий яшаб ижод этган даврда, XV аср охири XVI аср ўрталарида озарбайжон халқининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида янги ҳодисалар рўй берди. Бу даврда чет эл истилочиларига қарши курашнинг авж олиши ва ерли феодал зодагонларнинг ўзаро урушларига қарамай марказлашган давлат учун интилиш озарбайжон халқи ҳаётида янги прогрессив воқеа бўлди. Феодалларнинг ўзаро уруш-талашлари натижасида Шоҳ Исмоил Хатойй 1502 йилда Сафавий давлатини тузди-да, Оқ қуюнчилар, Ширвоңшоҳлар ҳокимиятини тор-мор келтириб, Озарбайжон ерларини бирлаштирди. Бу эса Усмонлилар султонилигини ташвишга солди. XVI аср бошларида халифалик шiori билан мусулмон халқларни асорат остига олиш учун интилган Усмонли давлати Озарбайжонга 1515, 1535, 1537 йилларда бир неча бор юриш қилди. Сафавийлар ва усмонли султонлари орасида урушлар озарбайжон халқининг иқтисодий, маданий ҳаётига салбий таъсир этди. Бунга қарамай сафавийлар ҳокимиятининг дастлабки йилларида Озарбайжонда иқтисодий, маданий ҳаёт маълум даражада ривожланди.

Озарбайжон XVI аср ўрталарида Россия ва Европадаги бошқа давлатлар билан савдо муносабатлари олиб борарди. Савдо-сотиқ ишларининг ривожланиши мамлакатда нафис буюмлар ишлаб чиқаришнинг кучайишига сабаб бўлди. Озарбайжоннинг Табриз, Шамохи, Боку, Ганжа каби шаҳарлари иқтисодий жиҳатдан Ғарбий Европа шаҳарларидан қолишмас эди. Бу иқтисодий ривожланиш маданий тараққиётга ҳам аниқгина таъсир қилди.

Меъморчилик, фан, маданият, адабиёт, тасвирий санъат, музыка ривожланди.

Иқтисодий ҳаёт, маданият шундай давом этиб турган бир пайтда усмонли кўшинларининг 1515 йилда сафавийларга етказган зарбалари, 1535 йил Табризни ишғол этишлари озарбайжон халқининг оғир аҳволда қолишига сабаб бўлди. Табриз халқининг қаҳрамонона кураши натижасида усмонлилар Табризни ташлаб чиққан бўсалар ҳам, лекин Ироқни қўлдан бермадилар.

Феодал урушларининг оғирлиги одатдагидек халқ оммаси устига тушарди, аскарларни ва очкўз феодал амалдорларини таъминлаш учун меҳнаткаш халқнинг топган-тутгани солиқ, бож, хирож йўли билан тортиб олинар эди. Фузулий яшаб, ижод этган Бағдод шаҳри ўша даврда усмонли султонлигига тобе бўлиб, бу ерда халқ оғир иқтисодий аҳволда яшар эди. Фузулийнинг «Шикоятнома» асари шундай бир ижтимоий шароитнинг маҳсули бўлиб, ўша замондаги ҳарбий феодал қоидаларига қарши ёзилган эди.

Маълумки, XV асрда ўзбек маданияти гуллаб яшнаган, буюк ўзбек шоири Алишер Навоий бошчилик қилган адабий мактабнинг шўхрати Яқин Шарққа кенг ёйилган даврда озарбайжон шоирларининг бир гуруҳи Ҳирот шаҳрига кўчиб келган эди.

XVI асрда Исмоил Сафавий давлати ташкил топгандан кейин, Ҳиротда яшаган бир қанча истеъдодли шоирлар ўз ватанларига қайтиб келадилар. Улар ўзларининг дилрабо асарлари билан Ҳусайн Бойқоро ва Алишер Навоийларнинг мажлисларида бир неча бор таҳсинга сазовор бўлган эдилар. Табризга қайтиб келгач, уларнинг бир қисми сарой атрофига тўпланиб, ижод билан шуғулландилар. Бу шоирларнинг Навоий ижодиётига ғоят муҳаббат, чексиз ҳурмат билан қарашлари ва ўзбек адабиётининг ютуқларидан фойдаланиб, Навоийнинг тили, услуби ва ифодалари хусусиятларини ўзлаштириб, унга жавобан бадийий сўзнинг гўзал намуналарини яратишлари ўзбек адабиёти таъсирини озарбайжон адабиётида кучайиб боришига сабаб бўлди. Профессор Ҳамид Ораслининг ёзишича, ўзбек классик адабиётига бўлган қизиқиш, унинг анъаналарини ўзлаштириш, Навоий адабий меросини ўрганиш шеърятда ҳам, насрда ҳам ўз таъсирини ҳис эттирди¹.

Масалан, Ҳиротдан ўз ватанига қайтган сўз усталари Хулқий, Оллоҳий, Зиёий каби шоирлар ижодда Навоий анъаналарини давом эттириб, озарбайжон адабиётига маълум даражада ўзбек адабиётининг таъсирини сингдирдилар. Бунга Шоҳқулибой, Сусанбой, Пари Пайкар каби шоирлар ижоди мисол бўла олади. XV аср озарбайжон адабиёти тарихида лирик шоир сифатида танилган санъаткор олим Басирий Навоий асарларини Туркияга биринчи бор олиб борган ва шоирнинг тарғиботчиси бўлиб хизмат қилган. Бу даврда етишган етук шоирлардан Кишварий Алишер Навоий таъсири остида бадийий сўзнинг ажойиб намуналарини яратган. Шоир доимо Навоий асарларини намуна деб билган, унинг ғазаллари савиясида шеърлар яратишга интилган, Навоий ғазалларига муҳаммас боғлаган, Навоийнинг устозларидан бири шоир Лутфий асарларини ҳам қунт билан ўрганган. У бир ғазалида шундай дейди:

Навоий ҳимматингдан Кишварий аҳли назар бўлди,
Шаҳон мулкин тутар шеъри, назар бўлса Навоийнинг.²

Кишварий Навоий изидан бориб, озарбайжон тилини ривожлантиришга интилиб, ғазалларида халқ адабиёти хазиналаридан тўла фойдаланган. Навоий мактабидан таълим олган ва унинг анъаналарини давом эттирган шоир Кишварий ижоди озарбайжон шеърятининг ривожланишига анчагина таъсир этди. Сурурий, Шоҳий, Мотамий, Қосимий, Ҳабибий каби шоирлар Кишварий ижодидан руҳланиб катта ютуқларга эришдилар. Бу шоирлардан бири, озарбайжон адабиётининг атоқли намоёниси Ҳабибий аса Фузулийнинг устозидир.

Демак, Фузулий, Ҳабибий ва Кишварийлар сингари Навоий мактабининг шоирлари ва давомчиси дидир. Унинг «Лайли ва Мажнун» достонида Навоийни ҳурмат билан тилга олиши бежиз эмас.

Турку арабу ажамда айём,
Ҳар шоира вермишиди бир ком...
Улмиш эди Навоий суҳандон
Манзури шаҳаншоҳи Хуросон.³

Фузулий яшаб ижод этган давр озарбайжон адабиётининг ниҳоятда гуллаган даври эди. Бу адабиёт туркий халқлар адабиёти орасида Навоий адабий мактабидан кейинги энг илғор адабий мактаб эди. Бу юксак бадийий мавқега эга бўлган адабий меросни чуқур ўрганган нозик дидли шоир Фузулий озарбайжон адабиётини янги юқори босқичга кўтарди ва Яқин Шарқда, хусусан озарбайжон адабиётида сўз санъ-

¹ Ҳамид Орасли. Буюк Озарбойжон шоири Фузулий. Боку, 1958, 47-бет.

² Кишварий. Девон, Озарбойжон ССР Фанлар академияси қўлёзмалар фонди, 139-бет.

³ Фузулий, «Девон», Тошкент, 1891 й., 19-бет.

атининг ғоявий, бадий қудратини янги ва унғача кўрилмаган ажойиб намуналарини яратиб, таҳсинга сазовор бўлди.

Бағдоқ шахрида ва унинг атрофида Фузулийдан илғари ҳам, ундан кейин ҳам бир қанча озарбайжон шоирлари яшаб ижод этганлар. Чунки Бағдоқ ва унинг атрофида илғаридан озарбайжонликлар яшаб келар эдилар. XV—XVI асрларда Бағдоқ ва унинг атрофига яна кўпгина озарбайжонликлар кўчиб бориб, Карбало ва Нажаф шаҳарларини обод ва муқаддас шаҳарларга айлантирдилар. Бу шаҳарлар озарбайжонликлар учун зиёратгоҳ бўлди. Зиёратга келганларнинг кўп қисми у ерларда қолиб кетарди. Шу билан Бағдоқ атрофида яшовчи озарбайжонлар билан ўз ватанларида яшаган озарбайжонлар орасида иқтисодий ва маданий алоқа мустаҳкамланиб борар эди.

Бу даврда Бағдоқда яшаб ижод этган Фузулийнинг замондошлари: Калойи, Зоев, Шамси Бағдодий, Зеҳний, Илмий, Аҳдий, Рухий, Фузулийнинг ўғли Фазлий каби шоирлар ўз даврининг етук санъаткорлари эдилар. Фазлий отасининг ижодидан таъсирланиб ғазалчиликни давом эттирди, у ўзининг илк бор озарбайжонча ёзилган мустақодлари билан озарбайжон адабиётига янгилик киритди. У халқ адабиёти таъсирида ёзилган шеърлари билан ҳам муваффақият қозонди.

Бағдоқ адабий муҳитининг буюк намоёндаси Фузулий ғазалларининг оламшумул мавқега эришувида Бағдоқ шоирларининг хизмати катта бўлди.

Фузулийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар жуда оздир. Унинг ижоди ҳақида ёзилган тазкираларда шоир ҳаёти ҳақида тўла маълумот берилмайди. Унинг ҳаёти тўғрисида фақат шоир асарларининг ўзидангина маълумот олиш мумкин. Фузулий ҳаёти ҳақида турли тадқиқотчилар томонидан турлича фикрлар, ривоятлар айтилган. Лекин олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидагича хулосага келиш мумкин:

Муҳаммад Фузулий 1498 йилда Ироқнинг Карбало шахрида Сулаймон номи бир зиёлининг оиласида туғилиб ўсди. Баъзи ривоятларда Сулаймоннинг Араш деган жойдан Карбалога кўчиб келганини ва Фузулийнинг ўғли Фазлийнинг кейинроқ бососининг юрти — Арашга қайтиб келиб кўни-қўшни ва қариндош-уруғлари билан биргаликда яшагани айтилади. Шоир Фазлий ҳақиқатан ҳам Араш атрофида яшаган аҳоли орасида ўз асарлари билан шўхрат топган.

Фузулийнинг отаси Сулаймон тўғрисида ҳам маълумотлар кам. Баъзилар уни муфти бўлган деб айтадилар. Лекин Фузулий ўзининг «Маглаул-эътиқод» асарида: «Илмнинг баҳслари-ла изҳори фазл одан қуа — Фузулий лақабли Сулаймон ўғли Муҳаммад дейир...» деб ёзади ва отаси ҳақида аниқ ҳеч нарса демайди.

Фузулий ёшлиғида Карбало мактабларидан бирида ўқиган бўлиши эҳтимол, кейинроқ Бағдоқга бориб, мадрасада таҳсил олган бўлиши мумкин.

Шоир девонининг муқаддимасида мактабда ўқиб юрган чоғларини эслар экан, шундай деб ёзади: «Вужудим кемаси табиат елкани билан гўдаклик денгизидан ҳис ва идрок соҳилига етди... Янги туғилган бахт юлдузимнинг жавлонгоҳи зийнатли бир мактаб эдики, унинг фазосида сарв қадли гўзаллар жонга жаннат муждаси келтиради... Лекин ҳали у янги ўсмирларга илмнинг дақиқ жиҳатлари маълум бўлмаганидан беҳишта ўхшаш мажлисларида ҳамisha ошиқона шеърлардан бошқа нарса ўқилмасди ва мутолаа қилган варақларида жигарсўз ғазаллардан бошқа бир хат топилмасди...»

Бундан маълум бўлишича, Фузулийнинг таълим олган мактабида ошиқона шеърга катта қизиқиш бўлиб, шоир дастлабки шеърларини шу мактабда ёзган. Айтишларига қараганда устози Ҳабибийнинг қизини севган ва унга шеърлар бағишлаган.

Шоир ўз девонига ёзган муқаддимасида қаламга бўлган муҳаббати, ўзининг табиатида шоирлик истеъдоди борлиги, бу хусусиятлар унда шеър завқини уйғотгани тўғрисида тўлқинланиб гапиради: «Шоирлигим муайян бўлди. Назмининг садоси билан оламлар тўлди» дейди. Мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ шоир сифатида машҳур бўлган Фузулий илм ва фаннинг аҳамиятини англаб, кўпгина фанларни кунт билан ўрганди. У: «Шеърининг мартабаси илм зийнатида холи бўлишини нуқсон ҳисоблаб, илмсиз шеърдан руҳсиз бадан каби нафрат этиб, бир мuddат ҳаётининг

нақдини ақлий ва нақлий илмларни ўрганишга сарф этдим. Умирини сарф этиб, ҳикмат ва ҳандаса ўрганишга ҳаракат қилдим. Аста-секин хунар соҳибларининг асарларидан назимнинг гўзаллиги учун лаъллар тартиб этдим...» — деб ёзган эди.

Фузулий ўзининг бу сўзлари билан мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ мазмунга эга бўлмаган шеърларнинг қиммати бўлмаслигини тушунган ва тинмай мутолға қилиши туфайли илм-фаннинг бутун соҳаларини эгаллаб, ўз даврининг етук олими ва комил санъаткори сифатида шуҳрат қозонган. Унинг асарларида чуқур фикрлар, мушоҳадалар муаллифнинг ҳар томонлама етук, доно, ўз замонининг алломаси бўлганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам уни замондошлари «Мавлоно» деб атаганлар.

Фузулий озарбайжон тилида ажойиб шеърлар ёзиш билан бирга форс, араб тилларида ҳам асарлар яратган. Унинг бу тилларда яратган асарлари, Яқин Шарқ халқларининг маданияти билан таниш бўлганлигини, тарих, тиб, нуҷум, ҳандаса ва бошқа дунёвий илмларни, айниқса мантиқ ва фалсафани ҳар тмонлама эгаллаганини кўрсатади. Фузулий мутафаккир шоир сифатида қадимий юнон маданияти ва фалсафасини чуқур ўргангани, унинг «Матлаул-эътиқод» асарида Афлотун, Аристотель, Гераклит ва бошқа шу каби қадимий юнон файласуфларининг асарлари тўғрисидаги мулоҳазаларидан билиниб туради.

Фузулий озарбайжон адабиётини зўр муҳаббат ва ихлос билан севгани каби, ўзбек, форс, араб ва ҳинд адабиётини ҳам севган ва ихлос қўйган. Хоқоний, Низомий, Алишер Навоий, Жомий, Салмон Савожий, Камол Хўжандий, Шайхий, Жалилий ва туркиялик шоир Низомий ва Яқин Шарқнинг бошқа шоирларини тилга олиши шоирнинг адабиёт оламининг чуқур билимдони, донишманди эканлигини исботлайди.

Фузулий асарларида унинг Бағдод, Ҳилла, Нажаф каби Ироқнинг бир қанча шаҳарларида яшагани, кейин ўз туғилган юрти Карбалого қайтиб келгани тўғрисида маълумотлар бор. Шоир диний доираларга яқин турган ва улардан маош олиб, кун кечирган. Унинг қариган чоғларида Нажаф мутавалисига ёзган бир неча қасидалари шундан далолат беради.

Бағдодда Шоҳ Исмоил Сафавий ҳукмронлик қилган йиллари Фузулий ижодининг баракали даври бўлди. У бу даврда озарбайжон, форс ва араб тилларида аллегорик маснавийлар ёзди.

1534 йилда Бағдодни Усмонли давлати босиб олгач, шоир Табризга кетмоқчи ҳам бўлган. (Бу фикр унинг форсча девонига ифодаланган). Лекин у, балки янги шароитда мамлакатда аҳвол бирмунча яхшиланар деган умидда бу фикрдан қайтган. Бироқ адолат тўғрисидаги унинг орзулари Усмонли ҳокимияти йилларида ҳам амалга ошмади.

Шоир бу йилларда Бағдодга келган турк шоирлари билан танишади-да, ҳукмдорларга атаб бир неча қасидалар ёзади. 1537 йилда «Лайли ва Мажнун» асарини ёзиб тугалайди, сўнгра «Етти жом», «Анисул-қалб», «Сихҳат ва Мараз», «Матлаул-эътиқод» ва «Ринду Зоҳид» каби фалсафий асарлар ёзади. Умирининг сўнги йилларида озарбайжон ва форс тилларида тузган девонини ҳам қасидаларини тартибга солади.

Султон Сулаймон Бағдодда бўлган чоғида Фузулийга аризага биноан нафақа таъинланди. Лекин уни ола олмагач, ҳокимлардан Мустафо Чалаби номига «Шикоятнома» ёзади. Умр бўйи санъат билан шуғулланган буюк шоир доим моддий қийинчиликда, қашшоқликда яшаган. Шунга қарамай Фузулий тамаъгирликни ёмон кўрар, кишиларга қарамликни қаттиқ қоралар, миннат ила фаровон ҳаётга ёришини истамас эди. У бўйсуниб, саҳоватларга кўз тикиб, риёкорлик билан яшайдиган кўра камбағаллик билан кун кечиришни афзал кўрар эди. Бу кайфият унинг асарларида яққол ифодаланган. Шоир бир қанча қасидалар ёзган бўлса ҳам ҳукмдорларга танқидий муносиватда бўлган. Қатор асарларида феодализм шароитидаги амадорларнинг поряхўрлигини, таловчилигини, руҳонийларнинг иккиюзламаллигини риёкорлигини нафрат билан қоралайди.

Фузулий 1556 йилда вабо касалидан вафот этган.

* *
*

Фузулий ижоди ва дунёқараши ўша давр Шарқ халқларининг илғор фикрлари бўлибгина қолмай, балки илғор инсоният бадиий тафаккурининг ойнаси ҳам бўлиб қолди. Унинг асарларида озодлик, ҳур муҳаббат, шахсий эрк ва унинг эркин ривожланиши, диний маҳдудликка қарши демократик гоялар оташин, самимий юрак садолари бўлиб жаранглади. У дин-шариат қоидаларига қарама-қарши ўлароқ озод муҳаббат ва шахс эркинлиги масалаларини илгари сурди. Шу жиҳатдан ҳам озарбайжон ижтимоий фикрининг ривожланишида Фузулий ижоди катта роль ўйнади.

Дўст бепарво, фалак бераҳм, даврон бесукун,
Дард чўқ, ҳамдард йўқ, душман қави, толеъ забун,—

деган оташин шоир маъҳумот ва жаҳолат зулмати орасида шуур ва идрокнинг машъ-алини ёқиб, гуманистик фикрларни ифодалади. Шоир бахт-саодат ва мазлумларнинг бахтга эришувлари ҳақида ўйлар эди. Унингча: диёнати киши билими бўлса халқнинг бахти-саодати йўлида меҳнат қилади, билимини жамият манфаати учун сарфлайди, риёкор одам эса, қўп билса ҳам халққа зарар етказади, илмни бошқаларни алдаш воситасига айлантиради. Фузулий бундай ярамас шахсларни ва уларнинг халққа жабр-зулмларини ўз кўзи билан кўрганлиги учун шундай деб ёзган эди:

Эй муаллим олати тазвирдур ашъора им,
Қилма аҳли макра таълими маориф зинҳор!
Ҳийла учун илм таълимин қилан муфсидлара
Қатли ом учун верар жаллода тиғи обдор.
Ҳарна тазвир этса аҳли жаҳл анго ўламаз сабот,
Макри аҳли илмдур асли фасоди рўзигор.

Шоир ўз асарларида кишиларни халққа тинч-фаровон ҳаёт яратиб бериш учун билим олишга, ҳикмат ва маърифатнинг муҳим соҳаларини эгаллашга, ҳар қандай қийинчиликка қарамай савияни кенгайтиришга чақиради.

Фузулийнинг ғазаллари, мухаммас, мусаддаслари, таржебандлари, қасидалари ва дostonлари чуқур фалсафий мазмун, конкрет тарихий мундарижага эгадир. Унинг асарларида ватанпарварлик туйғулари самимият билан куйланади. У ўз замонасидаги зулм ва адолатсизликни қаттиқ қоралади.

Эй ўлуб султон, дея дунёда мандан ғайри йўқ,
Сан ўзинг бир чўғз бил, дунёни бир вайрона тут,—

деб золимларга хитоб қилади. Бу эса унинг «Эй Фузулий, ўдлара ёнсин бисоти салтанат!» деган ҳайқириғида янада очикроқ кўринади. Фузулий адолатли, инсофли ва илм-маърифатни қўллаб-қувватлайдиган ҳукмдор тарафдори эди. Шоир одил ҳукмдорнинг бўлмаслиги мамлакатни вайрон этишга, ҳатто, бошқа мамлакатларга ҳужум қилиб, халқ тинчлиги ва фаровонлигига путур етказади, дейди.

Подшоҳи мулк динору дирам рашват вериб,
Фатҳи кишвар қилмоға айлар муҳайё лашкари.
Юз фасоду фитна таҳрикила бир кишвар олур,
Ул дахи осори амну истикоматдан бари.

Бу сатрларда олтин, кумуш, пора бериб, юз хил фитна-фасод билан мамлакат олган ҳукмдорларнинг золимлиги, халққа жабр-зулм тиғини қайраганлиги ифодаланади ва бундай салтанат ер билан яқсон бўлажагини сўзлайди. Шоир ўз асарларида золим ҳукмдорларни, порахўр амалдорларни фoш қилиб, уларга қарши халқ нафратини баён этади. Бу билан у ярамас ҳукмдорларнинг умумлашган бадиий образини чи-

зиб берди ва халқ фожиасининг бутун манзарасини тўлалиги билан кўрсатди. Фузулий асарларидаги бундай фикр ва ифодалар унинг феодал ҳукмронлиги устидан чиқарган ҳукми ва фалсафий мулоҳазалари эди.

Шоир подшоҳлар, ҳукмдорларни тамаъгир, риёкор бўлмасликка, адолатли бўлишга, халқ манфаатини ўйлашга, раҳм-шафқат билан яшашга чақиради:

Ҳоким улдирки, анинг ўлмая зотинда тамаъ,
Ҳоким улдулки, анинг ўлмая феълинда риё...
Раҳмат ул ҳокимаким, ўлмая элдан ғофил,
Наҳди авқоти ўла сарфу нисори фуқоро.

Уша даврдаги адолатсизликка, феодал ҳукмдорларнинг ўзбошимчилигига қарамай, Фузулий адолат ғалаба қозониб, тантана қилишига, зolimларнинг маҳв бўлишига ишонар ва ер юзида тилаклар, энг яхши инсоний орзу-истаклар барқарор бўлишига умид қилар эди.

Шунингдек шоир: «Эй Фузулий, ман маломат мулкининг султониям, Барқи оҳим тожи зар сийми сиршким тахтиоч» деб ўзини «фақир подшоҳ осо», «манам мулки ғам ичра Мажнуна ворис» деб атайди.

Шоирнинг чуқур самимият ва оташин эҳтирос билан янграган шеърлари муқаддас, олижаноб соф севгини, буюк ҳислар билан тўлган қудратли муҳаббатни ҳаяжон билан куйлайди. Фузулий ғазалларида ишқ ва муҳаббатни куйлар экан, севгига мафтун, садоқатли, фидокор ошиқ образининг бутун фазилатларини ҳар томонлама, муфассал мужассамлаштиради. Фузулий ғазалларини мавзу ва мазмунига қараб ошиқона ижтимоий, фалсафий ғазаллар, тасвирий ва муножот, наът руҳидаги ғазаллар дейиш мумкин.

Шоир ошиқона ғазалларида гоҳ ошиқ-маъшукқа мурожаат қилиб, севги изҳор этар, гоҳ унинг васфини ҳаяжон билан тасвирлар, унинг шафқатсизлигидан, ағёрга мурувват этиб, чин ошиққа жафокорлигидан шикоят қилар ва жабру жафоба қарши унга ниҳоясиз садоқат билан бутун азоб-уқубатга бардош бериши, «балойи ишқ» билан яшаши учун аҳд этар эди.

Ошиқнинг маъшуқа жабридан, бахтсизлигидан фалақдан шикояти, азоб-изтироблар чекиши мутелик, ожизлик, унинг аҳволи руҳияси бўлибгина қолмай, ўша давр фожиасини акс эттирган фалсафий умумлаштиради. Шу билан бирга шоир кишиларни кўҳна дунёнинг кирдикорларидан сақланишга, ғофил бўлмасликка, мардона иш тутишга чақириб, жасоратли ҳақиқий инсон бўлиш зарурлигини уқтиради.

Фузулий тўлқинланиб куйлаган муҳаббат ижтимоий маънодан маҳрум бўлган ожиз интни туйғу ташимайди, шунингдек у мистик тасаввур ҳам эмас. Бу ҳақиқий ишқ бўлиб, реал ҳаётда гўзалликка интиланган инсоннинг эҳтирослари ва оловли ҳисларидир.

Эркин фикр, эркин муҳаббат ва инсоний орзу-тилакларга интилиш динсизлик ҳисобланган, дин-шариат қоидалари инсон фикрини, ҳис-туйғуларини бўғовлаб қўйган бир замонда Фузулий бу қоидаларга қарши чиқиб, ўзи учун муқаддас ҳисобланган инсоний муҳаббат, озод, ҳур фикрни куйлади. Бу юксак самимий ишқни диний мавҳумотларга, тахт-салтанатларга қарши қўйиб улуғлади:

Ғубори саждаи роҳинг хати лавҳи жабинимдур,
Сужуди дарғаҳинг сармои дунёву динимдур.

Шоир бу мисралар билан бойлик, салтанат, дин ва шариат қоидалари ишқ, муҳаббат олдида ҳеч нарсага арзимаслигини, ҳақиқий ишқ-муҳаббатгина кишини юксак мавқега, ҳаётга очиқ кўз билан қарашга, дунёни англашга чақиршини, инсонни на унинг фикрини улуғлашини сўзлайди.

Уша замоннинг юқори мавқега эга бўлган диндор, руҳоний, шайх, зоҳид ва волиларнинг дин-шариат йўлидан чиқмасликка, тоат-ибодатга чақирилларига қарши Фузулий инсоний ҳис-туйғуларни шундай ифодалайди:

Кўнги, сажжодая босма оёк, тасбеҳа ал урма,
Намоз аҳдина уйма, онлар ила дурма, ўтурма!

деб масжидга бормасликка, тасбеҳ ўгирмасликка тарғиб этиши кишиларни «жаҳаннам азоби» билан қўрқитувчи руҳонийларга берилган кескин зарба эди. Шоир кишиларни ҳийла-найранглар билан алдаган риёкор руҳонийларни ва халқ орасига низо солган тарийқатчиларни фош этар, уларга қарши китобхонда нафрат уйғотар эди:

Муҳаббат лаззатидан беҳабардур зоҳиди гофил,
Фузулий, ишқ завқин, завқи ишқи вор ўландан сўр!

деб ҳаётга, жамиятга муҳаббат қўйишга чақирар эди.

Феодал мустабидлиги шароитида ҳукмдорлар, руҳонийлар халқни жаҳолатда сақлаб, меҳнаткашларни эзиш учун ёлгон, уйдирма сўзлар тўқиганлар, бу дунёда азоб чекканлар учун жаннат ваъда қилганлар. Фузулий бу ваъдалар устидан нозик истеҳзо билан кулади, шайх, воизларга шундай дейди:

Май нафйини айлаюб шоир, эй воиз!
Тутдинг раҳи таъни ишқи ёр, эй воиз!
Тарки маю маҳбуб эдариз жаннат учун,
Шарҳ айлаки, жаннатда на вор, эй воиз!

Фузулий ўрта аср шарқ адабиётида рамзли маъноларга эга бўлган—май, майхона, ёр, маҳбуб сўзларини қўлаб, даврнинг реал ҳаётини, фалсафий фикрларини ифодаловчи конкрет образлар яратди.

Фузулийнинг муҳаббат лирикаси инсон юрагининг орзу-хоҳишларини дин-шариат қоидаларидан устун қўяди. «Хушдур манга май, санга ибодат, эй шайх» деган шоирнинг ишқи инсонни юксалтган, энг яхши фазилатларни акс эттирган, фалсафий мушоҳадаларни ифодалаган олижаноб муҳаббатдир.

Фузулий бу ишққа чуқур ва атрофлича маъно бағишлайди, уни соф виждонлик, вафо, садоқат, фидокорлик, жасорат, ирода ва покликнинг рамзи сифатида улуғлайди, у романтик шоир ҳаёлининг бутун қудратини намойиш эттиради, баъзан айрим ғазалларида, у диний фикрларни ҳам ифодалайди. Бу ҳол табиий. Чунки шоир ўз асрининг фарзанди эди. Давр шароити, фалсафий-диний тушунчалар, ислом дини асосидаги схоластик илмлар Бағдод каби дин марказларидан бирида улғайган шоирнинг дунёқарошида ва ижодида муайян излар қолдирган эди. Шунга қарамай Фузулий лирикасининг асосида талқин этилган ҳис-туйғулар, тараннум этилган ишқ ҳаётини ва ижтимоий мазмунга эга бўлган реал муҳаббатдир. Шоирнинг мадҳ этган маҳбублари ер юзида яшаган, ҳақиқий, нозик табиатли гўзаллардир. Унингча: муҳаббат ошиқларнинг ҳаёт йўлини доимо ёритиб туради. Ҳақиқий изловчи, ҳаётнинг чин фидокор ошиқлари муҳаббатдан қудрат ва нашъа оладилар.

Фузулий инсоннинг гўзаллиги, маънавий қудрати ҳар нарсадан улуғлигини табиат манзараси гўзалликлари билан муқояса қилиб, ундан юқори қўяди ва гўзал маъшуканинг бутун фазилатларини оташин юрак билан самимий тасвирлайди:

Хонси гулшан гулбуни сарви хиромонингча вор,
Хонси гулбун узра гунча лаъли хандонингча вор?
Хонси гулзор ичра бир гул очилур ҳуснинг киби,
Хонси гул барги лаби лаъли дурафшонингча вор?
Хонси босинг вор бир нахли қадингтак борвар,
Хонси нахлинг ҳосили себи занаҳдонингча вор?

Савол йўли билан яратилган бу ғазал шоирнинг ҳам табиат, ҳам инсон гўзаллигининг ажойиб сўз рассоми эканлигидан далолат беради.

Фузулийнинг қитъалари, мураббаълари ва рубойлари шоирнинг ижтимоий масалалар, ҳаёт ҳодисалари, жамият муносабатлари ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларини акс эттиради. Уларда ҳукмдор, амалдор, шоҳ, султон, вазир, бой, феодал, руҳоний, сўфи, зоҳид, воиз, жоҳил, мағрур, золим, айёр, ҳийлагар ва бошқа шу каби феодал жамияти аъзолари тўғрисида ёзилган мисралар чуқур мазмунга эга бўлиб, уларнинг ярамас кирдикорлари, манфаатпарастликлари очиб ташланади. Шоир харислик, зиқналик билан мол-дунё тўплаган зодагонларга мурожаат қилиб, бойлик, давлат килини инсонликдан қиқариб, ҳис-туйғуларини ўтмаслаштириб, «аҳли ғурур» қилиб қўйишини уқтирди:

Чўқ тафохир қилма жамъи мола сан, эй хожаким,
Сийму зар жамияти аҳли ғурур айлар сани.
Боргоҳи қурбдан жамияти асбоби мол,
Ҳар на миқдор ўлса ул миқдор дур айлар сани.

Бундай фикрлар шоирнинг бошқа қитъаларида ҳам тез-тез учраб туради. Ҳукмрон табақалардан табиатан, фикр ва савия жиҳатидан юқори бўлган, халқ узун, ватан манфаати учун фидокорона меҳнат қилган доноларнинг хорлик-зорликда яшаганини кўрган шоир санъат ва унинг файзидан тасалли топиб, келажакка ишонч ва муҳаббат билан қарайди:

Саодати азали қобили завол ўлмаз,
Гунаш ер устина гар душса поймол ўлмаз, —

дейди.

Фузулий рубоий ва қитъаларида чуқур фикрлар ва фалсафий мушоҳадаларни дидактик таълим йўсинида ва ҳодисаларни тасвирлаш билан ифодалайди. Масалан, хизматкор ва фарзанд билан муомала ҳақида шундай насиҳат беради:

Эй хожа, гар қулингдан ўғиллик мурод аса
Шафқат кўзила боқ, анго доим ўғил киби.
Вар ўғлинг диларсан ўла соҳиби адаб,
Албатта айла зиллата мўътод қул киби.

Бу каби хитоблар амалдорларга, вазирларга умуман мансаб эгаларига қаратилгандир. Шоир бадиий хитобларнинг бир қисмини кулги, кескин ҳажв йўсинида зоҳид, мунажжим, шайх, нодон, воизларга қарата ёзгандир.

Ғазал жанрининг буюк санъаткори эпик шеърятнинг ҳам гўзал намуналарини яратди. «Лайли ва Мажнун» каби ишқий достони, «Сихҳат ва Мараз», «Бангу бода», «Сухбатул-асмор» (мевалар баҳси) каби аллегорик, «Матлаул-эйтиқод» каби фалсафий асарлар ва қасидалари бунга мисол бўла олади.

Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» достони шоир ижодида алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу дoston Фузулийнинг бадиий сўз устаси, буюк санъаткор эканлигини яна бир бор намойиш қилиб, озарбайжон адабиётининг ривожланишида муҳим роль ўйнади, туркий халқлар классик адабиётининг гўзал намунаси бўлиб қолди.

Фузулий «Лайли ва Мажнун» асаридан Низомий ва Навоий каби буюк устозларни ҳурмат билан тилга олар экан, халқ адабиётидан фойдаланган ҳолда ҳам мазмун, ҳам бадиий жиҳатдан юксак асар ёзишга киришганини баён этади. Ҳақиқатан шоирнинг «Лайли ва Мажнун» достони ўз бадиий услуби жиҳатидан мукамил санъат асаридир. Достоннинг қурилиши, сюжет ва композицияси содда ва жозибалидир. Ҳамма воқеа ва эпизодлар бир-бирлари билан мустаҳкам боғланган бўлиб, умумий сюжетнинг ривожига хизмат қилади.

Достоннинг асосий ғояси соф ишқ-муҳаббатни қуйлашдан иборатдир. Лекин бу ишқ қаҳрамонлар яшаб турган муҳитда қаршиликка учрайди. Шоир бу асарда феодал

лизмнинг мудҳиш асорати ҳукмрон бўлган бир шароитда шахс эркинлигини, озод муҳаббатни куйлайди. Узининг Мажнун, Лайли образлари орқали озодлик учун интилиш, соф муҳаббат, вафо, садоқат, фидокорлик масалаларини илгари суради. Лекин Мажнуннинг муҳаббати реал, ҳаётий муҳаббатдан кўра кўпроқ платоник муҳаббатга ўхшаб кетади. Чунки у сўнграқ ўз севгилисини танимай рад этади. Шоирнинг фикрича, бу ҳол ошиқнинг муҳаббати камолотга эришганлиги эмиш. Мажнуннинг севгилиси Лайли эса XVI асрда озарбайжон қизларининг фожиали ҳаётини бошидан кечирган ва бу фожиаларга оддий қизлар каби эмас, балки том маъноси билан янгича қараган, бу ҳаётга қарши эътироз билдирган, лекин курашга ожиз, ўз қалбига, муҳаббатига содиқ қолган қиз образи эди. Бу эса Фузулийнинг орзу қилган идеал аёл образи эди. Лайли муҳаббат йўлида тўсқинликларга учрайди. Лайли агар ота-онасининг розилигисиз севгани билан қочиб кетса номуссиз қиз деб атайдилар. Лайли бу тўсқинликни енга олмади, лекин ўз севганига абадий содиқ қолади. Лайли куёвга узатилгандан кейин Мажнунга ёзган хатида ўз ҳуқуқсизлиги, оғир аҳволи тўғрисида шундай дейди:

Мен гавҳарам, ўзгалар харидор,
 Манда дагил ихтиёри бозор.
 Давронки, мани мазода солди,
 Билмам, ким эди сотон, ким олди.
 Улсайди маним бир ихтиёрим,
 Улмаз эди сандан ўзга ёрим.

Фузулий феодализм асоратида эзилган озарбайжон қизининг алам-изтироблари, азоб-уқубатлари ва ички кечинмаларини Лайли образида ифодалади.

Шоир «Лайли ва Мажнун» фожиаси орқали ўрта аср шароитидаги шахс эркинлиги топталганини, урф-одат, таъналар соф виждон, муҳаббат ва садоқатни поймол этганини юксак бадий маҳорат билан тасвирлайди. Асарда табиат тасвири чуқур мазмун ва ифода билан афористик фикрларда берилади.

Достонда келтирилган ғазаллар вазиятни, қаҳрамон ва персонажларнинг аҳволи руҳиясини, ички кечинмаларини тўлаллиги билан акс эттиради.

Достоннинг тили бой ва ранго-ранг, услуби содда ва гўзалдир. Шунинг учун ҳам шоирнинг бу ўлмас асари катта шуҳрат қозонган, рус, арман тилларига 1924 йилда немис тилига таржима қилинган. Бу асар 1848 йилдаёқ Истамбул, Табриз шаҳарларида тошбосма йўли билан, кейинроқ эса Истамбул, Табриз, Миср, Тошкент, Боку шаҳарларида бир неча бор нашр этилган.

Озарбайжоннинг атоқли композитори марҳум Узейир Ҳожибеков 1908 йил «Лайли ва Мажнун» достони асосида биринчи озарбайжон операсини яратди.

Фузулий ўз асарларида аллегориядан кенг фойдаланиб, чуқур ижтимоий, сиёсий ва фалсафий фикрлар, мушоҳадаларини ифодалади. Шоирнинг «Бангу Бода», «Сухбатул-асмор» (мевалар баҳси) достонлари, «Сихҳат ва Мараз» асари бу жиҳатдан эътиборга сазовордир.

* *
 *

Фузулий лирикасининг техникаси ва бадий хусусиятлари шоён таҳсинга сазовордир. Буюк шоир ўзидан илгариги бадий меросга ижодий ёндошиб ўз асарларида янгилликка, прогрессив майилларга эътибор берди. У ғазалларида ҳам, қасидаларида ҳам шакл, ифода, қурилиш жиҳатларига аҳамият бериб, янгилек яратишга интилади ва муваффақиятга эришди. Унинг ғазаллари мажози ифодаларга бой. Муסיқийлиги, оҳангдорлиги билан кишини ҳаяжонлантиради. Шоир мусиқийликни шеърдаги фикрларнинг ўқувчига бориб етиши учун асосий шартлардан деб билади. Бадий мантиқ-

ни сақлаган ҳолда мажоз, ташбиҳ, киноя, истиора ва тазодлардан кенг сурагда фойдаланади.

Ўз хазинаси гавҳарларини янги шаклда, мураккаб бадиий саҳналарда ишлата билган, ўз ўрнида, ўз мавқеида жило берган шоир Фузулий шеърятда ўзига хос мактаб яратди. Яқин Шарқ, Урта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек адабиётининг атоқли сиймолари унинг мактабидан таълим олдилар. XVI—XVII асрларда яшаб ижод этган Аҳсанӣ, Вафоӣ, XVIII асрда Равнақ, Нишотӣ, Киронӣ, Мунис, — XIX—XX асрларда Ғозӣ, Ҳозиқ, Оғаҳӣ, Комил, Комёб, Рожӣ, Нодира, Хон, Муқимӣ, Фурқат, Завқӣ, Аваз каби шоирлар Фузулий ижодини чуқур ўрганиб, унга мухаммаслар ёздилар. Фузулий асарларининг Тошкентда бир неча бор тошбосмада нашр этилиши ўзбек халқининг Фузулий ижодига чуқур ҳурмат билан қараганлигини ва унинг назалларини, «Лайли ва Мажнун» достонини севиб ўқиганлигини кўрсатади.

Буюк озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулийнинг ўлмас асарлари тўрт юз йилдан бери халқларимиз қалбида яшаб келади. Унинг номи Низомӣ, Навоӣ, Данте, Шекспир, Гёте, Пушкин каби ўлмас сиймолар, санъат даҳолари қаторида яшайди.

ХОЛИД РАСУЛ,
филология фанлари
кандидати.

ФУЗУЛИЙ ДЕВОНИНИНГ ДЕВОЧАСИ¹

Ҳамид беҳадд, ул Мутакаллими нутқ офаринаки, сафинаи уммид, суккани биҳори-буҳури-назми, тамаввужи истигроқи «вашшуароу яттабиухум-ул-говун»² мустағрақи гирдоби ҳирман этмишкан, силсилаи истисно «Иллал-лазина оману»³ буроқиб шуароӣ исломи саҳиҳу солим соҳили нажота чекмиш. Ва сипоси беқиёс ул нозими осмону заминаки, басмалайи назмин, афсари фарқи-фирқон адиб, мазраайи қулуби аҳли ирфона ниҳоли маваддати каломи мавзун дикмиш.

Қ и т ъ а

Зиҳи сонёнки, лавҳи жона килки ҳусни тавфиқи,
Азалдан иқтисоӣ назми жонпарвар рақам қилмиш.
Камоли шеър касби мумкин ўлмаз бемадад андан,
Анга миннатки, табъи назм лутф этмиш, карам қилмиш.

Ф о р с и й

Мўбдин к-аз хоман тавфиқи ў дорад рақам,
Сафҳаи идроки арбоби сухан нақши хаёл.
Табъи мавзун аз аломатҳои лутфи хоси ўст,
Нест чун илми дигар мақдури касби ин камол⁴.

А р а б и й

Нусабиху ман аҳдан нуфуса илал мано
Ва қаддара ашкола — умури ва ҳаллиҳо.
Нуқаддису ман лўвло ионату фазилиҳи,
Ламо алламал асноа, одама қуллаҳо⁵.

Ва дуруди номаъдуд ул мухотаби каломи мўъжизнизомаки, фунуни шеъри, мазмуни — «ва мо алламнохуш шеръра»⁶ мардуди табоеъ қилмиш экан, лисони ҳикмат баёни — «инна минаш — шеъри лоҳикматун»⁷ тақрири — дилпазирила мақбули қулуби — аҳли ҳол этмиш. Ва саноибирӣ ул қофияи назми анбиёки, адами илтифот-

¹ Асл қўлёзма девондаги сарлавҳа шундай ёзилган: Дебочан афсаҳум-шуаро девони Фузулий Бағдодий алайҳирраҳма».

² Маъноси: Шоирларнинг кетидан борганлар йўлдан озганлардир.

³ Маъноси: Имон келтирганлардан бошқа.

⁴ Маъноси: Бир яратувчики тавфиқ қаламидан сўз соҳибларининг идрок саҳифасига у нақш солади. Мавзун табъ унинг хусусий лутфи аломатларидандир. Бу камолни ўрганишдан қийматли **НАМ** йўқдир.

⁵ Инсонларни орсусига етиштирган ва ишларининг муқаддиротини кўриб ҳал этган кимсага ҳурмат саклаймиз. Уз неъмат ва ёрдами билан бутун номларнинг сиррини ўргатаганим муқаддас ҳисоблаймиз.

ларила рутбаи шеър, пояи ихонатда қолмишкан, силсилаи саодат интисоби шариф-ларила филжумла даражаи эътибора етмиш.

Назм

Ул дури дуржи — «ана афсаҳ»ки, ҳикмат дояси,
Шеър шаҳдила лаби жонпарварин тар қилмомиш.
Шеър бир зевардур, аммо биз киби ноқислара,
Улки, комиладур, ани муҳтожи зевар қилмомиш.

Ф о р с и й

Аҳмади мурсал онки, дар олам
Ҷарчи бошад туфайли хилқати ўст,
Рутбаи шеър ҳам аз ўст баланд,
Маҳаки жавҳари нубуввати ўст¹.

А р а б и й

Асно ало хайрил-аноми Муҳаммадин
Кашафад-дужо бизиёи бадри жамолиҳи.
Бесаноиҳи руфиат мадорижу қадрина
Хуссат таҳийятуно алайҳи ва олиҳи².

Аммо баъд, роқими тасвидоти саҳойифи исён, Фузулий нотавон бу тарз ила баёни ҳол ва бу наҳж ила шарҳи мофил — бол эдарки, чун заврақи вужудим, бодбони табиат бирла дарёи ғафлати туфулайятдан соҳили идорку эҳсоса етди ва таҳрики ҳавову ҳавас бирла, оташи сабоват иштиол бўлуб, ҳарорати жону жонона таъсир етди. Ва ройизи иқтисои камоли маънави инони тавсани иқболими жониби икти-соби — одоба муъзатиф қилиб ва офтоби ҳикмат жавҳари табъима асари таҳсили — маориф солиб, рағбати касби адаб қилдиқда ва гули бахтим касби хунар ҳавосила очилдиқда, маъдани жавоҳири — иктисоби камолим бир дабистони жаннатнишон эдики, саҳни латифи суфуфи гулмон ила хулди бариндан хабар верирди. Ва матолеи ахтари ҳусули иқболим бир мактаби муҳаззаб эдики, фазойи шарифи сарвқад санам-лар бирла жона жинон муждасин етирирди.

Қ и т њ а

Саҳни латифу дар вай ҳубон нишаста саф-саф.
Дийдори шон муборак ҳамчун сутури мусҳаф.
Ҳуршудлаву чун маҳ ҳар як ниҳода дар пеш.
Барги китоб чун гул ҳар як гирифта дар каф³.

¹ У Аҳмади Мурсалки, дунёдаги ҳамма нарса унинг яратилиши туфайлидир, шеърнинг даражаси ундан юксалди ва унинг пайгамбарлик — жавҳарининг маҳак тоши бўлди.

² Маъноси: инсонларнинг хайрлиси бўлган Муҳаммадга санолар ётаман. Унинг гузаллик ойининг нуллари билан кечанинг қоронғи пардаси очилди. Уни таърифлаш билан бизнинг ҳурмат ва эътибор даражамиз ортди. Унга ва унинг авлодига бизнинг ҳурмат ва саломимиз бўлсин.

³ Маъноси: Латиф бир саҳн, онда гузаллар, саф-саф ўтирбдилар. Уларнинг кўриниши қуръон сатрлари каби гузалдир. Ҳар бириси лавҳа кўёшини ой каби ўз қаршисига қўймиш, китоб варағини гул каби қўлида тутмишдур.

Аммо ҳануз ул навраслара назокати табъдан тоби иктисоби дақойиқи улум ва тоқати-машаққати-таълими ҳақойиқи ҳудуди русум ўлмомоғин маҳфили беҳишт осоларинда ҳамиша ашъори ошиқонадан гайри насна ўқунмозди. Ва мутолиа этдиклари ироқда жигарсўз ғазаллардан гайри бир хат бўлунмозди.

Б а й т

Шеър бир маъшуқдур, хусни иборат зевари,
Жону дилдан нозанин маҳбублар ошиқлари.

Ул тоифаи гирмои мудовимати саноеи ашъор ва мувозибати латоифи гуфтор ила ҳам ҳусн ҳолатиндан вуқуф бўлмишларди ва ҳам ишқ камолатиндан хабардор ўлмишларди.

Қ и т њ а

Эй хуш улким табъи мавзунила баҳси шеър эдиб,
Хўбулар воқифи мазмуни ашъор ўлалар.
Демадан фаҳм эдалар кайфияти асрори ишқ,
Ошиқи ғечора ҳолиндан хабардор ўлалар.

Манимки, саҳифаи жибилатимда бидоятӣ рўзи азалдан килки қазо ҳарф муҳаббати назм рақам қилмишди ва ҳадиқаи хилқатимда бидоятӣ фитратдан тухуми мавадат ва мавзуният әкилмишди, ул мажмаин саҳоби имтизожиндан ниҳоли табиатим нам чекиб, изҳори азҳори истеъдоди назм этди. Ва ул маҳфилинг ҳавои ихтилотиндан гулбуни жибилатим сарсабз ўлуб мазраи мизожимда гули мазоқи шеър битди.

Қ и т њ а

Шоҳиди назм саропардаи қувватда экан,
Қилди ул базм кўриб, феъли фазосина хиром.
Гунчалар кўнглини очмоға латоиф бирла,
Булбула верди сабо рухсати тақрири калом.

Ложарам андалиби шайдо киби сармаст ўлдим ва ул гуллара қарши тараннум этмага истеъдоди фитратдан рухсат бўлдим. Уфуқи табъимда ҳилоли мавзуният тулӯ эдиб, ул хуршидвашлардан иқтисоби нури шавқ этмаким кун кундан бир ғоятда мутазойид ўлдикӣ, оз муддатда ашуъаи анвори назмимла чўқ шаҳарлар ва вилояглар дўлди.

Қ и т њ а

Сейти фасоҳат ила сўзим тутди олами,
Ман маҳди эътиборда тифли забун ҳануз.
Бўйи хушимла ўлди муаттар димоғлар,
Ман нофаи вужудда бир қатра хун ҳануз.

Замон-замон савдои шеър соир афъолима голиб душуб ва гуруҳ-гуруҳ лайливашлар Мажнун киби истимои шеър учун бошима уюшиб, шоирлигим, муқарар ўлди. Ва овозаи назмим ила оламлар дўлди ва шуҳрати том бўлди.

Б а й т

Табиат шуҳраи шаҳр ўлмога майли тамои этди,
На пинҳон айлайим савдо мани расвойи ом этди.

Бу ҳола муқорин машшотаи ҳиммат раво кўрмадики, муҳаддараи ҳусни назим пирояи маорифдан холи, манассаи даҳрда жилва қила. Ва саррофи истеъдоди улувви рифъат ризо вермадики, риштаи силки шеърим жавоҳири илмдан ори гарданбанди олам ўла. Зероки, илмсиз шеър асоси йўқ девор ўлур ва асоссиз девор ғоятда безъ-тибор ўлур. Пояи шеърими ҳилъяи илмдан муарро ўлмоғи мўжиби иҳонат билиб, илмсиз шеърдан қолиби беруҳ киби танаффури қилиб, бир мuddат нақди ҳаётим, сарфи иқтисоби фунуни илми ақли ва нақли ва ҳосили умрим, базли иқтибоси фавоиди-ҳиками ва ҳандаси қилмоғин мурури ила лаолийи аснофи ҳунардан шоҳиди назими пироялар муруттаб қилдим. Ва тадриж ила татаббуи тафосир ва аҳодис адиб, фази-лати шеъра мазаммат исноди — тухмат ўлдуғининг ҳақиқатин билдим.

Қ и т ъ а

Шеър завқиндан ўлмаян огоҳ
Аҳли назми мазаммат айламасин.
Канди жаҳлина вѣтироф, этсин,
Ҳар каромата сеҳр сўйламасин.

Алқисса, асбоби ихтирои фунуни назм жамъ ўлуб, муқтазийи зуҳури осор ўлдуғи замонлардаки, ҳар дам дасти қудратим, мухтареоти маснуадан гардани коинота бир ҳамоийл осарди ва ҳар соат сайёҳи табиатим ҳадоиқи муаллафоти бадиадан бир гулистона қадам босарди; бир кун бир нигори мушкин хаттки, донайи холина мушки Хўтан демак хато эди ва зулфи рашкиндан нофаи тоторинг рўзгори қаро эди, сарвиноз киби хирмон-хирмон ман афтодасина сояи марҳамат солди ва ширин-ширин калимот ила хотирим сўруб, кўнглим олди. Асноийи муҳовират ва ҳийни мусоҳи-батда дедики:

— Эй шукуфаи бўстони фасоҳат ва эй сабзаи навбаҳори ҳусни иборат, лилло-ҳилҳамд иродаи тавфиқи-субҳони ва машийати таъйиди-раббони мамолики фунуни назму наср тасхирин санга муяссар этмишдур ва навбати риёсати ақолими суҳан тадрижла санга етмишдур. Агарчи арабада ва аҷамда ва туркда ягона комиллар чўқдур, аммо сан киби жамийи лисона қодир, жомеи фунуни назму наср йўқдур. Ҳолоки, мифтоҳи забонинг рўйи рўзгора авбоби файз очмоқда ва ғаввоси табъинг ҳавоссу авома дарёйи фасоҳатдан жавоҳири балоғат чиқариб сочмоқдадур. Аҳолийи оламдан баъзи лаолийи муншаот ва муаммаётингдан баҳраий файз олишлар ва баъзи маснави ва қасоидингдан таматгўъ бўлишлар ва баъзи форсий ғазалларинг нақши замир этмишлар ва баъзи араби ражазларинг завқина етмишлар, ҳошоки, туркзода маҳбуллар файзи назмингдан баҳраманд ўлмаюлар ва тоифаи атроқ соҳибмазоқлари бўстони каломингдан шукуфаи девони ғазалинг бўлмоюлар. Бу сабадан тарҳи бинойи табиатинг қобили қусур ўла ва бу воситадан бунёи — истеъдоди камолинг раҳна бўла.

Қ и т ъ а

Ғазалдур сафобахш аҳли назар,
Ғазалдур гули бўстони ҳунар.
Ғазали — ғазал сайди осон дағил,
Ғазал мункири аҳли ирфон дағил.

Ғазал билдиур шоиринг қудратин,
Ғазал ортиур нозиминг шұхратин.
Қўнгил гарчи ашъора чўқ расм вор,
Ғазал расмин эт жумладан ихтиёр —
Ки, ҳар маҳфилинг зийнатидур ғазал.
Хирадмандлар санъатидур ғазал.
Ғазал деки, машҳури даврон ўла,
Уқумоқ-да, ёзмоқ-да осон ўла.

Алҳақ, бу калимоти дилпазирики, ул беназирдан эшитдим, мазмуни каломин маҳз насиҳат кўруб, ижоби — илтимосина иқдом этдим. Аммо иқтизойи замон камоли истиғноя рухсат вермадики, саррофи хирад, нақди авқоти сарфи тасонифи мўътабара этмақда экан, бу жузвията зое әди. Ва шаҳбози табиат муаззам сайдлар кузадиркан бир мухтасар шикор ординжа геда. Ночор моҳмили эътиборимда бу ибора лозимдур дейиб, замони туфулиятимда содир ўлуб, мутафарриқ ўлан ғазаллардан бир мухтасар девон жамъ этмак салоҳин кўрдим. Ва ул вақтда мандан илтимосла олонлардан илтимосла олиб, сурати жами ихтисор узра итмома етирдим. Умиддурки, арбоби фасоҳат ва асҳоби балоғат мушоҳида ва мутаола қилдиқда, маншаъ ва мавлидим ироқи араб ўлуб, тамоми умрда ғайр мамлакатлара саёҳат қилмоғимдан воқиф ўлдиқда, бу иллати мўжиби суқути эътибор билмаялар. Ва маҳалли мақомима кўра рутбаи истеъдодима ҳақорат ила назар қилмаялар. Зеро, эътибори ватан, истеъдоди — зота таъсир этамиз. Ва тупроқда ётмоқ ила тиллодан жило кетмаз. На аҳли билод ўлмоқла надан соҳиби қабул ўлур ва биёбонларда дурмоқла доно қабули ваҳшат килур.

Н а з м

Агар умрҳо мардуми бадсиришт
Бувад ҳамдами хуриёни беҳишт,
Дар он маҳфили пурсафо рўзу шаб,
Зи Жаброил хонад фунуни адаб.
Бар он эътиқодам ки анжومي қор,
Нагардад аз ў жуз бади ошкор.
Ва гар солҳо гавҳари тобнок,
Фитад хору беқадр бар рўйи хок.
Бар онам ки, камтар нишинад ғубор,
Зи хокаш бар ойинаи эътибор.
Чу аз хок хизад, ҳамон гавҳараст
Шаҳонро барозандаи афсараст¹.

¹ Маъноси:

Агар ярамак табиатли одам бутун умр бўйи
Жаннат ҳурлари билан ҳамдам бўлса,
У сафоли ерда кеча-кундуз
Жаброилдан адаб илми ўрганса,
Шу эътиқоддананки, ишнинг охирида
Ундан ёмоналикдан бошқа нарса ошкор бўлмас.
Агар нураи гавҳар йилларча баҳосиз бўлиб, тупроқда тушса,
Инонамани, унинг эътибор ойинасига
Тупроқдан озгина чанг қўнади.
Агар тупроқдан олинса, яна ҳамон ўша гавҳардир, шоҳлар тожининг зийнатидир.

Тавваққў будур умуман аҳолийи изу эътибордан, хусусан билағойи Рум ва фасаҳойи тоторданки, агар шоҳиди ҳусни иборатимда ул диёринг алфози иборатлариндан зевар ўлмасса ва муҳаддараи назмим ул мулкларинг латоифу зарбулмасаллариндан зийнат бўлмаса, бу доини маъзур буюралар. Зеро ҳар мулқинг аҳли на ориятдан ор келур ва ҳар тоифадан ҳар наким, вор эса татаббуъи ағери мужибни ғайрат билиб, бу диёрнинг истилоҳоти ғайра мақдур ўлмоқоқ узрхоҳимиз етар. Беҳуда таарруздан на битар. Лиллоҳил-ҳамд вал-миннаки, хоки-карбало соир мамолик жавоҳириндан ашраф ўлдуғи маълумдур. Ва рутбаи шеърими ҳар еда баланд эдан ҳақиқат да мафҳумдур.

Муанбар сунбулингдан олмадан бў, ўлмадан расво,
Бу расволиқ манга сандан дагил, боди сабодандур.

Ҳубоби ашк ичинда мўйи жўлидамда хушҳолам,
Бошимда бу ҳумоюн соя ул олий бинодандур.

Вафо расмин унутмишсан дея инжинмазам зеро,
Бу ким мандан жафо кам айламазсан, ҳам вафодандур.

Камоли ҳусни машраб, ори, ўлмоқдур таарруздан,
Риё аҳлина ҳам чўқ эътироз этмак риёдандур.

Фузулий, тўкма чўқ ёш, эҳтиёт эт кетмасун ногаҳ
Кўзингдан сурмаким, хоки раҳи аҳли сафодандур.

Паришон халқи олам оҳу афғон этдигимдандур,
Паришон ўлдиғим, халқи паришон этдигимдандур.

Тани зоримда дарди ишқ кун-кундан фузун ўлмоқ
Етан бедард тадбирила дармон этдигимдандур.

Кўзимким, бағриминг қонин тўқар паркола-паркола,
Дамодам орзуйи лаъли жонон этдигимдандур.

Дагил беҳуда гар ёғса фалақдан бошима тошлар,
Биносин тешаи оҳимла вайрон этдигимдандур.

Қачон расво ўлурдим қон юдуб, сабр эда билсайдим,
Маломат чекдигим беҳуда афғон этдигимдандур.

Хато сандан дагил, жисмим ўқингдан бенасиб ўлса,
Ҳубоби ашки гулгун ичра пинҳон этдигимдандур.

Фузулий, ихтилоти мардуми оламдан икроҳим,
Паривашлар хаёлин муниси жон этдигимдандур.

Қабрим тошинаким, ғам ўдиндан забонадур,
Таън ўқин отмаким, хатари чўқ нишонадур.

Айлар қадаҳ замона ғамин дафъ ғолибо
Даври қадаҳ мухолифи даври замонадур.

Қолдирди ашк дун мани ул остонадан-
Ким, мақсадим маним дахи ул остонадур.

Воиз сўзина тутма қулоқ, ғофил ўлмаким,
Ғафлат юқусининг сабаби ул фасонадур.

Назр этмишам фироқингаким, йўқ ниҳояти,
Нақди сиришкимики, туганмаз хазонадур.

Жон вермайимми ғурбата ким бийми таънадан,
Ёди ватан фиғонима сансиз баҳонадур.

Эй дил, ҳазар қил, оташи оҳингла ёнмасин
Жисмимки, дард қушларина ошёнадур.

Мандан, Фузулий, истама ашъори мадҳу замм,
Ман ошиқам, ҳамиша сўзим ошиқонадур.

Жонни ким жонон учун севса жононин севар,
Жони учун кимки жононин севар, жонин севар.

Ҳар киминг оламда миқдоринчадур табъинда майл,
Ман лаби жононими, Хизр оби ҳайвонин севар.

Боша дам душдукча тақсир айламаз, айлар мадад,
Ул сабабдан мутгасил чашмим жигар қонин севар.

Мушки Чин овора ўлмишдур ватандан ман киби,
Хонси шўхинг билмазам зулфи паришонин севар.

Сувки, саргардон кезар бошинда вордир бир ҳаво,
Ғолибо, бир гулрухинг сарви хирмонин севар.

Оқибат расво ўлуб майтак душар халқ оғзина,
Кимки, бир сармаст соқи лаъли хандонин севар.

Нўлажақдур, тарки ишқ этма, Фузулий, ваҳм эдиб,
Ғояти дерлар ўла бир банда султонин севар.

Меҳри кўнглимда ниҳон ўлдиғин ул моҳ билур,
Кимса билмаз, фуқаро сирри дилин шоҳ билур.

Сўрманг ул моҳила ҳоли дилими тангри учун,
Билали они ўзим, билмазам оллоҳ билур.

Гоҳ юз лутф қилур, гоҳ тағофил гўё
Гоҳ билмаз бу гирифторлиғим, гоҳ билур.

Жон фидо айламайи ёра ҳамин ман билирам,
Бу тарийқи дема ҳар ғофилу гумроҳ билур.

Назари лутф дариғ этма Фузулийданким,
Санга сидқила ўзинг бандаи даргоҳ билур.

Мужам сарчашмалар манзил қилан ошуфта мажнундур,
Анинг-чун бастаи занжири сели ашки гулгундур.

Саводи нуқтаи гирдоба бенгзар мардуми чашмим —
Ки, доим ғарқай гирдоби чашми ашки пурхундур.

Эшит дарди дилим, афсонаи Мажнуна майл этма —
Ким, ул афсонадан ҳам англанин мутлақ бу мазмундур.

Фараҳ бахши дили маъшуқ ўлур шарҳи ғами ошиқ,
Суруди базми Ширин нолаи Фарҳоди маҳзундур.

Каманди чини зулфинг ваҳми кетмаз зор кўнглимдан,
Манга ул риштаи аждар қилан билмам на афсундур.

Хамида қоматимким, доғи дилдан қона ғарқ ўлмиш,
Ичинда нуқтаси гўёки қон олтиндаги нундур.

Фузулий, вермади таън ўқлари кўз ёшина таскин,
Йўлин банд этмак ўлмаз, хору хошок ила Жайхундур.

Губори саждаи роҳинг хатинг лавҳи жабинимдур,
Сужуди дарғаҳинг сармояи дунёву динимдур.

Агар азми раҳ этсам шавқи васлинг ҳодийи роҳим
Ва гар ором ҳам дутсам хаёлинг ҳамнишинимдур.

Ҳавои равзаи кўйинг, баҳори гулшани жоним,
Ниҳоли қоматинг сарвим, узоринг ёсаминимдур.

Яқинимдурки, мақсудим ўлур ҳосил санга етсам,
Биҳамдиллоҳ манга сандан яна раҳбар яқинимдур.

Талабкори висолам, муждаи васлинг дариф этма —
Ким, ул мужда фараҳбахши дили андуҳ кинимдур.

Чиқарди завқ васлинг хотиримдан равза парвосин,
Сўзинг кавсар, мунаввар мажлисинг хулди баринимдур.

Манга юз гўстарир ҳар лаҳза юз минг шоҳиди давлат
Чу мирёоти руҳинг, манзури чашми пок бийнимдур.

Сарири салтанат завқиндан афзундур манга ул сўз-
Ки, лутф ила демишсан: бир ғуломи камтаринимдур.

Бари ўлдим, Фузулий, ғайридан, ул дилрабо анжақ,
Анисим, мунисим, ёрим, нигорим, нозанинимдур.

Демиш ҳар ғунчая ошиқлигим розин сабо дерлар,
Эл оғзин тутмоқ ўлмаз, қўркурам, эй гул, санго дерлар.

Асири дарди ишқу масти жоми ҳусн чўқ, аммо
Бизиз машҳур ўлан, Лайли санга, Мажнун манго дерлар.

Санинг меҳру вафо ғўстардигинг ағёра чўқ кўрдим,
Ғалатдурким, сани бемеҳр ўқурлар, бевафо дерлар.

Санга дерлар: бути Чин, зулфинга зуннор сўйларлар,
Зиҳи имони йўқлар, куфр сўйларлар, хато дерлар.

Манга дерларди аввал бир малақдур севдигинг, ҳоло
Кўранлар сан фақира кўқдан инмиш бир бало дерлар.

Маризи ишқ уқди зулфинг айлар орзу, зеро
Муолижлар: бу муҳлик дарда мушкулдур даво дерлар.

Фузулий, ошиқа онларки, дерлар тарки ишқ айла,
Демазларми хато, тағйир қил ҳукми қазо дерлар.

Сабодан гул юзингда сунбули пур бечу тоб ўйнар,
Сонарсан пар очиб, гулшанда бир мушкин ғуроб ўйнар.

Хаёли оразинг жавлон эдар бу чашии пурнамда,
Нечукким, мавжланмиш сувда акси офтоб ўйнар.

Рухинг кўргач, ўлур сўзи даруну дарди дил ҳосил,
Баҳор айёми сачрар барги рахшанда, саҳоб ўйнар.

Йироғ ўлсин ёмон кўздан, на хуш соатдир ул соат-
Ки, маъшуқ ила ошиқ айлаюб нозу итоб ўйнар.

Риёи зоҳиди хушкинг самоиндан нўлур ҳосил,
Хуш улким, ринду майхора ичиб жоми шароб ўйнар.

Бу ғамларким, маним вордур, баиринг бошина қўйсанг,
Чиқар кофир жаҳаннамдан, кулар аҳли азоб, ўйнар.

Қилур кўз пардасин хуноби ҳасрат чок ҳардамким,
Рухингда лаззати дийдор завқингдан ниқоб ўйнар.

Фузулий, рашқдан титрар дили пурхуни ушшоқинг,
Баногушинда ёринг ҳар замонким, лаъли ноб ўйнар.

Оҳ айладигим сарви хиромонинг учундур,
Қон оғладигим ғунчаи хандонинг учундур.

Саргашталигим кокили мушкининг учундан,
Ошуфталигим зулфи паришонинг учундур.

Бемор таним наргиси мастинг аламиндан,
Хунин жигарим лаъли дурафшонинг учундур.

Ёқдим таними васл куни шамътак, аммо
Билким, бу тадорик шаби ҳижронинг учундур.

Қуртормаға яғмойи ғамингдан дилу жонни,
Саъйим назари наргиси фаттонинг учундур.

Жон вер, қўнгил, ул ғамзаяким, мунча замонлар
Жон ичра сани басладигим онинг учундур.

Воиз биза дун дўзахи васф этди, Фузулий,
Ул васф санинг кулбаи аҳзонинг учундур.

Хонси¹ гулшан гулбуни сарви хиромонингча вор?
Хонси гулбун узра гунча, лаъли хандонингча вор.

Хонси гулзор ичра бир гул очилур ҳуснинг киби,
Хонси гул барги лаби-лаъли дурафшонингча вор?

Хонси боғинг вор бир наҳли, қадингтак борвар,
Хонси нахлинг ҳосили себи занаҳдонингча вор?

Хонси хуни сан киби жаллода ўлмишдур асир,
Хонси жаллодинг қиличи тиғи мужгонингча вор?

Хонси базм ўлмиш мунаввар бир қадингтак шамъдан,
Хонси шамъинг шуъласи рухсори тобонингча вор?

Хонси ерда бўлунур нисбат санга бир ганжи ҳусн,
Хонси ганжинг аждари зулфи паришонингча вор?

Хонси гулшан булбулин дерлар, Фузулий, сан киби,
Хонси булбулнинг суруди оҳу афғонингча вор?

¹ Бу сўз, 1958 йил Боку нашрида — қонси.

Ваҳ на қомат, на қиёмат, бу на шохи гули тардур,
На балодур назар аҳлина, на хуш мадди назардур?

Кўз йўлидурки, кўнгил мулкина хўблар кирар андан
Тутма, эй ашк, ани, биллоҳқи, ажаб роҳ — гузардур.

На гуҳар бўлса биканмаз буроҳир ёзия дарё
Ғолибоким, анга мақсуд дишинг киби гуҳардур.

Ишқ айбини билибсан ҳунар, эй зоҳиди ғофил,
Ҳунаринг айбдур, аммо дедигинг айб ҳунардур.

Ситаминг гарчи ёмондур, ани тарк айлама, биллоҳ —
Ки, тағофил ситамингдан даҳи албатта батардур.

Охир ўлмаз нечаким, кўз ёши оқирса ҳамоно —
Ки, дамодам анга имдод қилан хуни жигардур.

Сарсари босма қадам ишқ тарийқина, Фузулий,
Эҳтиёт айлаки, ғоятда хатарнок сафардур.

Ҳуснинг ўлдуқча фузун ишқ аҳли ортиқ зор ўлур.
Ҳусн на миқдор ўлурса, ишқ ул миқдор ўлур.

Жаннат учун манъ эдан ошиқлари дийдордан,
Билмамишким, жаннати ошиқларинг дийдор ўлур.

Ишқ дардиндан ўлур ошиқ мизожи мустақим,
Ошиқинг дардина дармон этсалар бемор ўлур.

Зоҳиди худбин на билсин завқини ишқ аҳлининг,
Бир ажаб майдур муҳаббатким, ичан ҳушёр ўлур.

Ишқ савдосина сарф айлар Фузулий умрини,
Билмазам бу хоби ғафлатдан қачон бедор ўлур.

Эй гул, на ажаб силсилаи мушки таринг вор,
Вай сарв, на хуш жон олувчи ишваларинг вор?

Инжитди мани аччи сўзинг, тунд нигоҳинг,
Эй нахли малоҳат, на бало талх баринг вор?

Пайконлари ила дўлудур чашми пуробим,
Эй баҳр, соғинма, санинг онжақ гуҳаринг вор.

Ул санги дила нолаи зоринг асар этмиш,
Эй дил, санга бу завқ етар то асаринг вор.

Ишқ ичра, кўнгил, демаки, ман беҳудам онжақ,
Эй ғофил, ўзингдан санинг онжақ хабаринг вор.

Дедим, етар эт жавр, чу хоки раҳинг ўлдим,
Дедики, етар жавр санга то асаринг вор.

Чўқ боқдиғинга ғамза ила бағрин эзарсан,
Ҳар кимаки боқмазсан онингла ңазаринг вор.

Ишқ аҳлина ул моҳ, Фузулий, назар этмиш,
Сан ҳам ўзинги гўстар, агар бир ҳунаринг вор.

Лаҳза-лаҳза лабинг онгуб эдажак афғонлар,
Қатра-қатра сочилур дийдаларимдан қонлар.

Қатра-қатра дема қондурки, чиқар чашмимдан,
Дам-бадам кўнглим ўдила эриян пайконлар.

Қошларинг ёйна майл айлаяли жону кўнгил,
Дуну кун ман билурамким, на чекарлар онлар.

Очма кокул гиреҳин, бошинг учун кўрма раво-
Ки, паришон ўлалар бир неча саргардонлар.

Ел тегар зулфинга, ё қўймаюб ўз ҳоли ила
Кездирарлар ани элдан эла ҳар дам жонлар.

Айла ушоқа жафоларки, вафолар кўрасан,
Сонмаким, зоеъ ўлур айладигинг аҳсонлар.

Сўрма зуҳҳода, Фузулий, раҳу расмин ишқинг
На билурлар равиши аҳли хирад нодонлар.

Тўқдукча қоними ўқинг, ул оситон ичар,
Бир ердаям асирки, тупроғи қон ичар.

Аҳли замона қонина чўқ ташнадур замин,
Қонин киминг тўкарса фалак ул замон ичар.

Май ичмадан очилмаз эмиш боби мағфират,
Сўвгандлар бу бобда пири муғон ичар.

Уқбода кавсар истамасин ринди майкада,
Дунёда бас дагилми майи арғувон учар.

Ғамзанг кўринмаюб, кўза қонлар ичар мудом,
Зоҳид кибики, бодани элдан ниҳон ичар.

Майдан агарчи тавба верир эл Фузулия,
Эй сарв, сан қадаҳ сунар ўлсанг, равон ичар.

Кириб майхоная муғ машрабила кимки хў айлар,
Улуб мўъмин, беҳишти кофирам гар орзу айлар.

Магар девонадур савдойи абрусила зоҳидким,
Боқиб мехроба доим ўз-ўзила гуфтгў айлар

Дамодам қатра-қатра қон ёшимдурким, чиқар кўздан
Ва ё пайконларингим, оташи дил они сув айлар.

Раҳи ишқингда ўлман танги дил савдо ҳужуминдан
Тарийқи салтанат ҳар ким тутар, ғавғоя хў айлар.

Дедим: «Кимдир паришон айлаян ошиқлар аҳволин?»
Сабо гўстарди тори сунбули зулфинги, бў айлар!

Фузулий зулфинга боғланди, аммо ўйла инжилди-
Ки, гўё заъф они ҳам зулфинга бир тори мў айлар.

Сочинг андишаси таҳрики занжири жунунимдур,
Жунуним дафъина зикри лаби лаълинг фусунимдур.

Диёри дард саргардониям, ҳар ким мани истар.
Далили роҳи қатра-қатра ашки лолагунимдур.

Фалакда барқи оҳимдан саросар ёнди кавкаблар,
Қолон ўдларда ёнмиш кавкаби бахти забунимдир.

Галан новакларинг бир-бир ёқиб, қўймас булам завқин
Мани ҳирмон ўдина ёндиран сўзи дарунимдур.

Сари кўйингда кўнглим барқи оҳин сонма беҳуда,
Қоронғу кеча азми кўйинг этсам раҳнамунимдир.

Лаби-ширинларинг завқила Фарҳоди манам асринг,
Ёнимда жамъ ўлан санги маломат Бесутинимдир.

Фузулий, холи ўлмоқ жоми айшим соф саҳбодан,
Нишони бахти нофаржому иқболи нигунимдур.

Манда Мажнундан фузун ошиқлиқ истеъдоди вор,
Ошиқи содиқманам, Мажнуннинг анжақ оди вор.

Нўла қон тўкмақда моҳир ўлса чашмим мардуми,
Нутфайй қобилдурур, ғамзанг киби устоди вор.

Қил тафохурки, санинг ҳам вор мантак ошиқинг.
Лайлининг Мажнуни, Шириннинг агар Фарҳоди вор.

Аҳли тамкинам, мани бенгзатма, эй гул, булбула,
Дарда йўқ сабри анинг, ҳар лаҳза минг фарёди вор.

Уйла бадҳоламки, аҳволим кўранда шод ўлур,
Ҳар кимингким, давр жавриндан дили ношоди вор.

Кезма, эй кўнглим қуши, ғофил фазойи ишқда—
Ким, бу сахронинг гузаргоҳларда чўқ сайёди вор.

Эй Фузулий, ишқ манъин қилма носихдан қабул,
Ақл тадбиридур ул, сонмаки, бир бунёди вор.

Муқаввас қошларингким, вўсма бирла ранг тутмишлар,
Қиличлардурки, қонлар тўкмак ила занг тутмишлар.

Қилиб тағйири сурат вўсмадин яғмо қилурлар дил,
Ҳароми қошларинг расму раҳи найранг тутмишлар.

Кўнгил миръотини айлар муқаддар ақл таклифи,
Хуш ул бебокларким, тарки ному нанг тутмишлар.

Фазойи умрдан гўё дагиллар ғунчатак воқиф
Уларким, ўзларин дунё учун дилтанг тутмишлар.

Маниким, сангсори меҳнатам бозори ишқ ичра,
Бало доғин чекан Фарҳод ила ҳамсанг тутмишлар.

Лабинг давринда зоҳидлар тутуб майхоналар кунжин,
Қилиб тасбеҳ торин тарк, зулфи чанг тутмишлар.

Саҳар булбуллар афғони дагил беҳуда гулшанда.
Фузулий, нолаи дилсўзина оҳанг тутмишлар.

Ошиёни мурғи дил зулфи паришонингдадур
Қонда ўлсам, эй пари, кўнглим санинг ёнингдадур.

Ишқ дардила хушам, ал чек иложимдан, табиб,
Қилма дармонким, ҳалоким заҳри дармонингдадур.

Чекма доман ноз эдиб, афтодалардан ваҳм қил,
Кўклара очилмасин алларки, домонингдадур.

Кўзларим ёшин кўриб шўр, этма нафрат ким, бу ҳам
Ул намақдандурки лаъли шаккарафшонингдадур.

Масти хоби ноз ўлуб, жамъ эт дили садпорами-
Ким, анинг ҳар пораси бир нўгу мужгонингдадур.

Баски, ҳижронингдадур хосияти қатъи ҳаёт,
Ул ҳаёт аҳли ҳайронамки, ҳижронингдадур.

Эй Фузулий, шамътак мутлақ очилмас ёнмадан
Тобларким, сунбулиндан риштаи жонимдадур.

Соқиё, жом тут ул ошиқаким, қайғулудур,
Қайғу чекмак на учун, жом ила олам дўлудур.

Талх гуфторсиз ўлмаз лаби ёр, эй ошиқ,
Чўқ ҳавас айлама ул шарбатаким, оғулудур.

Қўёлим боши, хуми бода аёгина келинг,
Тутмомоқ онинг ҳурматини, бир улудур.

Бунчаким, кўҳ сифат бошима, тошлар урулур,
Дидаи бахтим уёнмаз, на оғир уйқулудур.

Дили пурхунима ёғдирма бало пайконин,
Ҳазар эт шишая, ногаҳ зарар айлар, дўлудур.

Кўнглиминг заҳмина пайкониини этдим марҳам,
Ганжи ғамдур, нўла гар бўйла дамир қопулудур,

Наргисинг фикри, Фузулий, кўзи кўнглимда кезар,
Тутар оху ватан ул ердаки ўтлу, сулудур.

Мани зикр этмаз эл, афсонаи Мажнуна мойилдур,
На бенгзар ул манга, дарди анинг дармона қобилдур.

Биёбонларда Мажнундан ғаму дардим савол этманг,
На билсун баҳр ҳолин улки манзилгоҳи соҳилдур.

Манимтак ўла билмаз шўхраи шаҳри бало Мажнун,
Қабул айларми бу расволиғи ҳар кимки, оқилдур.

На мушкил ҳоли ўлса ошиқинг маъшуқ эдар чора,
Гар ул бедард билмазса бу ҳоли, ҳол мушкилдур.

Фироқ айёми селоби сиришкимдан хабар тутмаз,
Қиёмат можаросиндан, кўр ул золим, на ғофилдур.

Фақиҳи мадраса маъзурдур инкори ишқ этса,
Йўқ ўзга илмина инкоримиз, бу илма жоҳилдур.

Фузулий, эл сани Мажнундан афзун дер маломатда,
Бунга мункир дагил, Мажнун дахи маъқула қойилдур.

Ул паривашким малоҳат мулкининг султонидур,
Ҳукм онинг ҳукмидур, фармон анинг фармонидур.

Сўрди Мажнун навбатин, эмди манам расвойи ишқ,
Тўғри дерлар ҳар замон бир ошиқинг давронидур.

Лаҳза-лаҳза кўнглим ўдиндан шарарлардур чиқан,
Қатра-қатра кўз тўкан сонманг сиришким қонидур.

Чоклар жисмимда тиғи ишқдан, айб этмангиз-
Ким, жунун гулзорининг бунлар гули хандонидур.

Эй Фузулий, ўла ким раҳм эда ёр афгонинга,
Оғлагил зор ончаким, зор оғламоқ имконидур.

Манимким, бир лаби хандон учун гирёнлиғим вордир,
Паришон турралар давринда саргардонлиғим вордур.

Ёшим тахти равондур, тожи заррин шўълаи оҳим,
Кўрингим, давлати ишқ ила на султонлиғим вордур.

Юмулмаз ашк туғёниндан онсиз чашми хунборим,
Хаёли сурати жонона хуш ҳайронлиғим вордур.

Сиришким кўр, мани эй абр, ўзингдан кам хаёл этма,
Ҳавойи ишқ ила минг санча ашкафшонлиғим вордур.

Лабинг давринда ким инсон ўлан жон дер анга мутлақ,
Агар оби ҳаёт этсам талаб, ҳайвонлиғим вордур.

Фузулий, жоми май таркин қилиб зудҳ ила тақводан,
Қаму доноя равшандур буким нодонлиғим вордур.

Завқ шавқила жаҳон қайдин чекан заҳмат чекар,
Аҳли завқ улдурки, андан домани ҳиммат чекар.

Кун чекар ердан кўка ҳардам губори роҳини,
Тўтиё учун, бале, ердан кўка миннат чекар.

Эй чекан ғайр ила пинҳон базм эдиб май гоҳ-гоҳ,
Ёд қил анданки, базминг ёд эдиб ҳасрат чекар.

Холи этмиш ғайрдан зулфинг хаёли кўнглими,
Нўла соҳиб кашф ила бир умрдур хилват чекар.

Чек, сабуҳи, субҳ наққошина арзи ораз эт,
Бўйла чексун гар фалак лавҳина бир сурат чекар.

Сарвқоматлар суманрухсоралар тупроғидур,
Ҳар, суманким, очилур, ҳар сарвким қомат чекар.

Қатраи ашким қатори, сийна чокиндан кириб,
Тан уйина тишрадан бори ғаму меҳнат чекар.

Эй Фузулий, боқмаям то ғайра, ҳар хунин мужа,
Оташин бир милдурким чашмима ғайрат чекар.

Ҳар китобаким, лаби лаълинг ҳадисин ёзалар,
Риштаи жон бирла завқ аҳли ани шерозалар.

Бу на сирдур, сирри ишқинг демадан бир кимся,
Шаҳра душмиш ман сани севдим деяи овозалар.

Шайхлар майхонадан юз дўндиранлар масжида,
Бетарийқатларни кўрким, дўғри йўлдан озалар.

Чоклар кўксимда, сонманг ким очибдур тиғи ишқ
Кўнглиминг шаҳрина меҳринг кирмака дарвозалар.

Эй Фузулий, ёр агар жавр этса, андан инжима,
Ёр жаври ошиқа ҳар дам муҳаббат тозалар.

Сайр қил, кўрким, гулистонинг на обу тоби вор,
Ҳар тараф минг сарви сарсабзу гули сероби вор.

Панжаи барги чинор этмиш муҳайё шоналар,
Англамиш гўёки сунбул кокилининг тоби вор.

Роҳат учун фарш солмиш сабзай тар гулшана,
Наргисинг кўрмиш кўзин махмур сонмиш хоби вор.

Бўлинур ҳар дарда истарсан гулистонда даво,
Ҳуққасинда гунчанинг гўё шифо жуллоби вор.

Кулди гул, очилди наргис, лола дўлди жоладан,
Эй хуш улким, ишрату айш этмака асбоби вор.

Ғолиб ўлмиш халқа завқи сайри гулшан гўйиё
Чекмая халқи бинафша зулфининг қуллоби вор.

Ғар Фузулий майли гулзор этса фасли гул нўла,
Айш учун хунобаи дилдан шароби ноби вор.

Сарви озод қадингла манга яксон кўринур,
Ная саргашта ўлан боқса хиромон кўринур.

Жон кўринмаз десалар танда инонман нешаким,
Лутфдан ҳар неча боқсам танинга жон кўринур.

Дерам аҳволими жонона қилам арз, вале
Кўра билман ўзими андаки, жонон кўринур.

Эй деян: Сабр қил, оҳ айлама ёри кўражак,
Манга душвордур ул, гар санга осон кўринур.

Сўрдим аҳволими ишқингда мунажжимлардан,
Боқдилар толеъ уйина, дедилар қон кўринур.

На камондорсан, эй маҳки, отиб ғамза ўқин,
Йиқдуғинг сайдда не захм, на пайкон кўринур.

Бир санам зулфина гўёки, верубдур кўнглин—
Ки, Фузулийнинг экан ҳоли паришон кўринур.

Сулуки фақр атворим, мазоқи ишқ ҳолимдур,
Тажарруд олами сайрида олам поймолимдур.

Хаёлимда будурким, бўлмишам оламда бир хилқат,
На олам хонси хилқат сондигим ботил хаёлимдур.

Жунун файзила озод ўлмишам қайди алойиқдан,
Камолу фазл тарки, рутбаи фазлу камолимдур.

Манам шамъи висола ёндиран парвонаваш ворим,
Фанойи мутлақим жонон ила базми висолимдур.

Табибо, қилмишам ташхис, дарди ишқдур дардим,
Аломат оҳи сарду рўйи зарду ашки олимдур.

Ҳаводан мавжа келмиш баҳри дардам, шоҳиди ҳолим
Дили пур изтиробу нолаи беъътидолимдур.

Фузулий, олами фақру фанода мунъими вақтам,
Диёри масканат, нақди қаноат мулку молимдур.

Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зулоли завқ шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Лабинг сиррин келиб гуфтора мандан ўзгадан сўрма,
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Кўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми ғофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.

Хабарсиз ўлма фаттон кўзларинг жаврин чеканлардан
Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

Ғамингдан шамътак ёндим, сабодан сўрма аҳволим,
Бу аҳволи шаби ҳижрон манимла ёр ўландан сўр.

Хароби жоми ишқам, наргиси мастинг билур ҳолим
Харобот аҳлининг аҳволини хуммор ўландан сўр.

Муҳаббат лаззатиндан беҳабардур зоҳиди ғофил,
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр.

Хам очилдиқча зулфингдан балову меҳнатим ортар,
Биҳамдиллоҳки, умрим узонур жамиятим ортар.

Деман ўксук мани тадриж ила ёқут ўлан тошдан,
Бўендиқча жигар қонила қадр қийматим ортар.

Туго кўр кўз йўлин, эй ашкким, тамкиним ўксукдур,
Бу суратхонанинг кўрдикча нақшин ҳайратим ортар.

Маризи дарди ишқам, тарки оламдур муродимким,
Бу нохуш мулкда айландигимча заҳматим ортар.

Букилди қоматим ҳасрат юкиндан, ваҳки оламда
Умидим ўксулиб ҳар лаҳза юз минг ҳасратим ортар.

На шарбатдур ғамингим, ичдигимча ўксулур сабрим,
На сеҳр айлар рухингим, боқдигимча рағбатим ортар.

Чўқ ўлдиқча ғаму дардим раҳи ишқ ичра хушҳолам,
Фузулий, шод ўлуб шукр этмайимми, неъматим ортар.

Нўла гар рашки рухсорингла бағри хўбларинг қондур,
Тоши тағсир ила лаъла айлаян хуршид рахшондур.

Мужанг гар сангдиллар кўнглини олса ажаб ўлмаз,
Анингтак обнус ўқ лойиқи фўлод пайкондур.

Паривашлар дили сахтина душмиш меҳри рухсоринг,
Санинг аксинг олон фўлод кўзгулар фаровондур.

Даҳонинг дуржиким қайдин чекарлар ҳур пайкарлар,
Парилар тоатичун хотами мулки Сулаймондур.

Отинг йўлинда хўблар сурсалар юз нўла амрингла,
Малак хайли сужуди Одам этмак насси қуръондур.

Қоти кўнглина бағри тошларинг душмиш ғами ишқинг,
Бир ўддур ишқи дилсўзингки, тошлар ичра пинҳондур.

Кезар кўйингда ҳар ён чўқ гирибон чок гулрухлар,
Бу ранг ила, Фузулий, ул сари кў бир гулистондур.

Сабрим олиб фалак манга юз минг бало верар,
Оз ўлса бир матоъ, анга эл чўқ баҳо верар.

Душдум балойи ишқа, хирадманди аср экан,
Эл энди маңдан олдиғи пандин манго верар.

Сонманг ажаб, рутаб ерина верса лаъли тар
Нахлики, қон ёшим анга нашъу намо верар.

Хоки дарингдур улки, дуну кун савоб учун,
Ҳам оя сурма, ҳам гунаша тўтиё верар.

Қилмаз қабул сурати иқбол бунчаким,
Ойинаи вужудима жавринг жило верар.

Най киби жисмим ўлди ўқингдан делик-делик,
Дам урдуғимча ерли ериндан садо верар.

Ҳар дардсиздан умма, Фузулий, давоий дард,
Сабр айла, кимки, дард верибдур, даво верар.

Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар,
Бу мазмун ила хатт ул сафҳаи рухсора ёзмишлар.

Ҳавоси хоки пойинг шарҳини таҳқиқ эдуб мардум.
Ғуборила баёзи дийдаи хунбора ёзмишлар.

Гулистони сарӣ кўйинг китобин боб-боб, эй гул,
Хати райҳон ила жадвал чекиб, гулзора ёзмишлар.

Икки сатр айлаюб ул ики майгун лаъллар васфин,
Кўранлар ҳар бирин бир чашми гавҳарбора ёзмишлар.

Кириб бутхоная қилсанг такаллум жон бўлуш шаксиз,
Мусаввирлар на суратким дару девора ёзмишлар.

Муҳаррирлар ёзандаи ҳар кима оламда бир рўзи,
Манга ҳар кун дили садпорадан бир пора ёзмишлар.

Ёзанда Вомиқу Фарҳоду Мажнун васфин аҳли дард
Фузулий одини, кўрдим, сари туммора ёзмишлар.

Эй жаҳон дийда кўзим, бунчаки чўқ ёшинг вор,
Оз кўрубсан эйи кун, ваҳ на ёмон бошинг вор?

Вор рухсорима хуноба чекан мужгоним,
Қил қалам кибики, нақш этмая наққошинг вор.

Шавқи наълим ўда солур нечаким қаршимда,
Оташин тальбат илан зулфу кўзинг-қошинг вор.

Лаъли кони киби гар кўксими чок айлаялар
Анда хуноба илан рангли чўқ тошинг вор.

Роҳи ишқ ичра, Фузулий, дема танҳо юрурам-
Ки, эй хабарсиз, ғаму меҳнат киби йўлдошинг вор.

Ҳавойи ишқ бошда, дилда тоби нори фурқат вор,
Бало хокинда тан помол, кўзда оби ҳасрат вор.

Нўла базми балода сийнаи нолони чок этсам,
Даруни дилдан ул ёра яна арзи муҳаббат вор.

Маҳи нав сонма тутмиш чархи тиғи шўълаи оҳим,
Адуйи бадниҳода ўлмаз эсам яна нилят вор.

Лабинг ёдина жон вермиш дейив Фарҳоди дил, жоно,
Яна авфоҳи оламда ажаб ширин ҳикоят вор.

Гаҳи дарди фароғи ёр, гаҳи таънаи ағёр
Фузулий, сонма бу меҳнатсарода истироҳат вор.

Гўшаи абруларингда чашми жодулармидур?
Йўқса кирмиш ёя тийрандоз ҳиндулармидур?

Иқди шабнамдур гули тар узра ёхуд ҳар тараф
Қатра-қатра тердан ул рухсор уза сувлармидур?

Икки аждардурки, бир ганж узра бош қўймиш ётур,
Ё масалсал оразинг давринда гийсувлармидур?

Ашки чашмимдур сари зулфинг хаёлила мудом,
Ё дузулмиш риштаи мушк узра лўълўлармидур?

Санмисан анжақ, Фузулий бўйла хўблар моили
Йўқса ишқ аҳли ғаму сантак баложўлармидур?

Бўлди кўйингда даво дарди дили беморимиз,
Сан оғосан, биз қулуз, кўйингдадур тиморимиз.

Зоҳида, кўр сийна чокин шўъласин, биздан сақин,
Бир ўчоғиз бизки, сўзондур дару деворимиз.

Нўла гар ул дуйса фони Кўҳкан, ман боқиям,
Ишқа биздандур бақо, йўқдур йўқ ўлмоқ воримиз.

Гулшани ғам нахлийиз парварда оби дийдан,
Доғлар барқ оҳи оташ боримиздур боримиз.

Аҳли таркин қулиюз, улдур биза жондан азиз,
Юсуф эса худфуруш, онингла йўқ бозоримиз.

Ашкимиз гирдоби олий, умримиз бунёди паст,
Кўр на олчоқ дирлигила чизкинур паргоримиз.

Эй Фузулий, жаври ёру таънайи ағёрдан
Вор юз минг ғам, бу ҳам бир ғамки, йўқ ғамхоримиз.

Ҳам қадила оғларам ул турраи таррорсиз,
Гарчи дерлар чангдан чиқмаз тараннум торсиз,

Сийнаи чокимдан ўксук этма тири ғамзани,
Эй гули раъно, билурсанким, гул ўлмаз хорсиз.

Соқламаздим новакинг кўзда балосин чекмасам,
Сув вериб ул нахли сақлардимми ўлса борсиз.

Йўл озорсан зулмати ҳайратда, эй дил, воқиф ўл,
Зинҳор ул кўя ворма оҳи оташборсиз.

Гиряи зор ила хушҳоламки, баҳри ишқда
Ашксиз кўз бир садафдур лўълўи шаҳворсиз.

Жона озори ҳадангинг хуш келур, эй қоши ёй,
Бир сифориш қилки, биздан ўтмасин озорсиз.

Зухддан кечмаз, Фузулий, айламаз тарки риё,
Панд чўқ вердим эшитмаз орсиздур орсиз.

Тарийқи фақр тутсам табъ тобеъ, нафс ром ўлмаз,
Ғино қилсам талаб, асбоби жамият тамом ўлмаз.

Даҳонингдан асар кўрман, миёнингдан нишон, ваҳким
Мани нокома умримдан муяссар ҳеч ком ўлмаз.

Муқимий кўйи дард айлар мани оҳи жигар сўзим,
Бу оҳанги малол афзоя бундан як мақом ўлмаз.

Муриди соқиямким, лутфи аҳли завқа доимдур,
На ҳосил аҳли зуҳдинг шафқатинданким, мудом ўлмаз.

Дедим: ушшоқа жавр этма; деди ул хўблар шоҳи:
Сиёсат ўлмайинча ишқ мулкинда низом ўлмаз.

Лабингдан қатра-қатра қон ичар кўнглим кароҳатсиз,
Шакардан ўлижоқ май қатраси гуё ҳаром ўлмаз.

Фузулийни маломат айлаян бедард билмазми-
Ки, бозори жунун расволаринда нангу ном ўлмаз.

Олам ўлди шод сандан, ман асири ғам ҳануз,
Олам этди тарки ғам, маңда ғами олам ҳануз.

Жон бағишларди лабинг изҳори гуфтор айлаюб,
Урмадан Исо лаби жонбахшлиқдан дам ҳануз.

Саждагоҳ этмишди ишқ аҳли қошинг меҳробини
Қилмадан хайли малоик саждаи Одам ҳануз.

Жона дардинг, жисма пайкoning равон этмишди ҳукм,
Жисм ила жон иртиботи ўлмадан маҳкам ҳануз.

Ашк сарф айлар фалақдан ком ҳосил қилмаға,
Бу гуҳар қадрини билмаз дийдаи пурнам ҳануз.

Пардаи чашмим мақом этмишди бир тарсобача,
Ўлмадан маҳди Масиҳо домани Марям ҳануз.

Эй Фузулий, айлади ҳар дарда дармон ул табиб,
Бир маним заҳмимдур анжақ бўлмаян марҳам ҳануз.

Ғамза пайконин кўзинг ман мутбалодан соқламаз,
Сарф эдар аҳли назар нақдин гадодан соқламаз.

Дил надур ёнимда чун қилмаз мани ғамдан халос,
Чекман ул таъвиз боринким, балодан соқламаз.

Жона жисмим ул хаданги ғамзадан ўлмаз паноҳ,
Ҳеч жавшан кимсани тийри қазодан соқламаз.

Ишқдан бир дам тани сўзони дур этмаз фалак,
Ваҳ неча фонусдур, шамъи ҳаводан соқламаз.

Олами шайдо қилур, гар ўлса кўздан ҳам нигоҳ,
Бир паривашким, сари зулфин сабодан соқламаз.

Айларам беҳуд фиғон, кўрдикча кўйинг итларин,
Ошино рози ниҳонин ошинодан соқламаз.

Бесабаб сонманг Фузулийнинг маломат чекдигин
Беҳабардур машрабин аҳли риёдан соқламаз.

Рози ишқинг соқларам эдан ниҳон, эй сарви ноз,
Кетса бошим шамътак мумкин дагил ифшойи роз.

Хўблар меҳроби абрусина майл этмаз фақиҳ,
Улса кофирдур, мусулмонлар анга қилманг намоз.

Кимса ул бадхўя изҳор эда билмаз ҳолими,
Эй суруди нола, тангричун сан ўлғил чорасоз.

Қолибим кўрмиш тиҳи, тўкмак дилар бир тоза руҳ,
Барқи оҳимким келан пайкониға вермиш гудоз.

Хўб суратлардан, эй носих, мани манъ этмаким,
Партави анвори хуршиди ҳақиқатдур мажоз.

Ман худ ўлдим, эй туробимдан ўлан соғар мудом,
Риндлар базмин кезиб бир-бир етур мандан ниёз.

Эй Фузулий, қолмишам ҳайратда, билман найлайим,
Давр—золим, бахт—нофаржом, талаб—чўқ, умр оз.

Фигонким, бағриминг ул лоларух қон ўлдиғин билмаз,
Жигар парколасинда доғи пинҳон ўлдиғин билмаз.

Ҳабибим кўнглими жамъ айламаз рухсори давринда,
Магар зулфи киби ҳолим паришон ўлдиғин билмаз.

Қилур тақсир эдуб, бир лутф ҳар дам кўнглим олмоқдан,
Вафо расмин сонур душвор, осон ўлдиғин билмаз.

Гўзаллар давлати васлин бўлиб, мағрур ўлан ошиқ.
Нишоти васлда андуҳи ҳижрон ўлдиғин билмаз.

Дили садпорадан бедод кесмаз ғамзаи мастинг,
На ғофил подишоҳдур, мулк вайрон ўлдиғин билмаз.

Сонур зоҳид, ўзин ҳоли хаёлиндан, ғалатдур бу,
Бу ҳайрон ўлдиғиндандурки, ҳайрон ўлдиғин билмаз.

Фузулий, хастая душман сўзила дўст жавр айлар,
Зиҳи сода, муораз қавли бўҳтон ўлдиғин билмаз.

Сакрадур жилвая ул сарв самандин инамиз,
Ким ани кўрса фиғон этмая кандин инамиз.

Гарчи шамшод латофатда чекибдур кўка бош,
Ноз баҳсинда анинг сарви баландин инамиз.

Айла девоналия душди кўнгилким, дилдор
Солса гар бўйнина ҳам зулфи камандин инамиз.

Қоча билмаз дили девона сочин қайдиндан
Нетсин, ул ваҳши аёгиндаги бандин инамиз.

Эдамаз манъ Фузулийни қадаҳдан зоҳид,
Ҳеч ким кўйи харобот лавандин инамиз.

Кўнгилда минг ғамим вордурки, пинҳон айламак ўлмаз,
Бу ҳам бир ғамки, эл таъниндан афғон айламак ўлмаз.

На мушкул дард ўлурса бўлинур оламда дармони,
На мушкул дард эмиш ишқинги, дармон айламак ўлмаз.

Фано мулкина чўқ азм этма, эй дил, чекма захматким,
Бу тадбир ила дафъи дарди ҳижрон айламак ўлмаз.

Сақин кўнглим, йиқарсан панддан дам урма, эй носих,
Ҳавои нафс ила бир мулки вайрон айламак ўлмаз.

Даҳонинг узра лаълинг истамиш дил, дафъи мушкулдур,
Кўринмаз ҳеч журми, йўқ ера қон айламак ўлмаз.

Дуолар айларам, мандан яна бир дам гузор этмаз,
На чора, сеҳрила сарви хиромон айламак ўлмаз.

Фузулий, олами қайд ичра сан, дам урма ишқингдан,
Камоли жаҳл ила даъвойи ирфон айламак ўлмаз.

Неча йиллардур сари кўйи маломат беклариз,
Лашкари султони ирфониз, вилоят беклариз.

Сокини хоки дари майхонайиз шому саҳар,
Иртифои қадр учун боби саодат беклариз.

Жафойи дунё дагил каркас киби матлубимиз,
Бир бўлак анқолариз, Қофи қаноат беклариз.

Хоб кўрмаз чашмимиз андишаи ағёрдан,
Посибониз, ганжи асрори муҳаббат беклариз.

Сурати девор эдубдур ҳайрати ишқинг бизи,
Ғайр сайри боғ эдар, биз кунжи меҳнат беклариз.

Корвони роҳи тажридиз хатар хавфин чекуб,
Гоҳ Мажнун, гоҳ ман давр ичра навбат беклариз.

Сонмангизким, кечалар беҳудадур фарёдимиз,
Мулки ишқ ичра хисори истиқомат беклариз.

Ётдилар Фарҳоду Мажнун масти жому ишқ ўлуб,
Эй Фузулий, биз улар ётдиқча суҳбат беклариз.

Ташнаи жоми висолинг оби ҳайвон истамаз,
Моили мӯри хатинг мулки Сулаймон истамаз.

Зулмати зулфинг гирифтори дам урмаз нурдан,
Толиби шамъи руҳинг хуршиди рахшон истамаз.

Айламаз майли беҳишт афтодаи хоки дарин
Сокини кунжи ғаминг сайри гулистон истамаз.

Жаврдан оҳ этма, эй ошиқки, айни лутфдур,
Дӯст, асбоби камоли ҳусна нуқсон истамаз.

Ишқдан ваҳм этмасин ошиқ, йиқар кўнглим деюб,
Ҳеч султонам деяи мулкини вайрон истамаз.

Ошиқ эсанг ринду расволиқдан икроҳ этмаким,
Ишқ сиррин иқтизойи давр пинҳон истамаз.

Эй Фузулий, мутгасил даврон муҳолифдур манга,
Ғолибо, арбоби истеъдоди даврон истамаз.

Халқа оғзинг сиррини ҳар дам қилур изҳор сўз,
Бу на сирдурким, ўлур ҳар лаҳза йўқдан вор сўз.

Ортуран сўз қадрини сидқила қадрин орттирур-
Ким, на миқдор ўлса, аҳлин айлар ул миқдор сўз

Вер сўза аҳёки, тутдуқча сани хоби ажал,
Эда ҳар соат сани ул уйқудан бедор сўз.

Бир нигори анбарин хатдур кўнгиллар олмаға,
Гўстарир ҳардам ниқоби ғайбдан рухсор сўз.

Хозини ганжинаи асрордур ҳардам чекар
Риштаи изҳора минг-минг гавҳари асрор сўз.

Улмаян гаввоси баҳри маърифат ориф дагил-
Ким, садаф таркиби тандур, лўълўъи шаҳвор сўз.

Гар чўқ истарсан, Фузулий, иззатинг оз эт сўзи-
Ким, чўқ ўлмоқдан қилубдур чўқ азизи хор сўз.

Манга боди сабо ул сарви гулруҳдан хабар вермаз,
Очилмаз ғунчаи бахтим, умидим нахли бар вермаз.

Тўкиб кўз ёшини, сансиз ҳалоким истарам, аммо
Ажал пайкина сели ашк гирдоби гузар вермаз.

Кўзимда маскан эт, хори мужамдан эътироз этма,
Гули хандона сўрдим, хора ёр ўлмоқ зарар вермаз.

Агар жон олмоқ истарсан, танимдан ўқинги кесма-
Ки, пажмурда ниҳола вермайинча сув самар вермаз.

Қиёс эт шамъдан, ваҳм айла чархинг инқилобиндан-
Ким, ул бош олмоға қасд этмайинча тожи зар вермаз.

Бало зимнинда роҳат ўлдиғин изҳор этар халқа,
Фалак беҳуда хори хушқдан гул барги тар вермаз.

Фузулий, даҳрдан ком олмоқ ўлмаз ўлмадан гирён,
Садаф сув олмайинча абри найсондан гуҳар вермаз.

Нами ашким мукаддар хотиримдан дафъи ғам қилмаз,
Бу равшандурки, нам ойинадан зангор кам қилмаз.

Хаами абруйи мушкининги кўрса зоҳиди кажбин
Дахи қомат сужуди гўшаи меҳроба ҳам қилмаз.

Санга, эй шўҳи сангиндил, деман бут, неша ким, бут ҳам
Агарчи сангиндилур, бўйла бедоду ситам қилмаз.

Жафову жавр ила қон ўлди бағрим, ёраб, ул бадхў
Нечун тарк айламаз бедоду жаврин, бир карам қилмаз.

Муродим гирядан касби ғубори раҳгузоримдур,
Кўзим ёши дамо-дам чеҳрами беҳуда нам қилмаз.

Хатинг давринда ашки ол ила дарду ғамим шархин,
Дам ўлмазким, руҳи зард узра мужгоним рақам қилмаз.

Фузулий бенаво то равзаи кўйингда сокинмур,
Таманнойи беҳишту майли гулзори ирам қилмаз.

Кўҳкандан кўринур кўҳда осор ҳануз,
Ул на бенгзар манга онинг асари вор ҳануз.

Чекди Мажнун оёғин бодиядан, лек верар
Қонли гуллар оёғиндан чекилан хор ҳануз.

Водийи ишқда савдо ила саргашта эдим,
Келмадан гардиша гунбади даввор ҳануз.

Нуқтаи холина боғланмиш эди жону кўнгил,
Кезмадан доираи даврда паргор ҳануз,

Моҳа чекдим шаби ҳижрон алами шўълаи оҳ,
Оҳким, ўлмади ул моҳ хабардор ҳануз.

Нолаи зорим ила халқа ҳаром ўлди юқу,
Қора бахтим юқудан ўлмади бедор ҳануз.

Марҳами васли ила бўлди ғаму дарда даво
Бу Фузулий алами ҳажр ила бемор ҳануз.

Эй кўнгил, ул ханжари мужгона айларсан ҳавас,
Қасди жон этдинг бақойи умрдан уммиди кас.

Чекма ғурбат азмина, эй сорбон маҳмил сақин-
Ким, бу йўлда бими ғурбатдандур афғони жарас.

Ҳоли зоримдан сани афғоним огоҳ айлади,
Шукрилиллоҳ, ўлди фарёдим манга фарёдрас.

Бир-бирини баски, сончилди танимда ўқларинг,
Мурғи руҳим қайдина ўлди мураттаб бир қафас.

Таънаи аҳли маломатдан на нуқсон ошиқа,
Барқи ломеъ дафъин айларми ҳужуми хору хас?

Сўзи ишқинг танда ногаҳ бўлмасин нуқсон деюб,
Жон чиқанча истарам чиқмоя тандан бир нафас.

Эй Фузулий, ман қаноат мулкининг султониям,
Салтанат исботи эғнимда палоси фақр бас.

Хоки раҳ этди ошиқи мискини ул ҳавас-
Ким, пойи бўси ёра қачон бўла дастрас.

Рози даруни дишрая солмоқ раво дагил,
Будур гуноҳиким, очилур муттасил жарас.

Дийдори дўстдур ики олам натижаси,
Йўқ андан ўзга ошиқа оламда мултамас.

Сийнам ҳавойи ишқинг ила дўлди най каби,
Дам урдугимча оҳу фиғондур чиқан нафас.

Ҳар қайд ўлурса маҳ балодурки, булбула
Гар шохи гулдан ўлса, кудурат, верар қафас...

Ул ғамзадан, кўнгил, агар истарсан илтифот,
Тиғи тажарруд ила жонингдан алоқа кас.

Улмаз вужуди ошиқа ишқ ичра эътибор,
Дурмаз, Фузулий, оташи ҳижрона хору хас.

Даҳр бир манзил, халойиқ қорбони беш эмас,
Сўз ғаму афсона, эл афсонахони беш эмас.

Тарки фикри дуняву савдойи уқбо айлаким,
Дуняву уқбо хаёлию гумони беш эмас.

Аҳли ҳашмат қисватин зарбафт эдар билмазким, ул,
Боғи жамият баҳорина хазони беш эмас.

Ғар тавонолиғ сўзин сўйлар ҳулул этгач қазо,
Ҳар кими кўрсанг тавоно нотавони беш эмас.

Айлаюб меҳнат замонинда дамодам изтироб,
Истама роҳатки, роҳат ҳам замони беш эмас.

Умр нақдин суд савдосинда зоеъ қилмаким,
Улким, одинг суд қилмишсан зиёни беш эмас.

Эътибор, эй дил, Фузулийдан кетурким, ул фақир,
Бедилу бечораю бехонумони беш эмас.

Маскан, эй булбул, санга гаҳ шоҳи гулдур, гаҳ қафас,
Неча ошиқсанки, оҳингдан туташмас хору хас.

Ёр кўйинда, мусулмонлар, гар ўлсайди ерим,
Кофирам гар равзаи рузвона айлардим ҳавас.

Кўҳ фарёди садосин верди Фарҳодинг деманг,
Нақши Шириндур, верур овоз, ўлуб фарёдрас.

Ноқа Лайли маҳмилини чекмиш биёбон сайрина,
Айла Мажнуни бу ҳолатдан хабардор, эй жарас!

Бир нафас қолмиш ҳаётимдан, ҳабибим, субҳтақ,
Нўла гар бир меҳр гўстарсанг манга охир нафас.

Холи этдим дил ҳавойи ихтилоти халқдан,
Базми ғамда най киби ҳамдан манга фарёд бас.

Эй Фузулий, гар санга жамияти дилдур мурод
Боғла бир дилдора кўнглини ғайрдан пайванд кас.

Кўз ёшимдан сўзи пинҳоним эдар ориф қиёс,
Беҳабар таъсири анжумдан дагил ахтаршунос.

Қондурурким, дам-бадам кўздан инуб ўртар таним,
Дашти ғам Мажнуниям, ман қандану қандан либос?

Хиштлартак бир-бири узра жигар парголасин,
Кўз йиғиб солмиш ҳубоби хун биноси чун асос.

Эй сонон жўлида мў бошинда Мажнунинг, соқин,
Бетакаллуф кетмаким, Лайли эвидур ул палос.

Лаҳза-лаҳза ҳам қадим пайконинг истар, ё қилур
Зарра-зарра моҳи нав хуршиддан нур иқтибос.

Тиғи ғамзанг ўйла буррондурки, жаллоди ажал
Тўкса қон таъжил учун тиғингдан айлар илтимос.

Эй Фузулий, заҳри қаҳрила дўлудур тоси чарх,
Чекмаз онинг қаҳрини ҳар ким чекар бир дўлу тос.

Эй хуш ул мастки, билмаз ғами олам на эмиш,
На чекар олам учун ғам, на билур ғам на эмиш.

Бир пари силсилаи ишқина душдум ногаҳ,
Шимди билдим сабаби хилқати одам на эмиш.

Воиз авсофи жаҳаннам қилур, эй аҳли вараъ
Вор анинг мажлисина, кўрки, жаҳаннам на эмиш.

Ўқи кўксимдан ўтиб қолмиш эди пайкони,
Оҳ, билдим сабаби оҳи дамодам на эмиш.

Эй Фузулий, мазаи соқийи саҳбо билдинг,
Тавба қил, то биласан зарку риё ҳам на эмиш.

Бу кун тиғин чекиб, чиқмишдур ул номехрибон сархуш,
Сақин, эй раҳм эдан жонинаким, билмаз амон сархуш.

Анга хушёр экан дарди дил истарман, деям, соқи,
Паёпай сунма жоми, қилма ул сарви равон сархуш.

Дагил тақводан этсам бода таркин, ваҳмин андандур-
Ки, изҳор айлайим халқ ичра ишқин ногаҳон сархуш.

Магар қон ичмак ила асрамиш наргисларинг, вар на
Басе май нўш эданлар кўрдим, ўлмаз бўйла қон сархуш.

Майи ишқингла сармаст ўлдуғим эдан ниҳон қолмаз,
Маҳоли ақлдуким, соқлая розин ниҳон сархуш.

Кўнгил то ўлди беҳуд, олди ғамзанг жоними тандан
Верар яғмоя нақди ганжин олғач посибон сархуш.

Фузулий, ғайр ила хилват магар базм этмиш ул гулрух,
Рақиби кажрави кўрдим бу кун бори ёмон сархуш.

Бути наврасим намоза шабу рўз роғиб ўлмиш,
Бу на диндур оллоҳ, оллоҳ, бута сажда вожиб ўлмиш.

Асари қабули тоат анга вермиш ўйла ҳолат-
Ки, қулуби аҳли ҳола ҳаракоти жозиб ўлмиш.

Фараҳим кўриб, жафосин ҳасанота дохил айлар,
На малакким, ул парининг амалина котиб ўлмиш.

На ажаб гар ўлса ғамдан туниму куним баробар,
Назаримдан ул юзи кун неча кунки, ғоиб ўлмиш.

Ғами ҳажрдурким, ортар асарила ишқ завқи
Ғалат айламиш Фузулийки, висола толиб ўлмиш.

Билмаз эдим билмак оғзин сиррини душвор эмиш,
Оғзини дерларди йўқ, дедикларинча вор эмиш.

Ожиз ўлмиш йиқмоға оҳила кўҳи Кўҳқан,
Найласин мискин, анинг ишқи ҳам ул миқдор эмиш.

Тоша чекмиш халқ учун Фарҳод Ширин суратин,
Арз қилмиш халқа маҳбубин, ажаб беор эмиш.

Каъба эхромина зоҳид, дедилар, бел боғлади,
Айладим таҳқиқ анинг боғландиғи зуннор эмиш.

Умрлардур айларам аҳволи дунё имтиҳон,
Нақди умри ҳосили дунё ҳамон бир ёр эмиш.

Завқи дийдорила дилдоринг йўқ этдим ворими,
Давлати боқиқи, дерлар, давлати дийдор эмиш.

Дун Фузулий оразин кўргач, равон топширди жон,
Лоф эдиб дердики, жоним вор, амонатдор эмиш.

Дилки, сарманзили ул зулфи паришон ўлмиш,
Нўла журмики, осилмоғина фармон ўлмиш.

Шоҳисан мулки малоҳатда, санга қуллар чўқ
Бири улдурки, вориб Мисрда султон ўлмиш.

Раҳм эдиб ошиқинги ҳашр куни ёқмаялар-
Ки бу дунёда асири ғами ҳижрон ўлмиш.

Дедилар ғам кетурур бода, кўп ичдим, санси?
Ғами ҳижрона муфид ўлмади ул қон ўлмиш.

Боғбони чамани даҳра хаёли даҳанинг,
Сабаби тарбияти ғунчаи хандон ўлмиш.

Одам аввал сари кўйинг вериб олмиш жаннат,
Эшидиб таъни малак, сўнгра пушаймон ўлмиш.

Эй Фузулий, маним аҳволима бир воқиф йўқ,
Бўйлаким, олам анинг ҳуснина ҳайрон ўлмиш.

Хубоби ашки хунин жисмими элдан ниҳон этмиш,
Ғами ишқинг мани расвойи беному нишон этмиш.

Кетурмиш хокидан туғени ашким хор хошоки,
Бошим узра маломат қушлари чун ошён этмиш.

Букиб меҳнат юкидан қаддими, чиқмиш танимдан жон,
Тавофи кўйинг этмак қасдина таййи макон этмиш.

Санингла даввийи ҳусн этдигичун мулки ҳусн ичра,
Фалак таъзир эдуб Лайлини расвойи жаҳон этмиш.

Магар таркиби Исо хоки кўйи дарғаҳингдандур-
Ки, дурмиш хокидан қадрила азми осмон этмиш.

Кезан пайконларингдур танда, ё жон боғина ишқинг,
Бало сарчашмасиндан ҳар тараф сувлар равон этмиш.

Фузулийдан мизожинг мунҳариф кўрдим бу кун ёринг
Магар фурсат бўлиб, бир шамма ҳолиндан баён этмиш.

То ки, тоқи зарнигорин чарх вайрон айламиш,
Хишт зарринин сабо фарши гулистон айламиш.

Котиби тақдир хатти сабз таҳрир этмака
Лавҳ гулзори хазон барги зарафшон айламиш.

Қатъ эдуб фасли хазон оби равон шерозасин
Нусхаи гулзоринг авроқин паришон айламиш.

Давр жаврин кўрки, нузҳатгоҳи аҳли завқ экан,
Жўйбори гулшани занжири зиндон айламиш.

Айламиш тадбири ташвиши хазон торожининг
Лола, рангин рахтини доғ ичра пинҳон айламиш.

Рўзгорин тийра, бахтин қора, нутқин лол эдиб,
Мотами гул, булбули зоғ ила яксон айламиш.

Эй Фузулий, даҳр ҳолин шохи гулдан қил қиёс-
Ким, веруб аввал тажаммул, сўнгра урён айламиш.

Ғунчасин гул булбулинг қатлина пайкон айламиш,
Булбул очилғон гули юзина қалқон айламиш.

Гул арусин сулҳ учун булбул никоҳ этмиш, магар
Ўзини ёшил будоғ ичинда пинҳон айламиш.

Ғунча пайконини тийр этмаклиги-чун шохи гул
Жисмини бошдан оёға мисли суҳон айламиш.

Даҳраро гар бир синиқ девор кўрсанг ўйла бил,
Ул Сулаймон мулкидурким, чарх вайрон айламиш.

Эй Фузулий, меҳрина орданма чархинг гардиши
Кўка етурмиш, вале хокила яксон айламиш¹.

¹ Бу ғазал Боку қўлёзмасида ҳам, 1958 йил Боку нашрида ҳам йўқ. Фақат 1891 йилда Тошкент тошбосма нашрида бор.

Жисмими ёндирма, раҳм эт ёшима, эй бағри тош!
Эҳтиёт эт, ёнмасин ногаҳ қуру ўдинда ёш.

Хуш кечар наззорайи ҳуснинг-ла умрим, вор умид-
Ким, эда мақбули даргоҳинг мани ҳусни маош.

Тавфи кўйингда оёғдан боша эрмиш бир мадад,
Нўла гар қаддим букиб ҳардам оёғим ўлса бош.

Фитна ёйин қурмоға оташми ўлмиш эҳтиёж-
Ким, урусан олама оташ чотуб пайваста қош.

Эй ҳубоби ашк, ноёб эт тани урёними-
Ким, бу расво пардами чок этди, сиррим қилди фош.

Пора-пора кўнглиминг сўзи даруна тоби йўқ,
Кўз йўлиндан қатра-қатра қон ўлиб чиқсайди кош.

Эй Фузулий, ғарқи хуноб этди кўз мардумларин,
Кўрайим қуллоби мужгона урусин қонли ёш.

Зиҳи, жавоҳири эҳсони ома маъдани хос,
Дури шафоат учун баҳри раҳмата ғаввос.

Етиб ҳузуринга меърож вақти қилмишлар,
Қамар ҳусули муассир, суҳайл касби ҳавос.

Фалак ҳам ул кеча бўлмиш сафоки сўфитак
Қарор тутмаюб, ўлмиш у базмда раққос.

Раҳи мутобиатингдур тарийқи фавзу нажот
Ҳавойи марҳаматингдур умид хайру халос.

Тафохур айла, Фузулийким, андан ўзга дагил,
Санга замонда нақши саҳифаи ихлос.

Халқа хўблардан висоли роҳатафзодур ғараз,
Ошиқа анжақ тасарруфсиз томошодур ғараз.

Зоҳидо, тарк этма шоҳидлар висоли роҳатин,
Гар ибодатдан ҳамин ғулмону ҳуродур ғараз.

Ҳуру кавсарданки, дерлар равзаи ризвонда вор
Соқийи гулчехраву жоми мусаффордур ғараз.

Завқсиз лозим чиқар дунёдан ул дунёпараст-
Ким, анга дунёдан анжақ завқи дунёдур ғараз.

Роҳат ўлсайди ғараз, дунёда фақр истарди халқ,
Ғолибоким, халқа бир беҳуда ғавғодур ғараз.

Ориф ўл, савдойи ишқ инкорин этма, эй ҳақим —
Ким, вужуди халқдан анжақ бу савдодур ғараз.

Қил Фузулий, тарки иброми такаллумким, етар
Сурати ҳолинг, гар изҳори таманнодур ғараз.

Қил, сабо, кўнглим паришон ўлдиғин жонона арз,
Сурати ҳолин бу вайрон мулкинг эт султона арз.

Дарҳам ўлмиш сунбулинг гўёки қилмишдур анга
Мў-бамў ҳоли дилим, диллар узодуб шона арз.

Танда жоним бир паринингдур амонат соқларам,
Ул замонданким, амонат қилдилар инсона арз.

Халқ куфр аҳлина имон арз эдар, ман дам-бадам
Куфр зулфин айларам кўксимдаги имона арз.

Сурати бежон ила жаннат тўлар бутхонатак,
Қилсалар жаннатда тасвирин чекиб, ғулмона арз.

Мунъиминг арзи тажаммулдур иши фақр аҳлина,
Нўла гар дил қилса ҳардам дарди ишқинг жона арз.

Эй Фузулий, бўйла пинҳон тутма ашки олинги,
Айла ҳар рангилаким, вор ул гули ҳандона арз.

Қилмоғил маҳкам, кўнгил, дунёя оқди иртибот,
Сан бир овора мусофирсан, бу бир вайрон работ.

Бу чаманда ғунчалар, гуллар кўран ориф билур-
Ким, сабот устинда қилмаз ҳеч кабзу инбисот,

Аҳли ирфондур жаҳон кайфиятин таҳқиқ эдан-
Ким, нишотиндан бўлур юз ғам, ғаминдан юз нишот.

Ишқ даврони манга топширди Мажнун навбатин,
Холи ўлмаз нақши арбоби вафодан бу бисот.

Ҳар кўран маҳрўя сарф этма, Фузулий, умринги,
Бевафолардан ҳазар қил, тут тарийқи аҳтиёт.

Дурждур лаъли равонбахшинг, дури шаҳвор лафз,
Дурждан дурлар тўқарсан айласанг изҳор лафз.

Ўйла оғзинг тангдурким сўйлашур соат санга
Гарчи нозикдур, верур албатта бир озор лафз.

Етмак ўлмаз лафзи жонбахшингла оғзинг сиррина,
Ваҳйидур гўё буким, мутлақ оғиз йўқ, вор лафз.

Неша лаълинг кеч келур гуфтора, гўёким билур,
Ман киби ул лаъдан айрилмоғи душвор лафз.

Гунча лаълига латофатдан дам урмиш, билмазам
Найлар изҳор айлагач, ул лаъли гавҳарвор лафз.

Эй Фузулий, истарам дилдор ҳолим сўрмая,
Рашқданким, бўлмасун васли лаби дилдор лафз.

Офтоби тальатинг тутдуқча авжи иртифоъ,
Қатли аҳли ишқа тиғи ғамзадур андан шуоъ.

Дашт тутмоқ одатин қўймишди Мажнун ишқда,
Шухраи шаҳр ўлмоғин расмин ман этдим ихтироъ.

Зарқ дарёсинда бир хошокдурким, чиркинур
Сўфийи шайёдким, даврон тутиб айлар самоъ.

Кечдигим дунёву уқбодан санингчун ўлди фош,
Тўғри дерлар: «Кулли сиррин жоваз—ал иснайна шоъ»¹

Ул бути саркаш келур, солмиш жамолиндан ниқоб,
Эй саломат ал-фироқ, эй ақлу имон, алвидоъ.

Жону дил бир умрдур, тиғингчун айларлар жадал,
Кирмадан тиғинг санинг ўртоя қатъ ўлмаз низоъ.

Эй Фузулий, охират мулкина лозимдур сафар,
Бўйла фориг кезма, тақводан муҳайё қил матоъ.

¹ Маъноси: ҳар сир иккинчи кимсадан ўтса ёйилиб кетади.

Ёр васлин истаян кесмак керак жондан тамаъ,
Ҳар кишиким васли ёр истар, кесинг андан тамаъ.

Орзуйи васли жонон, жона офатдур, кўнгил,
Ё тааллуқ жондан уз, ё васли жонондан тамаъ.

Чун манга бир зарра йўқ тоби тамошойи жамол,
Ман кимам, васл этмак ул хуршиди раҳшондан тамаъ.

Ошиқ улдурким, тамоннойи балойи ҳажр эда,
Йўқса чўқдур меҳр эдан ул моҳи тобондан тамаъ.

Риштаи тули амал доми бало дур, найлайим,
Узмак ўлмаз ул сари зулфи паришондан тамаъ.

Оразин кўрмак ҳаётим тоза айлар, ваҳ на айб,
Гар гадо важҳи маошин қилса султондан тамаъ.

Муттасил хирмон қилур ҳосил тамаъдан аҳли ҳирс,
Турфаким, ортар анга келдикча хирмондан тамаъ.

Истар ўлсанг ҳайрату хирмона ҳардам душмамак,
Кес, Фузулий, даҳрдан уммиду даврондан тамаъ.

Дил узодур баҳс ила ул орази ҳандона шамъ
Ўд чиқар оғдиндан этмазми ҳазарким ёна шамъ.

Нўла ғайрат оташи жоним эритса мўмтак,
Бу на сўздурким, демишлар орази жонона шамъ?

Орази жонон ила баҳси камоли ҳусн эдар,
Дил учиндандурки, ҳар соат душар нуқсона шамъ.

Гаҳ оёғи боғли, гаҳ бўйни надандур билмазам
Бир пари ишқиндан ўлмишдур магар девона шамъ.

Нўла жоним қоматинг истарса, кўнглим оразинг,
Расмдур оламда: булбул гул севар, парвона шамъ.

Қил шабистони мунавварким, нисоринг қилмоға
Риштадан дурлар чекиб жамъ айламиш домона шамъ.

Эй Фузулий, шавқдан ёқдинг танинг рўзи висол
Нетдинг, эй ғофил, керакмазми шаби ҳижрона шамъ.

Кел, эй роҳат сонон асбоб жамъин қилма нодонлиғ,
Тарийқи фақр тутким, фақр эмиш оламда султонлиғ.

Мурод ар салтанатдан коми дилдур, нафса тобеъсан,
На ҳосил сатланат одила қилмоқ банда фармонлиғ.

Паришонлиқдан, эй аҳли жаҳон, сиз жамъ эдинг хотир-
Ки, ман жамъ айладим ҳар қанда вордир бир паришонлиғ.

На толеъдур буким, оламда оғоз этмадим бир иш-
Ким, ул ишдан саранжом этмадим, ҳосил пушаймонлиғ.

Манга зулми сариҳ ул кофир айлар, кимса манъ этмаз,
Фузулий, куфр ўлурми гар десам йўқдур мусулмонлиғ?

Соқиё, май сунки, доми ғам дурур хушёрлиғ,
Мастликдурким, қилур ғам аҳлина ғамхорлиғ.

Вор фикрин, йўқ ғамин чекмак надур, бир жомила
Бехабар қилким, манга бир ўла йўқлиғ ворлиғ.

Жон матоининг баҳосидур наким, даврон верур,
Турфа буким, сонурам шафқатдур ул ғаддорлиғ.

Мандан охир чун қилур безорлиғ асбоби даҳр,
Даҳр асбобиндан ул якким қилур безорлиғ.

Таънаи ағёр чекмақдур ишим бир ёр учун-
Ким, ўлуб ағёра ёр, айлар манга ағёрлиғ.

Чекма заҳмат, чек алинг тадбири дардимдан табиб-
Ким, дагил сан билдигинг ман чекдигим беморлиғ.

Эй Фузулий, айларам қатъи тааллуқ қомудан
Бу тарийқ ичра манга тавфиқ эдарса ёрлиғ.

Айш учун бир турфа манзилдур баҳор айёми боғ,
Анда тутсун гунчаваш ҳар кимки, айш истар ўтоғ.

Гунчалар очилди, сайри боғ эдинг, эй аҳли дил-
Ким, кўриб гуллар кўнгиллар очилан чоғдур бу чоғ.

Сандан, эй булбул, фузундур маңда меҳнат фасли гул,
Сансану минг тоза гул, ҳоло ману минг тоза доғ.

Боға сарвим келдигин билмиш саҳардан шохи гул
Равшан этмиш раҳгузори узра ҳар ён минг чироғ.

Чексалар занжир ила гулзора кетманким, манга
Сунбули зулфинг фироқиндан мушаввашдур димоғ.

Мавсуми гулдур, вале кетман чаман сайринаким,
Равзаи кўйинг манга ул сайрдан вермиш фароғ.

Маҳрам ўлмаз риндлар базмина май нўш этмаян,
Эй Фузулий, чек оёқ ул базмдан ё чек аёғ.

Эй хаданги ғаминга сийнаи аҳбоб ҳадаф,
Мунтазир ханжари мужгонинга жонлар саф-саф.

Хоки даргоҳинга ҳар субҳ сурад кун юзини,
Ғолибо андан анга ҳосил ўлубдур бу шараф.

Ҳоша лиллоҳки, бу девонаи шавқи хатинга
Сабаби қайд ўла, занжири сутури мусҳаф.

Солди дарёя сабо ханжари ғамзанг ваҳмин-
Ки, чиқормоя дахи гавҳари носуфта садаф.

Эй кўнгил, олама алданма, санга ранг верур,
Хокдурким, ани гаҳ лаъл қилур, гоҳ хазаф.

Базми Жамшид фано бўлмоқ ила билдимким,
Давр жавриндан эмиш навҳаи най нолайи дафъ.

Эй Фузулий, талаби рутбаи ирфон айла,
Жаҳл ила ҳосили авқоти шариф этма талаф.

Меҳнати ишқ, эй дил, осондур деюб чўқ урма лоф,
Ишқ бир юқдурки, хам бўлмиш анинг остинда қоф.

Ўлма холи дурдакашлар суҳбатиндан, эй кўнгил,
Гар диларсанг эдасан ойинаи идроки соф.

Субҳдам зулфинг доғит, ё шом арзи ораз эт,
Қўйма субҳу шом оросинда тарийқи ихтилоф.

Рашки рухсоринг дили хуршида солмиш изтироб,
Гайрати қаддинг мизожи шамъа вермиш инҳироф.

Хоки кўйинг каъбая нисбат қилан билмазмиким,
Бунда ҳардам, анда бир навбат ўлур вожиб тавоф.

Ваҳмим андандурки, мумкин ўлмая ғамдан нажот.
Фарриж — ил лоҳумма ҳамми, нажжини миммо нахоф¹.

Эй Фузулий, зоҳид ар даъвойи ақл айлар, на суд,
Нафъи завқи ишқдур жаҳлина айни эътироф.

¹ Маъноси: Худо, мани ғамдан халос эт, қўрқишдан нажот бер.

Улур рухсоринга кун, лаълинга гулбарги тар ошиқ,
Санга ўксук дагил кўкдан ёғар, ердан битар, ошиқ.

Манга мақсуд тарки ишқ эди, ваҳким майи ҳуснинг
Улуб кун кундан афзун, қилди кун-кундан батар, ошиқ.

Тамошойи жамолингдан назар аҳлини манъ этма,
На суд, ул хўб юзданким, анга қилмаз назар ошиқ.

Чаманда пойи бўсингдан ўлубдур сабзалар хуррам,
Ҳамон бир сабзача ўлмоға оламда нетар, ошиқ.

Санингтак нозанина нозанин ишлар муносибдур,
Кўзим, жоним, афандим, севдигим, давлатли султоним!

Назар қилмазсан аҳли дард кўздан оҳидан села
Ёмонлиқдур ишинг ушшоқ ила, яхшимидур бўйла?
Кел оллоҳи сеvirсан, ошиқа жавр этма, лутф айла!
Кўзим, жоним, афандим, севдигим, давлатли султоним!

Фузулий шеваи эҳсонинг истар бир гадойингдур,
Дирилдикча санинг кўйинг йўлингда ҳоки пойингдур,
Керак ўлдир, керак қўй, ҳукми-ҳукминг раъй—роъйингдур,
Кўзим, жоним, афандим, севдигим, давлатли султоним!

Ҳосилим барқи ҳаводисдан маломат доғидур,
Маснадим кўйи маломатда фано тупроғидур,
Зор кўнглим танда зиндони бало дутсоғидур,
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

Давр жавриндан тану жонимда роҳат қолмади,
Сурати ҳолимда осори фароғат қолмади,
Меҳнату ғам чекмага минбаъд тоқат қолмади,
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.


Кўнглиминг мулкин жафо селоби вайрон айлади,
Бахтиминг ҳолин ҳужуми ғам паришон айлади,
Бағрими андишаи даври фалак қон айлади,
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

Интиҳосиз жаврлар ўдлара ёндирди мани,
Ожи сўзлар тотли жонимдан ўсондирди мани,
Халқдан беҳуда фарёдим ўтондирди мани,
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

Истаюб бир чора, чўқ елдим, югурдим ҳар ёнга,
Раҳм эдиб бир кимса имдод этмади мутлақ манга,
Чорасиз қолдим, мурувват истаюб келдим санга,
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

Дода келдим адл девонина, фарёдим эшит!
Санки, одилсан, кўр афғоним надандур ғўра эт!
Шарҳи ҳолим сўр, муродим вер, алим тут, фикрим эт,
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур!

Кўр Фузулийнинг рухи зардинда ашки олини,
Пардаи идбор тутмиш сурати иқболини,
Дардимандингдур иноятлар эдиб сўр ҳолини,
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.



қитъалар



1

Ҳамди беҳад дам-бадам ул мубдиъи ашъяким,
Хилқати имкон вужуби зотини ижоб эдар.

Гаҳ саводи гирдибоди қаҳра хоки тийрани
Тўтиёйи дийдаи хуршиди оламтоб эдар.

Гаҳ нузули қатраи борони абри раҳмати
Ер юзинда сабзаи пажмурдаи сероб эдар.

Майда музмар айлауб кайфияти тағйири ҳол,
Сиймбарлар зулфини жон қайдина қуллоб эдар.

Жона ҳам албатта, анданур бу истеъдодким,
Рағбати маҳбуи парвойи шароби ноб эдар.

Ўлаким, мақбул эда узри гуноҳим чун билур-
Ким, амал таклифини жамияти асбоб эдар.

2

Чўқ тафохур қилма жамъи мол ила, эй хожаким,
Сийму зар жамъияти аҳли ғурур айлар сани.

Боргоҳи қурбдан жамъияти молу манол,
Ҳар на миқдор ўлса, ул миқдордур айлар сани.

Гарчи неъмат чўқ, кифоятдан тажовуз қилмаким
Имтило бори бадандур беҳузур айлар сани.

3

Аҳли камола жоҳил агар қадр қилмаса,
Маъзурдур, маломатин этмак раво дагил.
Жоҳил табиатинда мазоқи камол йўқ.
Ҳар нафса иқтидои табиат хато дагил.
Улфат ҳамиша фаръи ўлур ошнолигинг,
Жоҳил фазилат аҳли ила ошно дагил.

Эй сафои суратинг қайдин чекан, билким, ҳануз
 Чангдан ойинаи идрокинги пок этмадинг.
 Чангдур ойинаи идрока ҳар суратки вор
 Сан ҳануз, эй сода, бу мазмуни идрок этмадинг.

Эй вужуди камолинг ойинадори файзи ҳақ,
 Остонанг қабли ҳожати арбоби яқин.
 Эй камоли рифъатинг сармояи амну амон!
 В-эй жамоли шавкатинг пирояи дунёву дин!
 Ҳусни раъйинг офтоби олами сидқу сафо
 Хоки пойинг манъшаи жамъияти рӯйи замин.
 Келмамиш бир сан киби покиза тийнат олама,
 То бинои олам этмиш нақшбанди моу тин
 Маснади Нўширавондур буқъаи Доруссалом,
 Сансан истеҳқоқ ила Нўширавона жонишин.
 Жисмидур маънида буржи, авлиё, сан руҳи пок,
 Бир нигиндур хитгаи Бағдод, сан нақши нигин.
 Сарвара юз шукрим, файзи камоли рифъатинг
 Авлиё буржини этмиш рашки фирдавси барин.
 Хосу ом ўлмиш наволи неъматингдан баҳраманд
 Офарин, эй шаҳриёри мулкпарвар, офарин!
 Манки, бир камтар дуогўям, назар солдинг манга,
 Қўймадинг хоки мазаллатда қолим зору ҳазин.
 Зоеъ экан қадрими билдирдинг аҳли олама,
 Тийра экан, айладинг хоки вужудим анбарин.
 Абри лутфинг қилди хори хушкими гулбарги тар,
 Файзи жудинг қилди санги хорами дурри самин.
 Неъматинг шукри манга фарз этди изҳори сано,
 Шафқатинг тавқи мани қилди ғуломи камтарин.
 Ғам дагил аҳли ғараз айларса мандан манъи хайр,
 Ғам дагил аҳли ҳасад боғларса ман мискина кин.
 Рўзгор ила маним мақсудими ҳосил қилиб,
 Улки, манъ айлаб ўлур бадхоҳи раббул-оламин.
 Ҳеч шак йўқким етар мақсуда, ўлмаз ноумид,
 Хирмани алтофинг атрофида ўла хушачин.
 Бор умидим маҳру маҳ этдикча даврон ўласан,
 Комёбу комрону комбахшу комбин.

6

Парда чек айбина зулмат киби халқинг доим,
 Гар диларсанки, насиб ўла сана оби ҳаёт.
 Қилма хуршид киби айбнамолиққи, фалак
 Ера солмая сани баъд улуввуд—даражот.
 Жаҳд қил, зотинг ўла мазҳари осори қабул,
 Қилма ул жоҳа тафохурки, ўла хорижи зот.
 Фазл ўлур сонма санга манзилати аслу насаб,
 Жоҳ ўлур сонма санга қасрати асбобу жиҳот.
 Ориятдан ўзинга қилма қамартак зийнат,
 Райрдан ориятинг нур эса ҳам ёзия от.

7

Эй муаллим, олати, тазвирдур ашрора илм,
 Қилма аҳли макра таълими маориф зинҳор!
 Хийла учун илм таълимин қилан муфсидлара,
 Қатли ом учун верар жаллода тиғи обидор.
 Ҳар на тазвир этса аҳли жаҳл анга ўлмаз сабот,
 Макри аҳли илмдур, асли фасоди рўзигор.

8

Баҳил қилмаса жамъ этдиги дирам сарфин,
 Ниҳоли мақсади сарсабз ўлуб самар вермаз.
 Алиндаги гуҳари базл қилмаса мумсиқ,
 Шаби ғамина амал муждаи саҳар вермиз.
 Туганмайинча кавокиб, гунаш тулуъ этмаз
 Тўқилмайинча шукуфа ниҳол бар вермиз.

9

Эйки, андишаи мол ила саросима ўлуб,
 Дуну кун даҳрда ошуфта кечар аҳволинг.
 Жамъ мол айладигинг роҳат учундур, аммо
 Роҳатинг ўксук ўлур ҳар неча ортар молинг.
 Мол чўқ этма, ҳазар айла азобинданким,
 Ранжи ортар офир, ўлдиқча юки ҳаммолинг.

10

Ман субҳу шом дуди дили сўзнок ила
 Бағрин кабоб эдиб, верарам чарха инқилоб.
 Ҳуту ҳамал мадори ила осмон дахи
 Қон уддуриб верар дили сўзонима азоб.
 Дунёда йўқ фароғата уммид, нетақим,
 Қон уддурур нетақим жизкинур кабоб.

11

Илм касбила рутбаи рифъат
 Орзуи маҳол эмиш анжақ.
 Ишқ эмиш ҳар на вор оламда
 Илм бир қийлу қол эмиш анжақ.

12

Ўлса мақсудингча даврони фалак бир неча кун
 Ўлма мағрур, эйки ҳоли даҳр равшандур санга.
 Қотили обову аждодинг муоф этмаз сани,
 Умма андан дўстлиқ расминки, душмандур санга.

13

Келинг, эй аҳли ҳақиқат, чиқалим оламдан,
 Ғайр ерлар кезалим, ўзга сафолар кўралим.
 Сайри гармияти ғавғойи қиёмат қилалим,
 Вазъи жамъияти ҳангомаи маҳшар кўралим.
 Равиши силсилаи даҳр малул этди бизи,
 Неча бир даҳда авзои муқаррар кўралим.

14

Севарам ул нигори сиймбари-
 Ки, жафопешаву ситамгардур.
 Нечақим, анга ишқибозлиғим
 Маъсият ўлдиғи муқаррардур.
 Жавр ила ул мудом манъим эдиб,

Раҳи зуҳду салоҳа раҳбардур.
Қобили ажр ўлурса жаври, нўла,
Амри маъруфу наҳйи мункардур.

15

Неча бир нафс таманноси ила.
Емаку ичмак ўла дилхоҳинг.
Айлаюб зуҳду вараъдан нафрат,
Тоати ҳақдан ўла икроҳинг.
Маъбадинг матбах ўла шому саҳар,
Мустароҳ ўла зиёратгоҳинг
Бунинг учунми ўлубсан махлуқ?
Бумидур амри санга оллоҳинг?

16

Ҳамиша дўстим улдур дерамки, мол вериб,
Қилур табиатими бастаи алоқаи мол.
Ибодати ҳаку касби улум учун мутлақ,
Қўмоз мулоҳазаи забти мол, манда мажол.
Мудом душман анга сўйларамки, молим олиб,
Манга муяссар эдар неъматӣ фароғати ҳол.
Ҳузури қалб верар равнақи ибодати ҳақ,
Фароғи хотир ўлур мўжиби хусули камол.
Фиғонки, дўстими душманимдан этман фарқ,
Қамоли жаҳл ила авқот сарф ўлур маху сол.
Бу жаҳл ила ўзими аҳли маърифат сонурам,
Зиҳи тасаввури ботил, зиҳи ҳаёли маҳол.

17

Эй қозийи хужастолиқоқим, ҳақ айламиш
Соҳиб сарири маснади ҳукми қазо сани.
Жаҳд айлақим, мулоҳазаи нафъ дуняви,
Ҳукми қазода этмая аҳли хато сани.
Мақбули халқ қилмиш экан илму маърифат,
Мардуди холиқ айламоқ иртишо сани.

Зулм ила оқчалар олиб золим
 Айлар инъом халқа миннат ила.
 Билмаз ониким этдиги зулма
 Кўражақдур жазо мазаллат ила.
 Муддаоси буким, ризои илоҳ
 Анга ҳосил ўла бу одат ила.
 Жаннати олмоқ ўлмаз оқча ила,
 Кирмоқ ўлмаз беҳишта ришват ила.

Минг экан қадру қийматинг бир ўлур
 Музтариб ўлса қалбинг, эй ориф!
 Айла таскини қалб ҳосилким,
 Алфи таҳрики қалб айлар алиф¹.

Улдур ғазалки, файзи анинг ом ўлуб мудом,
 Оройиши мажолиси аҳли қабул ўла.
 Вирди забони аҳли сафову сурур ўлуб,
 Мазмуни завқбахш, сариул ҳусул ўла.
 Андан на судким, ўла мубҳам иборати,
 Ҳар ерда истимоин эданлар малул ўла.

Сарфи нақди умр эдиб, ман касби ирфон этмишам,
 Аҳли дунё ҳам камоли жаҳл ила таҳсила мол.
 Даҳр бир бозордур ҳар ким матоин арз эдар:
 Аҳли дунё—сийму зар, аҳли ҳунар—фазлу камол.
 Кимки, мандан нафъ бўлмаз, истаман нафъин анинг,
 Улки, йўқ нафъим анга, нафъи манга ўлмаз ҳалол.
 Истаман нодон манга гар верса ганжи сийму зар-
 Ким, эвазсиз мола нодондан тасарруфдур вабол.

¹ «А л ф» арабча минг демак, «алиф» абжад ҳисоби билан бир (I) дир.

22

Айлаюб нодона арзи фазлу изҳори ҳунар,
 Шармсор этмак ато уммоқ надур зули сариҳ!
 Сан билурсан мужмалан андан на олурсан, вале,
 Билмаз улким олдиғи сандан ҳасандур ё қабиҳ,
 Зоҳиран сотмоқ ҳунар, олмоқ ато, бир байъдур,
 Тифлдур нодон, буюрмаз шаръ анинг байъин саҳиҳ.

23

Ҳар киминг вор эса зотинда шарорат куфри,
 Истилоҳоти улум ила мусулмон ўлмаз.
 Гар қаро тоши қизил қон ила рангин адасан,
 Тобъа тағйир вериб, лаъли бадахшон ўлмаз.
 Айласанг тўтия таълим адоӣи калимот,
 Нутқи инсон ўлур, аммо ўзи инсон ўлмаз,
 Ҳар узун бўйли шижоат эда билмаз даъво,
 Ҳар оғочким, бўй ота сарви хиромон ўлмаз.

24

Эй хато лафзила қуръонинг шукуҳин синдиран,
 Мўъжизи оёти қуръондан ҳазар қилмазмисан?
 Ҳар алиф бир ханжари хунрези буррондур санга,
 Ханжари хунрези буррондан ҳазар қилмазмисан,
 Бир ҳакими комилинг доруш—шифойи ҳикматин.
 Этмак истарсан хароб, ондан ҳазар қилмазмисан?

25

Сан на офатсан манга, эй ақли бад фаржомким,
 Бўлмоқ ўлмаз сурати қурбинда осори нишот.
 Тифллар, девоналар сандан мубарро ўлмоғин,
 Дуняву уқбода бўлмишлар камоли инбисот.
 Иззату зиллатда билмазлар тарийқи имтиёз,
 Ҳиллату ҳирманда чекмазлар азоби аҳтиёт,
 Улки, доим ҳамнишининдур муаззабдур мудом,
 Нетаким таклифа ҳукми шаръ ила сансан манот.
 Ул замонданким санга вердим инону ихтиёр,

Ул замондан кайладим¹ маҳкам санингла иртибот.
Ўлмаюб холи ғаму андуҳдан қабрим эви.
Хор бастардур манга пайваста, хокистар бисот.
Ўлмояйдим кошки, ҳаргиз санингла ҳамнишин,
Қилмояйдим кошки, мутлақ санингла ихтилот.

26

Эй хожа, гар қулингдан ўғуллиқ мурод эса,
Шафқат кўзила боқ анга доим ўғул киби.
Вар ўғлиинги диларсан ўла соҳиби адаб,
Албатта айла зиллата мўътод қул киби.

27

Эй вазири мулкпарварким низоми мулк учун,
Интиҳоб этмиш жамийй халқдан султон сани.
Ҳаллу ақдин оламинг қилмиш муфавваз раъйинга,
Ноиби ҳукми хилофат айлаюб даврон сани.
Қил ҳазарким, ўлмая ногаҳ мизожинг мунқалиб,
Қилмая сармаст, жоми шавкати девон сани.
Ўласан инсоф учун мансуб экан аҳли фасод,
Эда дин аҳлина офат қиллати иймон сани.
Этмая маъмураи исломи вайрон, кандуя
Аъзами аъвону ансор айлая шайтон сани.
Этмиш экан афзали халқи жаҳон иқбол ила,
Арзали аҳли жаҳаннам айлая субхон сани.

28

Эй ки, оламда муҳаббат одини мазмун эдиб,
Ҳар замон бир моҳ рухсоринг ўлурсан моили.
Кечди умринг шоҳиди мақсад жамолин кўрмадинг.
Шоҳиди мақсад соғинмиш, сан арода ҳоили.
Ориф эсанг тута кўр сарриштаи файзи бақо,
Тарк қил бу сурати фонию нақши зоили.

¹ Ки айладим.

29

Даҳр бир селобдур мулҳак адам дарёсина,
Бизки, саргардониз, ул селоба душмиш хору хас.
Чиркиноур хору хас ул селоб ўлдиқча равон,
Етмадан дарёя роҳат мумкин ўлмаз бир нафас.

30

Кафи ҳирсила доим домани дунёйи дун тутсанг,
Замона шўрбахт айлар сани пайваста дарётак.
Мулаввас ўлмаюб, тажрид ила чиқсанг бу оламдан
Сани золи фалак хуршида жуфт айлар Масихотак.

31

Эй гўзал, зотинг маориф бирла рангин эда кўр,
Хатти мушкин пардаи рухсор гулгун ўлмадан.
Сухбати арбоби илму маърифатдан касб қил,
Хусни сират сурати ҳолинг дигаргун ўлмадан.
Жаҳд қилким, кўрмая хуршид рухсоринг завол,
Нур файзиндан ҳилоли қадринг афзун ўлмадан.

32

Алингдан оҳлар, эй ахтари бахти сиёҳимким,
Мани халқ ичра олиқадр экан, ғоятда хор этдинг.
Қилиб хуршиди хирмон матлаи уммид гардундинг,
Вужудимдан мисоли соя салби эътибор этдинг.
Саводи дийдами мутлақ баёзи айна дўндирдинг,
Баёзи ҳусни ҳолим холи рўйи рўзигор этдинг.

33

Эй кўнгил, мутлақ ибодат қилмаюб умринг тамом
Айладинг савдойи зулфи ҳар пари рухсора сарф.
Соч оқарди, кел, етар миръоти бахтинг тийра қил,
Умрдан бир дамки, қолмиш айла истиғфора сарф.

Хирадманде ки, доим олами илм ичра сайр айлар,
Асолиби фунуни шеърдан албатта гофилдур.
Мазоқи шеър ҳам бир ўзга оламдур, ҳақиқатда
Ики олам мусаххар айламак ғоятда мушкилдур.

Подишоҳи мулк динору дирам ришват вериб,
Фатҳи кишвар қилмоға айлар муҳайё лашкари.
Юз фасоду фитна таҳрикила бир кишвар олур
Ул дахи осори амну истиқоматдан бари.
Гўстаран соатда даврони фалак бир инқилоб
Ҳам ўзи фони ўлур, ҳам лашкари, ҳам кишвари.
Кўр на султонам мани—дарвишким, файзи суҳан
Айламиш иқболими осори нусрат мазҳари.
Ҳар сўзим бир паҳлавондурким, бўлур таъйиди ҳақ,
Азм қилдиқча тутар тадриж ила баҳру бари.
Қандаким, азм этса, марсуму мавожиб истамаз,
Қонси мулки тутса, тегмаз кимсая шўру шарри.
Паймомал этмаз ани осибии даври рўзигор,
Айламаз таъсир анга даврони чархи чанбари.
Қилмасун дунёда султонлар манга таклифи жуд
Басдурур бошимда тавфиқи қаноат афсари.
Ҳар жиҳатдан форигам, оламда ҳошоким, ўла
Ризқ учун аҳли бақо, аҳли фанонинг чоқари.

Садои най ҳаром ўлмаз дединг, эй сўфийи жоҳил,
Ела вердинг хилофи шаръ ила номусин ислонинг.
Бу андом ила важдиятдан дам урмоқ истарсан,
Илоҳи, най каби суроҳ-суроҳ ўлсун андоминг.

Муттасил маърифат аҳлини оёқлара солиб,
Фалаки суфла қилур меҳнату ғам помоли.
Улки жоҳилдур эдиб жумла муродин ҳосил,

Эътибор ила қилур маснади қадрин оли.
Бу сабабдан билурамки, бу жаҳон авратдур,
Авратинг буйладур авлоди ила афъоли.
Улу авлоди кесар суддану таъдиб верар,
Суд вериб лутф ила боғлар бешия атфоли.

38

Ёқами панжаи тахвифи раҳи шаръ тутар,
Домани маърифати аҳли риёсат тутсам.
Чанги ифлос тутар ойинаи роҳатими
Тарки ҳукком қилиб, кунжи қаноат тутсам,
Ҳеч ҳолатда бўлинмас асари роҳати дил
Улурам музтарибул ҳол на санъат тутсам.

39

Дўғрулиғ ила иста улувви мақомким,
Келдикча ҳолинга вера даври фалак ривож.
Дўғрулиғ ила ҳарфлара садрдур алиф
Ё ҳарфини оёға буроқмишдур эъвижож.
Дўғрулар ила кезки, сани сарбаланд эда,
Эгрилар ила айлама албатта имтижож.
Ё ихтилоти ила сарир ўлди поймол,
Бошда мақом тутди алиф нусратила тож.

40

Муддаи айлар манга тақлид назму насрда
Лек номарбут алфозу мукаддар зоти вор.
Паҳлавонлар бодполар сакраданда ҳар ёнга
Тифл ҳам жавлон эдар, аммо оғочдан очди вор.


41

Ул сабабдан форси лафзила чўқдур назмким,
Назм нозик турк лафзила экан душвор ўлур.
Лаҳжаи турки қабули назми таркиб этмаюб
Аксаран алфози номарбуту ноҳамвор ўлур.

Маңда тавфиқ ўлса бу душвори осон айларам,
Навбаҳор ўлғоч тикандан барги гул изҳор ўлур.

42

Саъду наҳс аҳволини қилсанг мунажжимдан савол,
Муқтадои маърифат Буржису Кайвондур анга.
Айласанг раммолдан тафтиши ҳоли неку бад
Муршиди роҳи яқин иблису шайтондур анга.
Нуқтаи ашқолу рамли сайри ажроми нужум
Кима раҳбар ўлса, файзи ақл бўҳтондур анга
Билмиш улким, ҳар на содир ўлса зишту хўбу бад
Мазҳари бир илмдурким, ақл ҳайрондур анга.



рубойлар



1

Эй файзи вужуд, шоҳиди жуд санга,
В-эй шоҳиди жуд, ҳар на мавжуд санга.
Уммиди қабулу эътимоди Караминг,
Мардудини этмиш яна мардуд санга.

2

Эй зотинга мумкинот бурхони вужуб,
Собит санга имтинои имкони уюб.
Шойистаи неъматии ҳаёти абади,
Арвоҳи маорифингла абдану қулуб.

3

Эй уқдакушойи аҷаму турку араб,
Рассоми русуми фазлу осори адаб!
Мазмуни ҳадисинг сабақи ҳар миллат
Даъвои қабулинг санади ҳар мазҳаб.

4

Хуш улки, дами ажал чекам бодаи ноб,
Сармаст ётом қабрда то рӯзи ҳисоб.
Ғавғои қиёматда дурам масту хароб,
На фикри ҳисоб ўлай, на идроки азоб.

5

Соқий, карам эт, шароби гулфом юрит!
Гулфом шароба верма ором, юрит!
Базм ичра ҳубоби ашки гулгунимдан,
Минг жом юритма, жом учун жом юрит.

6

Жонимда ўлан заҳираи нутқи ҳаёт,
Жисмимда ўлан жавҳари ҳусни ҳаракот;
Сарф ўлмади хўблар раҳи ишқинда,
Афсуски беҳуда кечирдим авқот.

Таъмири бақову жамъи мол этдинг, тут!
 Ҳар орзу этдингса анга етдинг, тут!
 Чун умр бақосина тутулмаз уммид,
 Ҳар ҳол ила келдигинг киби кетдинг, тут!

8

Дерларки қилур ғунча лаби ёр ила баҳс,
 Гулбарги тар ул лаъли гуҳарбор ила баҳс.
 Ул бир неча дилсизлара тухмадур бу,
 Даъвоя керак лаҳжаи гуфтор ила баҳс.

9

Эй меҳри рухинг қадиму олам ҳодис!
 Изҳори вужуда кашфи розинг боис!
 Кечди сари кўйингда икки оламдан
 Ли байна мақомийн мақомун солис¹.

10

Хайли ғаминг этди нақди сабрим тораж,
 Сабр ила муяссар ўлмади дарда илож.
 Рухсорима тўқди мардуми чашмим қон,
 Ҳиндуйи кўринг лаъл верур Рума хирож.

11

Эй фоидаи илмингга олам муҳтож,
 Хоки қадаминг аҳли ҳунар бошина тож.
 Ҳар кимдаки, кўрди ҳимматинг сўи мизож
 Ул сўи мизожа қилди лутф ила илож.

12

Эй шарбати васлинг алами ҳажра илож
 Бозори ғамингда ишқ нақдина ривож.
 Гар тутса ҳадангинг раги жоним на ажаб,
 Набз ила қилур табиб ташхиси мизож.

¹ Маъноси: Икки мақом орасида учинчи мақом йўқдир.

13

Эй зикри лабинг носихи анфоси Масих!
Нутқинг «ана афсах»¹ калимотин да фасих.
Изҳори қабулинг асари лутфи хафи
Ихфойи раҳи шариатинг зулми сарих.

14

Тутдиқча ала соғари саҳбойи сабуҳ,
Ортар асари завқи дилу роҳати руҳ.
Тугёни ғама муфиддур заврақи май,
Тўфон хатаринда ўйлаким, киштии Нуҳ.

15

Гул даври хуш улким, тута гулфом қадаҳ,
Базминда дами тутмая ором, қадаҳ,
Ҳар субҳки, хуршид сифат қолдира бош,
Базмин беаюб, кездера то шом қадаҳ.

16

Май шавқи ўлубдур манга одат, эй шайх!
Келдикча бу шавқ ўлур зиёдат, эй шайх!
Хушдур манга май, санга ибодат, эй шайх!
Раъй ила дагил ишқу иродат, эй шайх!

17

Гар қўйинга ашким гузар айлар густох,
Вар қаддинга чашмим назар айлар густох,
Айб айлама ранги чехраи зардими кўр-
Ким, чўқлари оламда зар айлар густох.

18

Бир обу ҳаводур ашки гарму дами сард-
Ким, андан олур нашъу намо гулбуни дард.
Гулзори ғаминг бинафшаву ёсумани,
Дуди дили ошуфтадиру чехраи зард.

¹ Мен чиройли сўзликман.

19

То даврдадур доираи кавну фасод,
 Мумкин дагил ўлмоқ ҳаракотиндан шод,
 Тоси фалак ичра каъбатайни анжум,
 Гўстармаз эмиш ҳеч кима нақши мурод.

20

То маҳмили меҳрдур бу зангори маҳд,
 Меҳрингла вафо аҳлинадур маҳкам аҳд
 Бирдур биза базмгоҳи ишқингда фалак,
 Гар қаҳрила заҳр верса вар лутфила шаҳд.

21

Ҳар ердаки, ул сиймбару сиймин ҳад,
 Арз айлая ораз, оча сунбул, чека қад;
 Ранги гулу бўйи сунбулу жилваи сарф,
 Ҳукм айламазамким ўла мақбули хирад.

22

То бўйнима солди ул хама зулф каманд,
 Тадбир ила очилмади бўйнимдан банд.
 Чўқ панд верилди, ўлмади фоидаманд,
 Етмазми манга панд веран халқа бу панд.

23

Дафъи ғами рўзигорадир бода муфид,
 Рафъи алами ишқа рухи сода муфид.
 Тарки маю маъшуқдур ул иллатким,
 Улмаз анга ҳеч нашъа дунёда муфид.

24

Эй шаҳди лабинг сўзи шакарвор лазиз!
 Лаълинг киби қанда бир шакар вор лазиз.
 Тунги шакар ўлмасайди дуржи даҳанинг
 Улмазди чиқан лаҳжаи гуфтор лазиз.

25

Ғар меҳнати касрдур ва ғар неъмате сабр,
 Сабр ила қаноатда керак муслиму ғабр.
 Ғар неъмате меҳнатки верарсан, ёраб!
 Вер неъмате бир қаноату меҳнате сабр.

26

Ғар дам манга ёр арзи рухсор айлар,
 Хуснила мани бағар ғарифтор айлар,
 Ғўёки, камоли ишқ дарсин ўқидур,
 Ғардам манга таълимине такрор айлар.

27

Ғажринг жигарине ғар киминг қон айлар,
 Тадриж ила васлинг анга дармон айлар.
 Зулфинг кибиким, муддат ила кофир эди,
 Лаълинг ани бир дамда мусулмон айлар.

28

Ғар дилки, асири ғами ҳижрон ўлмаз,
 Шойистаи завқи васли жонон ўлмаз.
 Ғар дардқи вор, вор дармони, вале
 Бедардларинг дардина дармон ўлмаз.

29

Биз олами ишқ оламоролариюз,
 Майхонаи дард дурдпаймолариюз.
 Ғулбарги надомат чаманидур олам
 Биз бу чаманинг булбули шайдолариюз.

30

Кимдурки, ғамингда нолаи зор этмаз,
 Дардин санга нола ила изҳор этмаз.
 Фарёдина ҳеч кимсанинг етмазсан
 Фарёдқи, фарёд санга кор этмаз.

31

Жонон эса матлуб, тамаъ жондан кес!
Матлуб эса жон, умид жонондан кес!
Жон севмак ила муяссар ўлмаз жонон,
Е бундан умид, ё тамаъ андан кес!

32

Сўзи дилим ашки ордан айла қиёс,
Андуҳими заъфи ҳолдан айла қиёс.
Хуршидки, ҳуснингла қилур баҳси камол,
Тарки адабин заводдан айла қиёс.

33

Адвори замон доираи ҳайрат эмиш,
Асбоби жаҳон маҳолику меҳнат эмиш,
Дунёя ҳавас этмамак этмақдан як
Чун аввали ҳирсу охири ҳасрат эмиш.

34

Кўйингда санинг на тошаким, урдим бош,
Қилдим ани ғарқи хун тўкиб кўздан ёш.
Кўз ёшина раҳм айлаки, чўқ муддатдур,
Бедодинга сабр эдиб босар бағрина тош.

35

Эй касби камола эътиқодинг ноқис,
Таҳсили камола ижтиҳодинг ноқис!
Ор этма талабда, қил ҳазар анданким,
Комиллар ичинда ўла одинг ноқис.

36

Хуш улки, қилиб раҳбари сидқин ихлос,
Хилватгаҳи қурба ўла ихсол ила хос.
Саррофи вафо бўтаи таъдиба солиб,
Ҳар ғашдан эда мисси вужудини халос.

37

Эй бод, қил аҳволими жононима арз!
 Саргашталигим сарви хиромонима арз!
 Ҳлдрди киноятила агёр мани
 Бу зулми сариҳи айла султонима арз!

38

Эй жавҳари ишқинг асари жисму араз,
 Йўқ ошиқа сандан ўзга оламда ғараз.
 Чун билдинг асрингам тараҳҳум қил ким,
 Тадбир керак, мушаххас ўлдиқда мараз.

39

Зоҳид, майи нобдандур икроҳ ғалат!
 Сан хоҳ сўзим саҳиҳ тут, хоҳ ғалат.
 Масжидлара кирдигим дагил рағбатдан,
 Сармастлигимдан айларам роҳ ғалат.

40

Доғ урма дили ҳазина, эй мушкин хат!
 Гар моили ҳусну хаттсан, қилма ғалат!
 Ким, айламамиш котиби девони қазо,
 Дил ҳарфларин қобили тазйини нуқат!

41

Май нафйини айлаюб шиор, эй воиз!
 Тутдинг раҳи таъни ишқи ёр, эй воиз!
 Тарки маю маҳбуб эдариз жаннат учун,
 Шарҳ айлаки жаннатда на вор, эй воиз!

42

Таҳдид ила кечди рўзигор, эй воиз!
 Фавт ўлди шаробу васли ёр, эй воиз!
 Гар кавсару ҳур эса ғараз, верма азоб,
 На тарк буюр, на интизор, эй воиз!

43

Эй васфи жамолинга таҳайюр монё,
Вермиш санга исботи камолинг сонё;
Васлингда жафои таънаи агёринг
Ҳажрингда мани хаёла этмиш қонё.

44

Парвоная зулми беҳисоб айлар шамъ,
Зулм ўдина бағрини кабоб айлар шамъ,
Гўёки, билур зулм саранжоми надур,
Беҳуда дагилки, изтироб айлар шамъ.

45

Ҳар шом етар висоли жонона чироғ,
То субҳ қолур ҳамдаму ҳамхона чироғ,
Рашк ўдина ёндирди мани ҳар соат,
Ваҳм айламаз оҳим ўдина ёна чироғ.

46

Ҳар гаҳки, баҳор қилди оройиши боғ,
Навмидлик урди лолаваш бағрима доғ,
Зеро тикан узра тутди булбул маскан,
Гул бод гузаргаҳинда ёндирди чироғ.

47

Йўқ даҳрда бир мувофиқи табъ хариф
Ким, суҳбати дилкушо ўла, табъи зариф.
Фарёдки, ножинс мусоҳиблар ила,
Бефоида зоеъ ўлди авқоти шариф.

48

Ман зуҳду вараъдан урмазам лофи хилоф,
Доим рухи сода истарам бодаи соф
Тарки маю маҳбуб эда билман мутлақ,
Гар этмак ўлур дерам, зиҳи беҳуда лоф.

368

Эй новаки бедодинга ҳар сийна ҳадаф!
 Вай жавҳари пайқонинга ҳар дийда садаф!
 Фарёду фиғоним ғами ҳижронингдан
 Базми ғамдур, нолаи най, навҳаи даф!

Эй солики роҳи ҳақ, санга қатъи тарийқ,
 Душвордур ўлмазса рафиқинг тавфиқ.
 Тут домани муришд таваккулки, санга
 Мақсуди муяссар ўла, тавфиқ рафиқ.

Сарманзили ҳар мурода раҳбардур ишқ,
 Қайфияти ҳар камола мазҳардур ишқ.
 Ганжинаи коинота гавҳардур ишқ,
 Ҳар содир ўлан нашъая масдардур ишқ.

Ушшоқа дагил қайди алойиқ лойиқ,
 Ҳаргиз ғами рўзигор чекмаз ошиқ.
 Қайди ғами рўзигор бир иллатдур,
 Ул иллата ишқдур табиби ҳозиқ.

Мажнун ўда ёнди шўлаи оҳ ила пок,
 Вомиқ суя ботди ишқдан ўлди ҳалок.
 Фарҳод ҳавас ила ела верди умрин,
 Хок ўдилар онлар, манам эмди ул хок.

То ҳалқай зулфи ёра душдинг, эй дил!
 Доми ғами рўзигора душдинг, эй дил!
 Афсуски қутби аҳли жамият экан.
 Ул доирадан канора душдинг, эй дил!

Хуршидки, қилди субҳдан арзи жамол,
 Даргоҳинга юз сурмак ила бўлди камол.
 Чун етди камола, этди сан моҳ ила баҳс,
 Ул тарки адаб верди камолина зовол.

Маҳ дурди муқобил санга бўлдиқда камол,
 Қўрдики, ўзинда санча йўқ ҳусну жамол.
 Бир ғоята етди инжалиб ғамдан ким,
 Заъфи баданила бадр экан ўлди ҳилол.

Эй уқда кушойи риштаий тадбирим!
 Ҳар тоата афвинг сабаби тақсирим.
 Тақсирима этма ўзга тақдири жазо,
 Шармандалигим етар маним таъбирим.

Қад анқазани давоми дои доим
 Моли жасадун алал масои қоим.
 Ё лоиму-лў вақаъта фимо ана фиҳ,
 Валлоҳи ланосаҳта ва лумтал-лоим¹.

Ҳамдам, кўр оқон сиришки олими маним.
 Тутмиш рухи каҳрабо мисолими маним.
 Биллоҳ ери ул гулруха арз айлая кўр
 Бир ранг ила бу сурати ҳолими маним.

Афғондур ишим сарви хиромонинг учун,
 Қондур жигарим ғунчаи хандонинг учун.

¹ Маъноси: Доимий касаллик менинг давомимни бузибди, Заҳматларга чидовчи жасад маңда қолмади. Эй мени масҳара қилган, сен агар менинг ҳолимга тушиб қолсанг эди, худога онд ичаман, насиҳатни қўлоғингга олмай масҳара қилганларни масҳара қилардинг.

Ишқингда ғаму ғусса чекиб пир ўлдим,
Ман пира тараҳҳум эт йигит жонинг учун.

61

Эй ғойиб ўлан дийдаи хунборимдан!
Вай роҳат ўлан сийнаи афгоримдан!
Ман ворими йўқ санингчун этдим, на раво,
Сан тутмаясан хабар йўқу воримдан.

62

Хуноба тўкиб дийдаи гирёнимдан,
Сансиз бўядим ер юзин ўз қонимдан.
Ўз қоними айларам ўзимла даво
Кетмазса алим нўла гирибонимдан.

63

Қаддина дедимки, сарви бўстондур бу!
Тунд ўлдики: Эй хаста, на ҳадёндур бу?
Побаставу уру безабондур дедигинг,
Хандону қабопўшу хиромондур бу!

64

Дедим лабина:—Лаъли Бадахшондур бу!
Кулди, деди:— Эй фақир бўҳтондур бу!
Бир тоша на ранг ила қилурсан нисбат,
Ширину шакар фишону хандондур бу!

65

Ёндирди мани шавқи жамолинг, эй моҳ!
Ҳар лаҳза ажаб дагил етирсам кўка оҳ!
Зулфинг гиреҳи чиқди олимдан ногоҳ,
Кўр ким, на жафо этди манга бахти сиёҳ.

66

Рухсора сари зулфи паришон айла!
Кўздан гули рухсоринги пинҳон айла!
Бир неча паришонлари ўз ҳолина қўй,
Ҳар лаҳза етар қасди дилу жон айла!

67

Мужгоними, эй шамъ, гуҳарбор этма!
Пинҳон ғамими олама изҳор этма!
Ишқ аҳлина зулмдур вафо айламамак,
Зинҳор, бу зулми этма, зинҳор этма!

68

Рухсоринга айб этма нигоҳ этдигими,
Кўз ёши тўкиб нолаву оҳ этдигими.
Эй подишаҳи ҳусн, тараҳҳум чоғидур!
Афв айлаки билмишам гуноҳ этдигими.

69

Фарёдки, ишқ беқарор этди мани,
Дарду ғам ила зору низор этди мани.
Хоки сари кўйинда ғубор этди мани,
Саргаштаву хору хокисор этди мани.

70

Кўрдим сани, алдан ихтиёрим кетди,
Боқдим юзинга, сабру қарорим кетди.
Хок ўлдиму ҳар ёнга ғуборим кетди,
Алқисса, қопингда эътиборим кетди.

71

Рангим гули заъфарона дўнди сансиз,
Қаддим хам ўлуб камона дўнди сансиз,
Қурбонинг ўлум, агар ситамдур басдур,
Паймонам алимда қона дўнди сансиз.

ЛУҒАТ

А

- Абдон* — танлар (бирлиги бадан).
Або — жундан тўқилган қўшол тўн; енгсиз тўн.
Абсам — лол, соқов бўл.
Авр — яланғоч.
Адвор — даврлар, замонлар, айланишлар, доиралар.
Адён — динлар (бирлиги дин).
Ажзо, *ажз* — 1) кучсиз, заиф, заифлик; 2) тана бўлаклари.
Ажр — муқофот, эваз.
Алойиқ — алоқалар.
Аллома — ўткир олим, билими кенг олим.
Алфоз — ифода, сўзлар (бирлиги лафз)
Амал — 1) орзу, тилак (қўплицги омор); 2) иш, ҳаракат, амал; 3) мансаб.
Амаж — тўлқинлар, долғалар (бирлиги мавж).
Амвог — ўликлар, мурдалар.
Амин — тинчлик, роҳатлик.
Амин — ишончли, омонатли яхши сақловчи.
Анжум — юлдузлар, нажим-юлдуз.
Анроз — касалликлар, маразлар.
Анруд — нок, олмурут.
Анодил — булбуллар (бирлиги андалиб).
Анбиё — пайғамбарлар
Андуд — сувалган, зар қопланган деган маъноларда келади.
Ансор — ёрдам берувчилар, кўмакчилар.
Анфос — нафаслар (бирлиги нафас).
Анқазо — сўнг, охир.
Анқариб — тездан, тез фурсатда.
Ар — агар (агарнинг қисқаргани).
Арбов — аҳлар; эгалар.
Арвоҳи кудс — пок руҳлар.
Арзал — энг разил, энг паст, олчоқ.
Асолиб — услубнинг жамъи, услублар.
Асрор — сирлар, яширин сўзлар.
Афзо — ортдирган, сўз бирикмасида ортирувчи маъносида келади. Масалан: рухаф-зо — жонга қувват берувчи.
Афсар — тож.
Афсурда — музлаган, сўлгин, жонсиз.
Ашқбор — кўз ёши тўккан, кўп йиғлаган.
Ашқол — шакллар, навълар (бирлиги шакл).
Аҳрон — яқин кишилар, тенгдошлар, тенгқурлар.
Аҳд — тириклар (бирлиги ҳай).

Б

- Баёз* — оқ, оқлик.
Баёзи айн — кўзнинг оқи.
Баид — йироқ, узоқ.
Байъ — олди-сотди, байлашиш.
Байдаҳ — шахматнинг пиёда донаси.

Банот — *ин* наъш — сунбула буржи. Луғавий маъноси: наъш қизлар; Шимолий қутб-даги етти юлдуз, уларнинг тўрттасини наъш, учтасини банот дейилади.

Бар — мева.

Бари — чет, узоқ.

Баҳоим — тўрт оёқли ҳайвон.

Беш — кўп, ортиқ, ошиқча.

Беҳбуд — 1) соғлиқ, сиҳат, яхшилик, 2) фойда.

Беҳжат — гўзаллик, шодлик.

Бедаранг — тўхтовсиз, тезлик билан.

Беҳудагард — овора-сарсон бўлиб юрган.

Бистар — ётоқ, тўшак, ўрин-бош.

Биҳор — дарёлар, денгизлар (бирлиги баҳр).

Болиғ — нафис, тўлиқ ифодали.

Бурудат — совуқлик.

Буқъа — бино, жой, ер, шаҳар, сарой.

Буқаламун — 1) турланиб, турли шаклга ўтиб туручи ҳайвон; 2) мажозий маъноси вафосиз, ўзгарувчи.

В

Вабол, вубол — айб, камчилик, оғирли, қийинчилик, увол.

Вадият — шавқ-завқлар, ҳаяжонга тушиш.

Варағ — ўзини тийиш, ларҳез қилиш.

Ваш — каби, дек маъноларида (сўз бирикмасида келади).

Вобаста — боғланган.

Вожгун — терс, тескари, чаппа.

Возиқ — ошкор, очиқ, равшан.

Вужув — лозим, керак, шубҳасиз.

Вузуз — ойдин, ошкор, очиқлик, равшанлик.

Вухуш — ваҳший, ёввойи ҳайвонлар.

Г

Газоф — 1) асоссиз, бемаъни, беҳуда; 2) беҳад, беҳисоб.

Гами — кема.

Ганжина — қийматли тошлар тўпланган жой, хазина, дафина.

Гиреҳ — тугун, қийин, чигал.

Гитий — олам, жаҳон ойнаий гитийнамо — жаҳонни кўрсатувчи ойна.

Гулбун — гул дарахти, гул тупи.

Гулгашт — гул сайри.

Гулгун — гул рангли, пушти ранг, гул юзли.

Густоҳ — адабсиз, андишасиз, тортинмайдиган.

Д

Даввор — давр этувчи, айланувчи (бирлиги давр).

Дайжур — энг қоронғи кеча, қоронғилик.

Даллоҳ — ходимчи, ходимгар.

Дариғ — афсус, ҳайф.

Дарҳаг — 1) чапишган, чирмашган; 2) тартибсиз; 3) титилган, ўйилган.

Дастомуз — қўлга ўргатилган, ром қилинган.

Даҳойиқ — нозик маънолар (бирлиги дақиқ).

Дирафш, дарафш — 1) чақмоқ ярқироқ; 2) бигиз; 3) уч бурчакли зийнатли байроқча.
Дишира — ташқари.
Дойи — истовчи, талаб қилувчи, хоҳловчи.
Доман — этак, ўнгир.
Дорул-амон — омонлик-тинчлик уйи, қўрқинчсиз уй.
Доруссалом — Бағдоднинг иккинчи номи.
Дур — узоқ.
Дурр — инжу, марварид, дурри самин — қийматбаҳо дур.
Дурри ятим — йирик, садафда якка ўзи етишган дур.

Ж

Жабин — пешана, манглай.
Жавшан — совут, зирҳ.
Жадал — тортишиш, мунозара қилиш, жанжал.
Жангор — урушқоқ, жанговар.
Живор — қўшни ер, яқин ер, ён, атроф.
Жийфа — ўлимтик, ўлимтик мол, ҳаром мол.
Жовид — абадий, доимий, мангу.
Жозиб — жазб этувчи, ўзига тортувчи.
Жул — отнинг ёпиғи.
Жуллоб — гул суви, гулоб, гул сувидан бўлган шарбат.
Жунбуш — қимирлаш, ҳаракат, қўзғалиш.
Журға — бир ютум, бир қултум.
Жуғд — бойқуш.
Жўлида — қоришиқ.

З

Зажр — 1) қийнаш, азоблаш; 2) манъ этиш.
Замир — 1) кўнгил, қалб, дил; 2) яширилган фикр; мазмун ўй.
Зарнигор — олтин суви билан нақшланган.
Зарқ — ҳийла, алдов, мунофиқлик.
Заҳира — эҳтиёт қилиб сақланган нарсалар.
Зевар — безак.
Зихи — яхши, жойида, гўзал, қандай яхши!
Зийдат — ортик.
Зоир — зиёратчи.
Зухд — тарки дунё қилиш, тоат билан шуғулланиш.
Зухҳод — зоҳидлар.
Зулнор — мусулмонлар юртидаги христианларнинг мажбуран белга боғлаб юрадиган чилвирлари.

И

Ибром — бирор иш тўғрисида қаттиқ туриб олиш; бир ишни бир одам бўйнига қўйиш.
Ибтиҳож — шоддик, севинч.
Ижтинов — чекиниш, узоқлашиш, сақланиш.
Изад — (йизад) — тангри, худо.
Издиёд — кўпайиш, ортиш.
Изор — ёноқ, юз.
Илзом — мулзамлик, енгилиш, қарши чиқмаслик.

Имгизож — аралашин, қоришин.
Имгило — 1) тўлиш; 2) овқат сингдиролмаслик касали.
Имгино — манъ қилиш, рад этиш, чекиниш.
Инбисот — шодлик, хурсандлик.
Интиқол — кўчиш; ўлиш.
Ингисов — нисбат, таалуқ, тегишли.
Интиқо — ниҳоят, сўнг, охир.
Инфиол — ҳижолат бўлиш, уялиш.
Инқо — хабар еткизиш.
Иртифоз — юксалиш, парвоз этиш.
Иртишо — пора олиш.
Иршод — раҳбарлик қилиш, йўл кўрсатиш.
Истехқоқ — хизматга қараб ҳақ олиш.
Истимов — эшитиш, тинглаш.
Итгисол — битишиш, етишиш, бирикиш, туташин.
Ихфо — сир, яшириш, махфий.
Иқд — марварид шодаси, боғлаш.

Қ

Қабъода — янги ўрганувчиларга махсус таълим ёйи.
Қабуд — кўк ранг.
Қавқаб — юлдуз (қўплиги кавокиб).
Қавн — борлик, дунё, мавжудлик.
Қаж — тескари, эгри, қинғир.
Қалим — Мусонинг лақабидур.
Қалимот — сўзлар (бирлиги калима)
Қандуз — ўзи.
Қароҳат — жирканч, ярамас.
Қаркас — ўлмитик ейдиган, узоқ умр кўрувчи қуш, қузғун.
Қизб — ёлғон.
Қилк — қамиш қалам.
Қамаҳт — тери.
Қисват — либос, кийим, уст-бош.
Қишти — кема.
Қозиб — ёлғончи.
Қоқ — 1) қаср, сарой; 2) сомон.
Қунд — ўтмас, ўтмайдиган.
Қўҳқан — тоғ қазувчи — Фарҳод

Лавҳ — лавҳа — 1) саҳифа; 2) ёйиқ нарса; тахта, ёзув тахтаси; 3) равшанлик;
Лаз — уриш, янчиш, зарба.
Ливо — байроқ, туғ.
Ломев — ялтироқ, порлоқ, нур берувчи.
Лўғлўғи хушқноб — энг порлоқ, яхши марварид.

М

Маъбад — ибодат уйи, ибодатхона;
Мабоҳий — фаҳрланувчи.
Маваббат — дўстлик.

Мадорис — мадрасалар (бирлиги мадраса).
Мадани — мадинали, мадина аҳли, шаҳарли.
Мадово — даволаш.
Мадфан — қабр, гўр.
Мажмар — мушк, анбар каби хушбўй нарсалар тутатиладиган идиш.
Мазохир — бирор нарсанинг зоҳир, пайдо бўладиган ерлари (бирлиги мазҳар)
Майхада — майхона.
Мокхи — макка аҳли.
Макнун — яширилган, махфий.
Мамлу — тўлик, тўлдирилган.
Манзила — эътиборга олинган.
Маноҳий — манъ қилинган ишлар.
Мансуба — қурилган, барпо этилган иш; 2) ўйин.
Маол — 1) маъни, мазмун; 2) охир, натижа, оқибат.
Марбут — алоқа, боғланган, боғли.
Мардуд — қувилган, рад этилган.
Мардум — халқ, одамлар, кишилар, кўз қорачиғи.
Марсун — 1) чизилган; 2) расм қилинган.
Масдар — маншаъ, бир нарсанинг чиққан ери.
Маъсият — гуноҳ.
Маснад — 1) тахт; 2) *суялчиқ*; 3) *юксак ўрин*.
Мафтуҳ — очилган.
Махуф — қўрқинчли, ваҳимали.
Маишкур — шукур қилинган, ташаккур этилган.
Маирав — табиат, характер, одат, хулқ, хосият, равиш.
Маируҳ — шарҳланган, изоҳ этилган.
Мақосид — мақсадлар, ниятлар (бирлиги мақсад).
Мақтуъ — 1) ўлдирилган, қатл этилган; 2) кесилган, 3) ўлчовсиз.
Маҳд — 1) бешик; 2) кажава.
Маҳфил — 1) тўпланадиган ер; 2) жой, манзил.
Маҳфуз — 1) сақланган, қўриқланган; 2) хотирга олинган, ёдланган.
Мидод — 1) сийёҳ; 2) қоралик, курум, дуд, довот.
Минқор — қуш тумшуғи.
Минҳож — катта, равшан йўл, қутулиш йўли.
Мирвог — ойина, кўзгу.
Мифтоҳ — калид, очқич.
Моз — сув.
Моодо — ундан бошқа.
Мосиво — бошқа... дан ташқари каби маънода.
Моҳтов — ой нури.
Муалло — юксак, баланд, аъло.
Муарриф — таъриф қилувчи, билдирувчи, танитувчи.
Мубарро — пок, соф, тамиз, холи, озо.
Мубдиз — 1) ихтирочи, янгиллик ўйлаб топувчи; 2) динда бидъат йўлини тутувчи.
Мубоҳис — баҳслар.
Муваҳҳид — худони бир билган.
Муддаи — даъвогар, даъво қилувчи рақиб.
Мужарраб — синалган, тажрибадан ўтган.
Мужаррад — 1) ялонғоч, холи; 2) озо, якка, ёлғиз бош; 3) уйланмаган бўйдоқ.
Мунгим — неъмат берувчи, ризқ берувчи.
Мунтахаб — танланган, сайлаб олинган.
Мунқалиб — ўзгарувчи, буқаламун.
Муолиж — илож қилган, даволаган табиб.
Мурорих — тортишувчи, мунозара қилувчи.

Муоф — афв этилган, гуноҳи кечирилган.
Мусаххар — истило этилган, ўзига қаратилган.
Мустаор — қабул бўлган.
Мусзаф — 1) китоб, рисолаалар тўплами; 2) қуръон.
Мутгаҳи — парҳезкор, тақводор, гуноҳдан сақланувчи.
Мутобез — тобей бўлмоқ.
Муфавваз — ишонилган.
Муфсид — 1) фитна-фасоҳчи 2) зарарли, бузувчи.
Мушавваш — ташвишли, бесаранжом, кўнгли паришон.
Мушаххас — равшан бўлган.
Муқаввас — ярим доира, ёй шакли, камалакка ўхшаш.
Муқаддар — тақдирдаги, илгаридан тайин этилган.
Муқорин — яқин турган, ёнма-ён.
Муҳаббис — сўзловчи, ҳикоячи, ҳадис билувчи.
Муҳаққар — таҳқирилган, паст, ҳақоратланган, кам, арзимас.
Муҳлик — ҳалок қилувчи, йўқ қилувчи.

Н

Навол, навола — 1) инъом, эҳсон, ҳадя; 2) насиба ҳисса; 3) луқма, ошам.
Наврас — 1) янги ўсиб келаётган ёш; 2) янги етишган ўспирин.
Насаф — Низом, қонун, тартиб, интизом.
Насс — ошкор, далил.
Насуҳ — чин кўнгиладан, соф, холис.
Нафъи дунявий — дунё манфаати.
Нахл — 1) хурмо дарахти, 2) кўчат, ёш дарахт.
Наҳй — бир одамни ёмон ишдан сақлаш.
Неша — неча, нечта маъноларида.
Нишман — 1) қуш уяси, ин; турар жой; 2) мажлис, ўлтириш.
Новак — 1) ўқ; 2) мажозий: маъноси киприк.
Нол — қамиш қалам ичидаги ингичка томир, қилтирик.
Номарбул — алоқасиз, боғланмаган.
Носих — 1) бекор қилувчи; йўққа чиқарувчи ;2) нусха кўчирувчи.
Носуфта — қўл тегмаган, покиза.
Нофа — мушк, хушбўй, мушк рангли.
Нофаржом — охири яхши тугамаган, нотаом иш, натижасиз, бефойда.
Ноҳа — урғочи туя.
Нуг, навг — бир нарса (қалам, нина)нинг учи.
Нусрат — 1) ёрдам, кўмак; 2) зафар, ғалаба.

О

Ож — фил тиши, фил суяги.
Озмун (азмун) — ўрганиш, тажриба, синаш, имтиҳон.
Ойин — 1) расм, одат; қоида, қонун; 2) ўхшаш, монанд.
Ориз — пайдо бўлувчи, кўринувчи маъноларида. Кўпинча сўзга қўшилиб келади.
Орият — бирор нарсани вақтинча олиш.
О с о — 1) каби, ўхшаш маъноларида сўзга қўшилиб келади; 2) тинчитувчи, роҳатлан-тирувчи.
Офоқ — уфқлар, дунё (бирлиги уфқ).
Ошён — ин, уя, уй қават
Ошуб — фитна, ҳаяжон, ғавғо, тўполон.
Ошубта — паришон, ўзини йўқотган, тарқоқ, тўзғиган.

П

- Пайкон* — 1 камон ўқи; 2) тикон; 3) маж, киприк.
Паргола — 1) парча, бўлак; 2) титилган, юмдаланган.
Пироя — безак, зийнат.
Пироҳан — кўйлак.
По я — мартаба, қадр, босқичи, даража.
По ш — сўз бирикмасида келувчи, сочувчи маъносида келади.
Пу л — кўприк.
Пурхам — бурам-бурам, кўп буралган, гажак, жингалак.

Р

- Работ* — сарой, карвонсарой, майхона, бекат, йўловчилар қўнадиган жой.
Равза — боғ, равзаи ризвон-жаннат боғи.
Равзан — тешик, туйнук, дарча.
Р а г — томир, қон томири.
Расан — арқон, арғамчи.
Рахт — 1) уй, асбоб анжом; 2) кийим-кечак; 3) йўл.
Рашаҳот — томчилар, сизиб оқиш.
Рашҳа — томчи.
Раҳрав — йўлчи.
Ризвон — 1) Розилиқ мамнунлик; 2) маж; биҳшт, жаннат.
Рисолат — элчилик.
Рифъат — юксаклик, баланд мартабалик.

- Сабу* — кўвача, май идиши.
Сабҳат — илгарилик олдингилик.
Саводи аззам — 1) катта шаҳар, 2) узоқдан кўринган зўр қоралик.
Савд — бахт, толе, яхшилик.
Сажжода — жойнамоз.
Сайд — ов, шикор.
Салосил — силсилалар, занжирлар (бирлиги силсила).
Салсабил — 1) тоза ва тиниқ оқар сув; 2) жаннат булоғи.
Самин — қийматбаҳо.
Сард — суюқ.
Саргарм — қизишган, қизғин киришган.
Сарир — тахт.
Сариҳ — очиқ, ойдин.
Сафина — кема.
Саҳоб — булут.
Саҳронавард — саҳроларни кезган.
Саҳи — тўғри, баланд.
Сев — олма.
Сийрат — хулқ-атвор, ахлоқ, яшаш тарзи, равиш одат.
Симандуд — кумуш суви берилган.
Симов — эшитиш, соз тинглаш.
Симсоҳ — болдири кумуш.
Сипеҳр — осмон, кўк.
Сиришк — кўз ёши.
Соид — билак.
Солик — йўлчи, бирор сўфийлик маслағига мансуб, сулук (йўлни) тутувчи.

Солис — учинчи.
Солус — ҳийла, алдов, тилёғламалик.
Сониг — яратувчи, ижод этувчи.
Соҳир — жодугар, кўз бўямачи, ажойиб санъаткор.
Субҳи азал — илк тонг.
С у д — фойда.
Сужуд — сажда.
Суйи мизож — бад хулқ, ёмон табиат.
Сурайд — етти оғайни юлдуз.
Суруд — ашула, қўшиқ, куйлаш, музыка.
Суфла — разил, паст, олчоқ.
Суфаҳо — аҳмоқлар.
Суҳо — энг кичик юлдуз, юлдузларнинг энг хираси.
Сўеганд — онд, қасам.

Т

Тааб — машаққат, заҳмат, қийинчилик.
Тааллул — 1) касалланиш; 2) баҳона қилиш.
Таарруз — 1) тегиш, тақилиш; 2) қаршилик кўрсатиш.
Тағиз — балоҳдан сақланиш учун ўқиладиган дуо.
Тавил — узун.
Тавсан — шўх ўйноқи от.
Тавз — ҳалқа; 1) баъзи қушлар бўйнидаги ҳалқа шаклидаги чизик; 2) айбдорлар бўйнига солинадиган ҳалқа.
Тавр — равиш, йўсин, навъ, одат, қилиқ, тарз усул.
Таъдид — адаб бериш, жазо бериш.
Тажаммул — безак, шарҳоз.
Тажрид — четлаштириш, ориқча нарсалардан холи қилиш, четлаштириш, ажратиш, яккалаш.
Тазвир — ҳийла, алдаш, фириб.
Тазҳиб — зар, олтин қоплаш.
Тамаввуж — мавжланиш, тўлқинланиш, чайқалиш.
Таназум — ноз-неъматлар ичида яшаш.
Тараб — шодлик, хурсандлик.
Татук — тепача.
Таррор — ҳийлагар, алдоқчи, киссавур, ўғри.
Тафохур — фахрланиш.
Тафриқа — паришонлик, ажралиш, сочилиш.
Тахвиф — қўрқитиш.
Ташвир — 1) жўшмоқ, қайнамоқ; 2) тўлқин; 3) фалокат
Тағйир — ўзгариш.
Таҳрик — ҳаракатга келтириш; қўзғаш.
Тийн — лой, балчиқ.
Тимор — касалга қараш, ғамхўрлик.
Тийра — қоронғилик.
Тобдор — порлоқ, нурли.
Тубо — диний афсонага кўра жаннатдаги бир дарахт.
Турбат — тупроқ.
Туюр — қушлар.
Тўтиё — кўзни равшан қилиш учун ишлатиладиган маъдан, модда.

У

- У *д* — 1) оловга солганда хуш ис берадиган ёғоч; 2) бир турли чолғу асбоби.
 У *ж в* — манманлик, шуҳратпарастлик, ғурур, риекорлик.
 Улуви, улви — олий, юқори, юксаклик, юқоридаги, осмонга тегишли; улвий даражот — олий даражали.
 У *м* — она.
 Умми — бесавод — ёзиб ўқишни билмаган саводсиз.
 Умми хабис — хабисларнинг онаси, майга берилган ном.
 У *р* — урён — яланғоч, ҳамма ёғи очиқ.
 Уствор — маҳкам, қувватли, тўғри, чидамли.
 У *ю б* — айблар, нуқсонлар, камчиликлар (бирлиги айб).

Ф

- Фавз — қутулиш, нажот.
 Фаръ — шохча, шохобча, тармоқ (кўплиги фуруот).
 Фарсуда — сўлгин, эскирган, тўзгиган, титилган.
 Фаттон — фитна қилувчи, мафтун этувчи, жозибали.
 Фитрат — яратилиш, хилқат, туғма табиат.
 Фузун — кўп, ортиқ.
 Фуруғ — нур, зиё.
 Фурқон — қуръоннинг иккинчи номи.
 Фусун — афсун; сеҳр, авраш, найранг.

Х

- Х *а д* — ёноқ (юзнинг қизариб турган жойи); гулҳад-гулюзли:
 Хаданг — ўқ, камон ўқи.
 Хазаф — сопол.
 Хайл — 1) гуруҳ, тўда; 2) от-улов тўдаси.
 Хайр — яхшилик; хайранжом-оқибати хайрли, яхши.
 Халаф — авлод, ўринбосар, зурриёт.
 Халхол — хотинларнинг оёқларига тақадиган безак ҳалқалари.
 Хамида — эгилган, букилган.
 Хафи — яширин, сирли махфий.
 Хафшош — кўршапалак.
 Хилофат — халифалик, дин ва давлат ҳоқими, ўринбосарлик.
 Хилқат — яратилиш.
 Хирад — ақл ҳуш.
 Хирадманд — ақлли, доно.
 Хирож — 1) қарам мамлакатлардан олинадиган солиқ; 2) халқдан ундириладиган солиқ.
 Хозин — 1) хазиначи; 2) кўриқчи, соқчи, посбон.
 Хома — қалам.
 Х *о н*, хонча — ичи ноз-неъмат билан тўла дастурхон.
 Хора — қаттиқ тош, гранит.
 Хотам — узук, муҳр, имзо, хат охирида босиладиган тамға.
 Хушк — қуруқ, қуруқлик.

Ч

- Чевра — айланма, давра
 Чиркинур, чизгинур — айланур, чирмалур.
 Чокар — навкар, хизматкор.

Ш

- Шабгард* — соқчи, қўриқчи.
Шайд — ҳийла, фириб, алдов.
Шайёд — ҳийлагар, фирибгар, ёлғончи.
Шакархоб — ширин уйқу, гафлат уйқуси.
Шарор — учқун, аланга, тобланиш.
Шаҳна — қўриқчи, соқчи тосбон.
Шаҳриёр — ҳужмдор, подшоҳ.
Шарҳа-шарҳа — 1) парча-парча, тилим-тилим; 2) шарҳа-жароҳат, заха.
Шеван — нола, фиғон, мунг.
Шитов — ошиқиш, шошилиш, суръат.
Шифта — ошиқ, мафтун, гирифтор, берилган.
Шойиста — лойиқ, мувофиқ.
Шоҳид — 1) гувоҳ; 2) маҳбуб.
Шукуфа — гул, чечак, очилиш, ғунча.
Шукуҳ — шавкат, азамат, савлат, улуғлик.

Э

- Эгтимод* — эътибор қилмоқ, ишонч.
Эҳром — ҳожиларнинг каъбани зиёрат қилиш мuddатида киядиган кийимлари ва шу мuddат орасида дунёвий ишлардан чекинишлари.

Қ

- Қабз* — олиш, тутиш, ушлаш.
Қабо — тўн, устки кийим.
Қандил — кўп шамъ ўрнатилган безакли осма шамдон.
Қиллат — озлик, камчилик, кам сонлик.
Қилода — тасма, бўйинбоғ.
Қулзум — Қизил денгиз, умуман чуқур денгиз.
Қуллов — чангак, қармоқ, илмоқ.
Қулув — қалблаар, кўнгиллар.
Қурв — яқинлик.
Қўмаз — қўймаз.

Ғ

- Ғадр* — зулм, хиёнат, золимлик.
Ғуфрон — гуноҳдан кечиш.

Ҳ

- Ҳазён* — беҳуда, бемаъни сўз, алаҳлаш, алжираш.
Ҳамал — эскича ўн икки буржнинг биринчиси.
Ҳарим, ҳарам — хос жой, ичкари ҳовли, маҳрам яқин кишиларнинг учрашув жойи.
Ҳидоят — тўғри йўл кўрсатиш.
Ҳ и н — вақт, замон, пайт.
Ҳирз — 1) тилсим, 2) балодан сақланиш учун ўқиладиган дуо, тумор, 3) сақланиш жойи.
Ҳирмон — маҳрум бўлиш, пушаймоналик, умидсизлик.

Ҳиял — ҳийлалар, алдовлар (бирлиги ҳийла)
Ҳоил — парда тўсиқ.
Ҳола — ой атрофида кўринган нур доираси.
Ҳорис — деҳқон, экин эҳувчи.
Ҳосид — ҳасадчи, бировни кўролмовчи.
Ҳубов — сув юзидаги кўпик.
Ҳузн — ғам, ҳасрат.
Ҳуққом — ҳокимлар, ҳукм этувчилар.
Ҳулул — кириш, дохил бўлиш, кириб ўрнашиш.
Ҳусул — ҳосил бўлиш, қўлга кириш.

МУНДАРИЖА

Муҳаммад Фузулий (Сўзбоши — <i>Холид Расул</i>)	
Дебоча	
Ғазаллар	
Таржеъбандлар, таркиббандлар, мухаммас ва мураббаълар.	
Қитъалар	
Рубоийлар	
Луғат	

На узбекском языке

ФИЗУЛИ

Избранные произведения в 2-х томах

том I

Диван

Муҳаррир *Ҳ. Пўлатов*

Рассом *А. Даваҷ*

Расмлар редактори *Ю. Павлов*

Техн. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *И. Қобулов*

Босмахонага берилди 17/I-1968 йил. Босишга рухсат этилди 20/V-1968 йил. Формати 70×90^{1/16}. Босма л. 24,0. Шартли босма л. 28,08. Нашр. л. 9,91 Тиражи 10 000. Р. Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 130—67.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг 3-босмахонасида № 1 қўғозга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1968 йил, заказ № 65. Баҳоси 1 с. 38 т.